

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР
ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮРИДИК ФАКУЛЬТЕТИ

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ ВА БОШҚАРУВИ КАФЕДРАСИ



**МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК
ФАНИ МОДУЛИ**

Билим соҳаси:	400000	–	Бизнес, бошқарув ва ҳуқук
Таълим соҳаси:	420000	–	Ҳуқук
Таълим соҳаси:	60420100	–	Юриспруденция (фаолият тури бўйича)

Наманган – 2023 й.

Маъмурий жавобгарлик фанининг ўқув-модули фаннинг намунавий ўқув дастури ҳамда 60420100 – Юриспруденция (фаолият тури бўйича) таълим йўналиши ўқув режаларига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Ўқув модули Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви кафедрасининг 202__ йил _____ даги 1-сон йиғилишида муҳокамадан ўтган ва факультет Кенгашида муҳокама қилиш учун тавсия этилган.

Тузувчи: Акаева Марапат Абдухаликовна, Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви кафедраси доценти, ю.ф.н.

Такризчилар: Р.Боймирзаева, Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви кафедраси катта ўқитувчиси.

А. Каримов, Наманган туманлараро иқтисодий суди раиси, юридик фанлар номзоди.

Мазкур ўқув модули Наманган давлат университети Илмий услубий кенгашининг йиғилиш қарорига асосан нашрга тавсия этилган.

(202__ - йил _____ даги _____-сон баённома).

М У Н Д А Р И Ж А

1. Фан дастурига муофиқ маърузалар мавзулари.....5-68
2. Мавзу юзасидан назарий саволлар.....69-73
3. Мавзу юзасидан тестлар.....74-83
4. Мавзу юзасидан казуслар.....84-108
5. Мавзу юзасидан глоссарийлар.....109-136

МАЪРУЗА МАВЗУЛАРИ

- 1-мавзу: Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва таркиби. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва асосий хусусиятлари, ҳуқуқий асослари. Маъмурий жазо чоралари ва турлари.....5-14
- 2-мавзу: Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар, сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.....15-25
- 3-мавзу: Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги, мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.....26-29
- 4-мавзу: Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.....30-37
- 5-мавзу: Саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги, қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарликлар, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик.....38-42
- 6-мавзу: Транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.....43-48
- 7-мавзу: Фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.....49-51
- 8-мавзу: Савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги, одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.....52-58
- 9-мавзу: Жамоат тартибига, бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.....59-65
- 10-мавзу: Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.....66-68

1-МАВЗУ. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва таркиби. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва асосий хусусиятлари, ҳуқуқий асослари. Маъмурий жазо чоралари ва турлари.

РЕЖА:

- 1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва таркиби.**
- 2. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва асосий хусусиятлари, ҳуқуқий асослари.**
- 3. Маъмурий жазо чоралари ва турлари.**

МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ:

Маърузада “ Маъмурий жавобгарлик” модулининг 1-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва таркиби. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси. Маъмурий жавобгарлик ва унинг бошқа ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро алоқаси (жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, солиқ ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи), Маъмурий жазо чоралари ва турлари ” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳуқуқ институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- Маърузани ўтиш жараёнида кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- Мавзуга оид норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

1. ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР ВА АСОСИЙ МАСАЛАЛАР:

• **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифаси** - инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конститутутсияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан иборатдир. Бу вазифаларни амалга ошириш учун, қонун ҳужжатлари, қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди

- **Маъмурий жавобгарлик** – бу маъмурий ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашдир.
- **Мансабдор шахс** - Доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.
- **Чет давлат фуқароси** – Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигига ва ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлган шахс.
- **Фуқаролиги бўлмаган шахс** - “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахс.
- **Маъмурий ҳуқуқбузарлик** деганда (фактик асоси) - қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.
- **Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби** – бу маъмурий ҳуқуқбузарлик меъёрлари билан ўрнатилган хусусиятларнинг йиғиндиси бўлиб, уларнинг мавжуд бўлиши билан аниқ бир қилмишлар – маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида тан олинади.
- **Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти** – бу маъмурий ҳуқуқбузарлик меъёрлари билан ўрнатилган ва муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.
- **Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони** – бу ҳуқуққа хилоф қилмишдир, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик объектига қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, унинг хусусиятлари, шунингдек, уни содир этиш (ёки содир этмаганлик) шароитлари ҳисобланади.
- **Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони** – бу ҳуқуқбузарлик субъекти (жисмоний шахс)нинг ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳамда унинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабати ҳисобланади.
- **Маъмурий жазо тушунчаси ва мақсади** – Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.
- **Асосий ва қўшимча маъмурий жазо чоралари** - Ашёларни уларнинг ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш, мусодара қилиш ва махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан) маҳрум этиш ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида, ушбу Кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган бошқа маъмурий жазо чоралари эса фақат асосий жазо тариқасида қўлланилиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва унинг принциплари. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелдан кучга киритилган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 1-моддасига

биноан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари:

- 1) ушбу Кодекс;
- 2) Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- 6) Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари;
- 7) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари;
- 8) халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларидан иборат.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принциплари куйидагилардан иборатдир:

- а) қонунийлик принципи.
- б) фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи.
- в) демократизм принципи.
- г) инсонпарварлик принципи.
- д) одиллик принципи.
- е) айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи .

Маъмурий жавобгарликни тартибга солувчи асосий қонун ҳужжати – Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси бўлиб, республика миқёсидаги маъмурий жавобгарлик меъёрларини тартибга солади, яъни:

биринчидан, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг умумий ҳолатлари ва принципларини мустақкамлайди;

иккинчидан, республика миқёсида умуммажбурийлик хусусиятига эга бўлган қоидаларнинг бузилиши учун маъмурий жавобгарликни ўрнатади;

учинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш ва маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш жараёнини тартибга солади;

тўртинчидан, маъмурий жазо турларини ва маъмурий-процессуал мажбурлов чораларини ўрнатади.

Деярли барча маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳуқуқий меъёрлар, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси доирасида умумлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари:

- 1) моддий ва процессуал ҳуқуқий меъёрлар тизимини ўзида ифода этади;
- 2) фуқароларнинг маъмурий жавобгарлигини назарда тутди;
- 3) маъмурий ва суд тартибида маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган маъмурий жавобгарликларни тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик ва Фуқаролик-процессуал кодексларидан фарқли равишда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, 3 хилдаги ҳуқуқий меъёрларни ўзида ифода этган:

- а) жавобгарликнинг умумий ҳолатларини ва принципларини, ҳуқуқбузарлик таркибини, маъмурий жазо чораларини белгилаб берувчи - моддий ҳуқуқий меъёрлар;
- б) ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқиш ва жазо қўллаш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш жараёнини тартибга солувчи – процессуал-ҳуқуқий меъёрлар.
- в) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилигига оид маъмурий ҳуқуққа оид нормалар.

Маъмурий жавобгарлик тушунчаси. Маъмурий жавобгарлик – юридик жавобгарликнинг алоҳида тури ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида, маъмурий жавобгарлик маъмурий-ҳуқуқий мажбурловнинг кўриниши бўлиб, унинг барча хусусиятларига эгадир.

Маъмурий жавобгарликка юридик жавобгарликнинг барча хусусиятлари ҳам хосдир. У ҳуқуқий меъёрлар асосида ўрнатилади, шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қўлланилади ва ваколатли давлат органлари (мансабдор шахслар) томонидан ўрнатилган процессуал тартибда ҳуқуқий меъёрларда назарда тутилган санкцияларни қўллашда ифодаланади.

Маъмурий жавобгарлик масаласи кўпгина ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, уларнинг аксарияти бу масалага деярли бир хилда ёндошган: маъмурий жавобгарлик – бу маъмурий ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашдир.

Маъмурий жавобгарлик ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар:

биринчидан, маъмурий жавобгарлик қонунлар билан ҳам, қонуности ҳужжатлари билан ҳам ўрнатилади, яъни у ўзининг меъёрий-ҳуқуқий асосига эгадир. Жиноий жавобгарлик – фақат қонунлар билан, интизомий жавобгарлик – қонун ва қонуности ҳужжатлари билан, моддий жавобгарлик – меҳнат ва фуқаролик қонунчилиги билан белгиланади;

иккинчидан, маъмурий жавобгарликнинг асоси бўлиб – маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади (қонун бузилиши ва ноҳўя хатти-ҳаракат кўринишида). Жиноий жавобгарликда – жиноят, интизомий жавобгарликда – интизомий ноҳўя хатти-ҳаракат, моддий жавобгарликда – моддий зарар етказиш ҳисобланади;

учинчидан, маъмурий жавобгарлик субъекти сифатида фуқаролар, мансабдор шахслар ва юридик шахслар намоён бўлади. Жиноий жавобгарликда – фуқаролар ва мансабдор шахслар, интизомий жавобгарликда – ходим (жамоа субъектларининг интизомий жавобгарлиги юридик адабиётларда мунозарали бўлиб келмоқда), моддий жавобгарликда – ходим (меҳнат қонунчилиги бўйича), юридик ва жисмоний шахслар (фуқаролик қонунчилиги бўйича) субъект бўлиши мумкин;

тўртинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – маъмурий жазо чоралари қўлланилади. Жиноят учун – жиноий жазо, интизомий ноҳўя хатти-ҳаракат учун – интизомий жазо, моддий зарар етказиш учун – мулкый жазо қўлланилади;

бешинчидан, маъмурий жавобгарлик қонун ҳужжатларига биноан кенг доирадаги давлат органлари (мансабдор шахслар) томонидан қўлланилади. Жиноий жавобгарлик – суд органлари томонидан, интизомий жавобгарлик - юқори турувчи давлат органи (мансабдор

шахс) томонидан, моддий жавобгарлик – суд органлари томонидан қўлланилади; олтинчидан, маъмурий жавобгарлик судланганлик ҳолатини ёки ишдан бўшатишни юзага келтирмайди, жиноий жавобгарликда - судланганлик юзага келади, интизомийда – ишдан бўшатиш мумкин;

еттинчидан, маъмурий жавобгарликни қўллаш учун, бўйсинувнинг бўлиши шарт эмас, интизомий жавобгарликни қўллашда эса бўйсинув мавжуд бўлади.

Маъмурий жавобгарликни қўлловчи органлар ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда, уларни қуйидагиларга бўлиш мумкин:

- 1) суд органлари томонидан қўлланиладиган маъмурий жавобгарлик;
- 2) давлат бошқаруви органлари (ёки ваколат берилган органлар) томонидан қўлланиладиган маъмурий жавобгарлик.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига асосланиб, маъмурий жавобгарликнинг ҳуқуқбузарлик субъектларига кўра, қуйидаги турларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

- 1) вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги;
- 2) мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги;
- 3) хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги;
- 4) хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги.

1.Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва таркиби.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва хусусиятлари. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 10-моддасига биноан эса, маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда (фактик асоси) - қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Ижтимоий хавfli қилмиш – бу ижтимоий муносабатларга маълум бир зарар келтирадиган ёки келтириши мумкин бўлган қилмишдир. Бундай хатти-ҳаракатларнинг йиғиндиси маълум бир тарихий шароитда, жамиятнинг мавжуд бўлишига таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, барча ҳуқуқбузарликни (шунингдек, маъмурий ножўя хатти-ҳаракатларни) ижтимоий хавfli қилмиш деб топиш мумкин эмас.

Баъзи бир ҳуқуқшунос олимлар, маъмурий ножўя хатти-ҳаракатларда ижтимоий хавф мавжуд бўлишини, бутунлай инкор этишади. Лекин шу ҳолатга ҳам эътибор бериш керакки, умумий қоидага тўғри келмаса ҳам, баъзи бир ножўя хатти-ҳаракатлар ижтимоий хавfliни юзага келтириши мумкин.

Ножўя хатти-ҳаракатлар, одатда, ижтимоий хавfliлик хусусиятига эга бўлмасдан, ижтимоий зарарли қилмиш ҳисобланади. Демак, жиноятнинг ножўя хатти-ҳаракатдан асосий фарқи, унда қилмиш ижтимоий хавfli ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик таркиби тушунчаси.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби – бу маъмурий ҳуқуқ меъёрлари билан ўрнатилган хусусиятларнинг йиғиндиси бўлиб, уларнинг мавжуд бўлиши билан аниқ бир қилмишлар – маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида тан олинади.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик таркиби сингари, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳам:

ҳуқуқбузарликнинг объекти ва объектив томони, субъекти ва субъектив томони каби хусусиятлар йиғиндисидан иборат бўлади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти – бу маъмурий ҳуқуқбузарлик меъёрлари билан ўрнатилган ва муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Бу, биринчи навбатда давлат бошқаруви соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлардир. Давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида нафақат маъмурий ҳуқуқ меъёрлари билан, балки маъмурий-ҳуқуқий воситалар билан муҳофаза этиладиган бошқа ҳуқуқ тармоқлари (конституциявий, молия, ер, меҳнат ва ҳ.к.лар) меъёрлари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар ҳам юзага келади. Шу сабабли, маъмурий ҳуқуқбузарлик объектига - маъмурий жавобгарлик меъёрлари билан ҳимоя қилинадиган ҳар қандай муносабатларни киритиш мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони – бу ҳуқуққа хилоф қилмишдир, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик объектига қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, унинг хусусиятлари, шунингдек, уни содир этиш (ёки содир этмаганлик) шароитлари ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик объектив томондан икки кўринишга эга:

биринчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликни ҳаракат натижасида содир этиш. Ҳаракат – инсоннинг фаол ҳуқ-атвори ҳисобланади. Аксарият маъмурий ҳуқуқбузарликлар, объектив томондан шахсларнинг ҳаракати орқали содир этилади. Масалан, тухмат, ҳақорат қилиш, енгил тан жароҳати етказиш, ўрнатилган турли умуммажбурий қоидаларни бузишда ифодаланган ҳуқуқбузарликлар - ҳаракатлар натижасида содир этилади;

иккинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ҳаракатсизлик натижасида келиб чиқиши. Ҳаракатсизлик – инсоннинг пассив ҳуқ-атвори бўлиб, одатда, белгиланган вазифани, мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганликда ифодаланади. Масалан, мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқмаганлик, ота-оналарнинг болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларни бажармаганлик, ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаганликда ифодаланган ҳуқуқбузарликлар – ҳаракатсизлик натижасида келиб чиқади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти - бу 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахсдир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида маъмурий жавобгарликнинг субъектлари уч гуруҳга бўлинган:

1) **умумий субъект** – ҳар қандай 16 ёшга тўлган жисмоний шахс. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган шахслар, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, маъмурий жавобгарликка тортилади;

2) **махсус субъект** – умумий субъектларга қараганда ўзига хос хусусиятларга (қўшимча белгиларга) эга бўлган субъектлардир. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг махсус субъектига - мансабдор шахсларни, ҳайдовчиларни, вояга етмаганларни ва бошқаларни киритиш мумкин.

3) **алоҳида субъект** – интизом уставлари ёки хизмат тўғрисидаги низомлар татбиқ қилинадиган шахслар, масалан, ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг алоҳида субъектлари – махсус субъектларнинг алоҳида гуруҳини ташкил этади. Алоҳида субъектлар ҳам, махсус субъектлар сингари ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг **субъектив томони**. Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик сингари, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳам – ҳуқуққа хилоф айбли содир этилган қилмиш ҳисобланади. Ҳуқуқбузарнинг ҳуқуққа хилоф қилмишни содир этишда айби мавжуд бўлганида, уни жавобгарликка тортиш мумкин бўлади. Айб – бу содир этилган қилмишга нисбатан шахснинг руҳий муносабатидир. Айб икки шаклда: қасд ва эҳтиётсизликда

ифодаланган бўлиши мумкин. Айб - маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектив томонининг мажбурий хусусияти ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони – бу ҳуқуқбузарлик субъекти (жисмоний шахс)нинг ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳамда унинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабати ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик айбнинг икки шаклида ҳам, яъни қасддан ва эҳтиётсизликдан содир этилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 11-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқуқий эканлигини билган бўлса, унинг зарарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини истаган бўлса ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилган деб ҳисобланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни қасддан содир этиш икки кўринишда бўлиши мумкин:

а) тўғри қасд, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқуқий эканлигини билади, унинг зарарли оқибатларига кўзи етади ва унинг юз беришини истади;

б) эгри қасд, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқуқий эканлигини билади, унинг зарарли оқибатларига кўзи етади ва бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўяди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни эҳтиётсизлик орқасида содир этиш қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

а) ўзига ишониш – шахснинг ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлайди;

б) бепарволик – шахснинг қонунда кўрсатилган оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўра билиши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда уларни олдиндан кўра билмагани.

2. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва асосий хусусиятлари, ҳуқуқий асослари.

Маъмурий жавобгарлик тушунчаси. Маъмурий жавобгарлик – юридик жавобгарликнинг алоҳида тури ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида, маъмурий жавобгарлик маъмурий-ҳуқуқий мажбурловнинг кўриниши бўлиб, унинг барча хусусиятларига эгадир.

Маъмурий жавобгарликка юридик жавобгарликнинг барча хусусиятлари ҳам хосдир. У ҳуқуқий меъёрлар асосида ўрнатилади, шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қўлланилади ва ваколатли давлат органлари (мансабдор шахслар) томонидан ўрнатилган процессуал тартибда ҳуқуқий меъёрларда назарда тутилган санкцияларни қўллашда ифодаланади.

Маъмурий жавобгарлик масаласи кўпгина ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, уларнинг аксарияти бу масалага деярли бир хилда ёндошган: маъмурий жавобгарлик – бу маъмурий ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашдир.

Маъмурий жавобгарлик ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар:

биринчидан, маъмурий жавобгарлик қонунлар билан ҳам, қонуности ҳужжатлари билан ҳам ўрнатилади, яъни у ўзининг меъёрий-ҳуқуқий асосига эгадир. Жиноий жавобгарлик – фақат қонунлар билан, интизомий жавобгарлик – қонун ва қонуности ҳужжатлари билан, моддий жавобгарлик – меҳнат ва фуқаролик қонунчилиги билан белгиланади;

иккинчидан, маъмурий жавобгарликнинг асоси бўлиб – маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади (қонун бузилиши ва ноҳўя хатти-ҳаракат кўринишида). Жиноий жавобгарликда – жиноят, интизомий жавобгарликда – интизомий ноҳўя хатти-ҳаракат,

моддий жавобгарликда – моддий зарар етказиш ҳисобланади;

учинчидан, маъмурий жавобгарлик субъекти сифатида фуқаролар, мансабдор шахслар ва юридик шахслар намоён бўлади. Жиноий жавобгарликда – фуқаролар ва мансабдор шахслар, интизомий жавобгарликда – ходим (жамоа субъектларининг интизомий жавобгарлиги юридик адабиётларда мунозарали бўлиб келмоқда), моддий жавобгарликда - ходим (меҳнат қонунчилиги бўйича), юридик ва жисмоний шахслар (фуқаролик қонунчилиги бўйича) субъект бўлиши мумкин;

тўртинчидан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун – маъмурий жазо чоралари қўлланилади. Жиноят учун – жиноий жазо, интизомий ножўя хатти-ҳаракат учун – интизомий жазо, моддий зарар етказиш учун – мулкӣ жазо қўлланилади;

бешинчидан, маъмурий жавобгарлик қонун ҳужжатларига биноан кенг доирадаги давлат органлари (мансабдор шахслар) томонидан қўлланилади. Жиноий жавобгарлик – суд органлари томонидан, интизомий жавобгарлик - юқори турувчи давлат органи (мансабдор шахс) томонидан, моддий жавобгарлик – суд органлари томонидан қўлланилади;

олтинчидан, маъмурий жавобгарлик судланганлик ҳолатини ёки ишдан бўшатишни юзага келтирмайди, жиноий жавобгарликда - судланганлик юзага келади, интизомийда – ишдан бўшатиш мумкин;

еттинчидан, маъмурий жавобгарликни қўллаш учун, бўйсинувнинг бўлиши шарт эмас, интизомий жавобгарликни қўллашда эса бўйсинув мавжуд бўлади

3.Маъмурий жазо чоралари ва турлари.

Маъмурий жазо – маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган доирада ва тартибда қўлланилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни назарда тутувчи санкцияларда – жазо чораси ва унинг рухсат этилган меъёрлари (ҳажми) кўрсатиб ўтилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини кўриб чиқувчи давлат органи (мансабдор шахс):

биринчидан, маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи модда санкциясида кўрсатиб ўтилган жазони тайинлаши мумкин;

иккинчидан, маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи модда санкциясида кўрсатиб ўтилган қўшимча жазони тайинлаши ёки тайинламаслиги мумкин;

учинчидан, маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи модда санкциясида кўрсатиб ўтилган жазонинг қуйи ва юқори ҳажмлари доирасидан келиб чиққан ҳолда қўллаши мумкин.

Ваколатли давлат органи (мансабдор шахс) жазони қўллаш чоғида, содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, мулкӣ аҳволи, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозим.

Маъмурий жазонинг турлари

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- 1) жарима;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
- 3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;
- 4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;
- 5) маъмурий қамокқа олиш.

б) чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш.

МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига нималар киради?
2. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тушунчаси ва турлари ҳақида гапиринг.
3. Мажбурлов тушунчасини беринг.
4. Ҳуқуқий мажбурлов деганда нимани тушунасиз ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Маъмурий-ҳуқуқий мажбурловнинг ҳуқуқий мажбурлов тизимида тутган ўрни қандай?
6. Маъмурий-ҳуқуқий мажбурловнинг мазмуни ва хусусиятлари нималардан иборат?
7. Маъмурий огоҳлантирув чораларини қўллашдан мақсад нимада?
8. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принципларини кўрсатиб беринг?
9. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Ўзбекистон Республикаси ваколатлари нималардан иборат?
10. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ваколатлари нималардан иборат?
11. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси мазмуни ва унинг вазифалари.
12. Маъмурий жавобгарлик тушунчасини беринг?
13. Маъмурий жавобгарликнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
14. Маъмурий жавобгарликнинг қандай турларини биласиз?
15. Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги қандай тартибга солинган?
16. Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
17. Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар томонидан қандай таъсир чоралари қўлланилиши мумкин?
18. Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
19. Ҳарбий хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
20. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
21. Юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги мавжудми
22. Маъмурий жавобгарликни қўллаш асосларига нималар киради?
23. Маъмурий жавобгарликнинг ҳуқуқий асосларини кўрсатиб беринг?
24. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси.
25. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг умумий хусусиятларига нималар киради?
26. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ўзига хос хусусиятларига нималар киради?
27. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг жиноятдан фарқи нимада?
28. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг интизомий ножўя хатти-ҳаракатдан фарқи нимада?
29. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг юридик таркибига тушунча беринг?
30. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти деганда нимани тушунасиз ва унинг турлари қандай?

31. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони деганда нимани тушунасиз ва унинг кўринишлари қандай?
32. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти деганда нимани тушунасиз ва унинг турлари қандай?
33. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони деганда нимани тушунасиз ва унинг кўринишлари қандай?
34. Маъмурий жазо мақсади.
35. Маъмурий жазонинг вазифалари.
36. Маъмурий жазо чоралари тушунчаси.
37. Маъмурий жарима мазмуни.
38. Маъмурий жариманинг миқдорлари.
39. Маъмурий жарима қўлланилмайдиган ҳолатлар.
40. Ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
41. Ҳақини тўлаш шarti билан олиб қўйиш қўлланилмайдиган ҳолатлар.
42. Мусодара қилиш мазмуни ва хусусиятлари.
43. Мусодара қилиш қўлланилмайдиган ҳолатлар.
44. Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш тушунчаси ва турлари.
45. Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш қўлланилмайдиган ҳолатлар.
46. Маъмурий қамоққа олиш мазмуни.
47. Маъмурий қамоққа олишни қўлловчи органлар.
48. Маъмурий қамоққа олиш қўлланилмайдиган ҳолатлар.
49. Маъмурий жазо тушунчасини беринг ва унинг мақсади нимадан иборат?
50. Маъмурий жазо чораларини санаб беринг?
51. Асосий маъмурий жазо деганда нимани тушунасиз?
52. Қўшимча маъмурий жазо деганда нимани тушунасиз?

2-МАВЗУ. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар, сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

РЕЖА:

- 1. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.**
- 2. Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик**

МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ:

Маърузада “Маъмурий жавобгарлик” модулининг 2-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Тухмат. Ҳақорат қилиш. Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш. Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш. Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш. Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш. Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш. Васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш. Меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатида фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш. Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш. Хорижий ишчи кучини Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузиш. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш. Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиб. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик. Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш. Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш. Номзодлар,

сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш. Сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш. Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш. Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳуқуқ институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- Мавзуга оид ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- Режа асосида слайдлар ёрдамида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш тушунтирилади;
- Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР ВА АСОСИЙ МАСАЛАЛАР:

- **Тухмат** - тухмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатишда ифодаланади.
- **Ҳақорат қилиш** - Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситишда ифодаланади.
- **Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Фуқароларнинг тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлашдан иборат ҳуқуқларини бузиш, тилдан фойдаланишда тўсқинлик қилиш ва чеклаш, давлат тилини, шунингдек Ўзбекистон Республикасида яшовчи бошқа миллатлар ва элатларнинг тилларини менсимасликда ифодаланади.
- **Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганликда ифодаланади.
- **Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш** - Фуқарога унинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этишда ифодаланади.

- **Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш** - Турар жойга унда истиқомат қилувчиларнинг хоши-иродасига хилоф равишда ноқонуний тарзда кириш, мансабдор бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.
- **Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш** - Тиббий ёки тижорат сирларини, ёзишма ва бошқа хабарлар, нотариал ҳаракатлар, банк операциялари ва жамғармалар сирларини, худди шунингдек фуқарога, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига маънавий ёхуд моддий зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни ошкор этишда ифодаланади.
- **Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш** - Шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатишда ифодаланади:
 - ❖ **Шахснинг шахсий ҳаёти** - алоҳида шахсга дахлдор бўлган инсон ҳаётини фаолияти соҳаси. Бу соҳа фақат ўша шахсга тегишли бўлиб, агарда, ўз навбатида ҳуқуққа хилоф аҳамият касб этмаса, жамият ва давлат томонидан назорат қилинмайди.
 - ❖ **Шахсий сир** – бир шахснинг фақат ўзига маълум бўлган ва бошқа шахсларга маълум қилиниши мумкин бўлмаган ишбилармонлик ва дўстона алоқалар, қизиқиш ва камчиликлар, яширин жисмоний нуқсонлар ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар. Мазкур маълумотлар турли ахборот ташувчи манбаларда бўлиши мумкин (кундалик, расмлар, аудио ва видео форматдаги манбалар).
 - ❖ **Оилавий сир** – бир оила аъзоси бўлган бир неча шахсларга маълум бўлган ва бошқа шахсларга маълум қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар. Масалан, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий ва мулкый муносабатлар, ўзаро муносабатлар тарихи, интим муносабатлари, қизиқиш ва камчиликлари тўғрисидаги маълумотлар.
- **Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилишда ифодаланади:
 - ❖ **Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари** – “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.
 - ❖ **Шахсга доир маълумотлар** - муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот. Масалан, шахснинг фамилияси, исми, шарифи, туғилган санаси, туғилган жойи, доимий ва вақтинча яшаш манзили, оиласи ва ижтмоий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, таълим олганлиги тўғрисидаги маълумотлар, касби ва мансаби, даромади ва мулкый ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, биометрик маълумотлар, шахсий телефон рақами, расми ва бошқалар.
- **Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик** - Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келишида ифодаланади.
- **Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик** - Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни шундай болалар турган муассаса раҳбари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, худди шунингдек улар томонидан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақида атайин нотўғри маълумотлар беришда ифодаланади.

- **Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш** - Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга (патронат), фарзандликка беришда, уларга васийлик (ҳомийлик) белгилашда ёхуд уларни етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган тегишли давлат муассасасига жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузишда ифодаланади.
- **Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш ва никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.
- **Васийлик ҳуқуқини суниестемол қилиш** - васийликка олинганнинг зарарига ғаразли мақсадларни кўзлаб васийликдан ёки ҳомийликдан фойдаланиш ёки уни назоратсиз ва зарур моддий ёрдамсиз қолдиришда ифодаланади.
- **Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш** - Вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламасликда ифодаланади.
- **Васийлик ҳуқуқини суниестемол қилиш** - Васийликка олинганнинг зарарига ғаразли мақсадларни кўзлаб васийликдан ёки ҳомийликдан фойдаланиш ёки уни назоратсиз ва зарур моддий ёрдамсиз қолдиришда ифодаланади.
- **Меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида ифодаланади.
- **Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш** - вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланишда ифодаланади.
- **Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги** - иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қонун билан белгиланган ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслигидир.
- **Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш** - вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлашдир.
- **Хорижий ишчи кучини Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузиш** - Хорижий ишчи кучини Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузишдир.
- **Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат қўшимча кафолатларни таъминлайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини яратишга доир қарорларини бажармаслик, худди шунингдек аввал талабнома берилган, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим олган, шунингдек касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга юборилган шахсларни ишга қабул қилишни рад этишдир.

- **Хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Мансабдор шахс томонидан хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишдир.
- **Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш** - қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, меҳнатга бирон бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлашдир.
- **Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - ногиронлар ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиغان йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш бўйича талабларни бажармасликдир.
- **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш** - Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш, худди шунингдек уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтиришда ифодаланади.
- **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик** - Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик, худди шунингдек уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузишда ифодаланади.
- **Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш** - Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузишда ифодаланади.
- **Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш** - Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузишида ифодаланади.
- **Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш** - Сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатишда ифодаланади.
- **Сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасдан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасдан шикаст етказиш** - Биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида қасдан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасдан шикаст етказишда ифодаланади.
- **Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш** - Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузишда ифодаланади.
- **Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш** - Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини, шунингдек сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузишда ифодаланади.

1. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 5-боби, 40-51¹-моддаларида назарда тутилган. Буларга Тухмат. Ҳақорат қилиш. Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш. Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш. Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш. Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш. Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш. Васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш. Меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш. Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш. Хорижий ишчи кучини Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузиш. Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш. Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш кабилар кирди.

Мазкур ҳуқуқбузарликларнинг объекти - фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириши билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади, субъекти умумий ва махсус бўлиб, 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади. Субъектив томондан қасддан содир этилиб, объектив томондан қуйидагиларда ифодаланади:

- **Тухмат** - тухмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатишда ифодаланади.
- **Ҳақорат қилиш** - Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан камситишда ифодаланади.
- **Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Фуқароларнинг тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлашдан иборат ҳуқуқларини бузиш, тилдан фойдаланишда тўсқинлик қилиш ва чеклаш, давлат тилини, шунингдек Ўзбекистон Республикасида яшовчи бошқа миллатлар ва элатларнинг тилларини менсимасликда ифодаланади.

- **Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганликда ифодаланади.
- **Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш** - Фуқарога унинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этишда ифодаланади.
- **Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш** - Турар жойга унда истиқомат қилувчиларнинг хоҳиш-иродасига хилоф равишда ноқонуний тарзда кириш, мансабдор бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.
- **Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш** - Тиббий ёки тижорат сирларини, ёзишма ва бошқа хабарлар, нотариал ҳаракатлар, банк операциялари ва жамғармалар сирларини, худди шунингдек фуқарога, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига маънавий ёхуд моддий зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни ошкор этишда ифодаланади.
- **Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш** - Шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатишда ифодаланади:
 - ❖ **Шахснинг шахсий ҳаёти** - алоҳида шахсга дахлдор бўлган инсон ҳаётининг фаолияти соҳаси. Бу соҳа фақат ўша шахсга тегишли бўлиб, агарда, ўз навбатида ҳуқуққа хилоф аҳамият касб этмаса, жамият ва давлат томонидан назорат қилинмайди.
 - ❖ **Шахсий сир** – бир шахснинг фақат ўзига маълум бўлган ва бошқа шахсларга маълум қилиниши мумкин бўлмаган ишбилармонлик ва дўстона алоқалар, қизиқиш ва камчиликлар, яширин жисмоний нуқсонлар ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар. Мазкур маълумотлар турли ахборот ташувчи манбаларда бўлиши мумкин (кундалик, расмлар, аудио ва видео форматдаги манбалар).
 - ❖ **Оилавий сир** – бир оила аъзоси бўлган бир неча шахсларга маълум бўлган ва бошқа шахсларга маълум қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар. Масалан, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий ва мулккий муносабатлар, ўзаро муносабатлар тарихи, интим муносабатлари, қизиқиш ва камчиликлари тўғрисидаги маълумотлар.
- **Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилишда ифодаланади:
 - ❖ **Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари** – “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.
 - ❖ **Шахсга доир маълумотлар** - муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот. Масалан, шахснинг фамилияси, исми, шарифи, туғилган санаси, туғилган жойи, доимий ва вақтинча яшаш манзили, оиласи ва ижтмоий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, таълим олганлиги тўғрисидаги маълумотлар, касби ва мансаби, даромади ва мулккий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, биометрик маълумотлар, шахсий телефон рақами, расми ва бошқалар.
- **Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик** - Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга

етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келишида ифодаланади.

- **Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик** - Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни шундай болалар турган муассаса раҳбари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, худди шунингдек улар томонидан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақида атайин нотўғри маълумотлар беришда ифодаланади.

- Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш - Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга (патронат), фарзандликка беришда, уларга васийлик (ҳомийлик) белгилашда ёхуд уларни етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган тегишли давлат муассасасига жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузишда ифодаланади.

- **Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш ва никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

- **Васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш** - васийликка олинганнинг зарарига ғаразли мақсадларни кўзлаб васийликдан ёки ҳомийликдан фойдаланиш ёки уни назоратсиз ва зарур моддий ёрдамсиз қолдиришда ифодаланади.

- Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш - Вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламасликда ифодаланади.

- Васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш - Васийликка олинганнинг зарарига ғаразли мақсадларни кўзлаб васийликдан ёки ҳомийликдан фойдаланиш ёки уни назоратсиз ва зарур моддий ёрдамсиз қолдиришда ифодаланади.

- **Меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида ифодаланади.

- **Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш** - вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғи, ҳавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланишда ифодаланади.

- **Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги** - иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қонун билан белгиланган ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслигидир.

- **Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш** - вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлашдир.

- Хорижий ишчи кучини Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузиш - Хорижий ишчи кучини Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузишдир.
- **Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кўшимча кафолатларни таъминлайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини яратишга доир қарорларини бажармаслик, худди шунингдек аввал талабнома берилган, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим олган, шунингдек касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга юборилган шахсларни ишга қабул қилишни рад этишдир.
- Хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш - Мансабдор шахс томонидан хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишдир.
- **Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш** - қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, меҳнатга бирон бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлашдир.
- **Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - ногиронлар ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиغان йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш бўйича талабларни бажармасликдир.

2. Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 5¹-боби, 51²-51⁹-моддаларида назарда тутилган. Буларга Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик. Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш. Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш. Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш. Сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш. Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш. Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш кабила киради.

Мазкур ҳуқуқбузарликларнинг объекти - сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади, субъекти умумий ва махсус бўлиб, 16 ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади. Субъектив томондан қасддан содир этилиб, объектив томондан қуйидагиларда ифодаланади:

- **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралашиш** - Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг,

референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралashiш, худди шунингдек уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтиришда ифодаланади.

- **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик** - Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик, худди шунингдек уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузишда ифодаланади.
- **Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш** - Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузишда ифодаланади.
- **Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш** - Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузишида ифодаланади.
- **Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш** - Сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатишда ифодаланади.
- **Сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш** - Биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказишда ифодаланади.
- **Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш** - Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузишда ифодаланади.
- **Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш** - Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини, шунингдек сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузишда ифодаланади.

1. СЕМИНАР САВОЛЛАРИ:

- Тухмат ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Ҳақорат қилиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.

- Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Васийлик ҳуқуқини суиистеъмол қилиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Хорижий ишчи кучини Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлов ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.

3-Мавзу. Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги, мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

РЕЖА:

- 1. Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик**
- 2. Мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик**

МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ:

Маърузада “Маъмурий жавобгарлик” модулининг 3-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Енгил тан жароҳати етказиш. Санитария қонун ҳужжатларини бузиш. Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш. Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш. Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш. Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш. Таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш. Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши. ОИВ касаллиги/ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказишда, шунингдек тиббий ва косметик муолажаларни ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик. Ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli ҳолатда бўлган шахсга шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни асосиз равишда рад этиш. Табиий ресурсларга эғалик ҳуқуқини бузиш. Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик. Оз миқдорда талон-торож қилиш. Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш. Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш. Топиб олинган мол-мулкни яшириш. Ғайриқонуний ов, балиқ овлаш маҳсулотини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш маҳсулотини қабул қилиб олиш. Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳуқуқ институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- Маърузани ўтиш жараёнида ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- Мавзуга оид норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- Режа асосида слайдлар ёрдамида аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги, мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик тушунтирилади;

- Мунозарали саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР ВА АСОСИЙ МАСАЛАЛАР:

Енгил тан жароҳати етказиш - Эҳтиётсизлик оққасида енгил тан жароҳати етказиш ва қасдан енгил тан жароҳати етказиш, бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиған турғун тарзда йўқотишга олиб келмаған бўлса.

Санитария қонун ҳужжатларини бузиш - Санитария қонун ҳужжатларини, санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузишда ифодаланади.

Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш - Карантинли ва инсон учун хавфли бўлған бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида ваколатли органнинг махсус талабларига зид равишда жамоат жойларида никобсиз бўлишда, Карантинли ва инсон учун хавфли бўлған бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлишининг ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланған мажбурий қоидаларни бузиш, шу жумладан карантинли ва инсон учун хавфли бўлған бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида шифохонадаги ички тартибга риоя этмаслик, давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланған жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланған муддат давомида тарқ этмаслик, касаллик юқиш хавфи мавжуд бўлған даврда мулоқотда бўлинған шахслар ва борилған жойлар ҳақидаги маълумотларни ошқор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармасликда ифодаланади.

Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш - Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузишда ифодаланади.

Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш - Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатишда ифодаланади.

Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш - Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлған жойларда, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш, бундан тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилған жойлар ва (ёки) хоналар мустасно.

Таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш - Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраған беморнинг касаллик юқтирилған манбани, шунингдек ўзи билан алоқа қилиб таносил касаллиги ва ОИВ касаллиги/ОИТС

юқиши хавфини туғдирган шахсларни яширишида ифодаланади.

Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши - Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраганлиги ҳақида етарли маълумотлар бўлган шахсларнинг соғлиқни сақлаш органлари томонидан огоҳлантирилганидан кейин ҳам текширишдан бўйин товлашида ифодаланади.

ОИВ касаллиги/ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказишда, шунингдек тиббий ва косметик муолажаларни ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик - ОИВ касаллиги/ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўрикдан ўтказишда, шунингдек ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтиришга олиб келадиган тиббий ва косметик муолажа ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганликда ифодаланади.

Ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли ҳолатда бўлган шахсга шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этиш - Ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли ҳолатда бўлган шахсга тиббиёт ташкилотларида қонунга ёки махсус қоидаларга мувофиқ шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиши керак бўлган шахс томонидан шундай ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этишда ифодаланади.

Табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш - Ердан, сувдан, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ёхуд ерга ва бошқа табиий ресурсларга (бундан ер ости бойликлари ва ер ости сувлари мустасно) эгалик ҳуқуқини бевосита ёки яширин шаклда бузувчи битимлар тузиш ёки бошқа ҳаракатлар содир этиш, табиатдан махсус фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш да ифодаланади.

Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик - Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмасликдир.

Оз миқдорда талон-торож қилиш - Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилишдир. Башарти талон-торож қилинган мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаса, бундай талон-торож оз миқдордаги талон-торож қилиш деб ҳисобланади. Устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мол-мулкни уларнинг ходими томонидан ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан содир этилган оз миқдорда талон-торож қилиш фақат мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлади.

Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш - Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки

бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этишда ифодаланади.

Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш - Ўзганинг мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш, оз миқдорни ташкил этса, кўп бўлмаган миқдорни ташкил этишидир. Оз миқдор деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача бўлган доирадаги, кўп бўлмаган миқдор деганда эса, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган доирадаги миқдор тушунилади. Устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мол-мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш фақат мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлади.

Тоғиб олинган мол-мулкни яшириш - Тоғиб олинган ёки тасодифан қўлига тушиб қолган қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан ортиқ бўлган ўзганинг мол-мулкни яширишда ифодаланади.

Ғайриқонуний ов, балиқ овлаш маҳсулотини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш маҳсулотини қабул қилиб олиш - Ғайриқонуний ов, балиқ овлаш маҳсулотини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш маҳсулотини тайёрлаш ёки қайта ишлаш ташкилотининг, савдо ёхуд умумий овқатланиш ташкилотининг мансабдор шахси томонидан қабул қилиб олишда ифодаланади.

Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш - Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, Давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган теграларида, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, шу жумладан ўзининг тарихий-маданий қимматига кўра Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда ва уларнинг қўриқланадиган теграларида моддий маданий мерос объектлари ҳисобланмаган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни белгиланган тартибда рухсатнома олмасдан куриш ёки бузишда ифодаланади.

МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН САВОЛЛАР:

- Енгил тан жароҳати етказиш.
- Санитария қонун ҳужжатларини бузиш. Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш.
- Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш.
- Гиёвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш.
- Таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш.
- Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши.

4- МАВЗУ. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик

РЕЖА:

1. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик

2. Табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик

МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ:

Маърузада “Маъмурий жавобгарлик” модулининг 4-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни ярқсиз ҳолга тушириш. Ер бериш тартибини бузиш. Вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун ярқли ҳолга келтирмаслик. Хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш. Ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаслик. Чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш. Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузиш. Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш. Фойдали қазилмаларни лицензиясиз қазиб олиш. Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини бузиш. Сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш. Зарарли моддалар ва қоришмаларга оид операцияларни кема ҳужжатларида қайд этиш мажбуриятларини бажармаслик. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш. Сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш. Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш. Дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш. Ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш. Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш. Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш. Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш. Ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш. Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек ундан фойдаланмаслик. Чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик. Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузиш. Ишлатиш тақиқланган ва ишга ярқсиз бўлиб қолган

кимёвий моддаларни зарарсизлантириш қоидаларини бузиш. Ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш. Ов қилиш ва балиқ овлашнинг тақиқланган қуролларини ёки воситаларини тайёрлаш, олиб кириш, сақлаш, ташиш ёки юбориш, олиш ёхуд сотиш. Саноат, рўзгор чиқиндилари ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш. Белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суяқ маиший чиқиндиларни тўкиш. Санитар тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талабларни бузиш. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат қилиш, шунингдек чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари бўйича кадастр ахборотларини тақдим этиш тартибини бузиш. Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш. Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга хилоф равишда олиб келиш. Ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, соғи камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатлар содир этиш. Табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик. Лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз рўёбга чиқариш.” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳуқуқ институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- Мавзуга оид норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- Режа асосида слайдлар ёрдамида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликлар тушунтирилади;
- Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР ВА АСОСИЙ МАСАЛАЛАР:

- **Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш** – Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш, объектлар қуриш пайтида унумдор қатламни олмаслик, ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ерларни фойдаланишдан чиқаришга, ҳосилдорлик пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган бошқа ҳаракатларни содир этиш, шунингдек таназзулга юз тутган қишлоқ хўжалиги ерларини консервациялашнинг белгиланган тартибини бузиш, ерга эгалик қилувчилар, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан бир гектаргача, бир гектардан ортиқ майдонга эга ер участкасида суғориладиган ерларни яхшилаш ҳамда муҳофаза қилиш, шу жумладан ерлардан мақсадли, оқилона фойдаланилишини, тупроқнинг қайта тикланишини ва ҳосилдорлиги оширилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга тушириш, уларни ишлаб чиқариш чиқитлари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан ифлослантиришда ифодаланади.
- **Ер бериш тартибини бузиш** – Ер бериш тартибини бузиш, худди шунингдек фермер ёки деҳқон хўжалиги юритиш учун, яқка тартибда уй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш, жамоа боғдорчилиги ва полизчилиги учун фуқароларга ер берилишига тўсқинлик қилиш.
- **Вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирмаслик** – Вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш юзасидан мажбуриятларни бажармасликда ифодаланади.
- **Хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш** – Тасдиқланган ер тузилиши лойиҳа ҳужжатларидан тегишли рухсат бўлмайд туриб четга чиқиш, худди шунингдек тегишли органлар билан келишмай туриб объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш, ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни бузиб кўрсатиш, ахборотларни беришдан бўйин товлаш ёки нотўғри ахборот беришда ифодаланади.
- **Чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш** - Эгаликдаги ва фойдаланишдаги ерларнинг чегара белгиларини, ўрмонлардаги чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантиришда ифодаланади.
- **Ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаслик** - Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмасликда ифодаланади.
- **Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузиш** – Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларга ўзбошимчалик билан иморатлар қуриш, фойдали қазилма конларини экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда кон назорати органлари билан келишмай туриб ишга солиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш талаблари ва тартибини бузиш (бундан фойдали қазилмаларни лицензиясиз қазиб олиш мустасно), ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги талабларини бузиш, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш қоидаларини ва табиий муҳитни, бинолар ва иншоотларни ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш талабларини бажармаслик, ер ости сувлари режимини кузатиш учун қазилган қудуқларни, маркшейдерлик ва геологик белгиларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш, худди шунингдек умумтарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш қоидаларини ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар томонидан бузиш, конларнинг бой участкаларини танлаб ишлатиш, минерал хом ашёни қазиб олаётганда ва қайта ишлашда фойдали қазилмаларни

нормативдан ортиқ нобуд қилиш, фойдали қазилма конларини яроқсиз ҳолга келтириш ва фойдали қазилма захираларидан оқилона фойдаланиш талабларини бошқача тарзда бузиш, маркшейдерлик ҳужжатларини йўқотиш, тугатилаётган ёки консервация қилинаётган конларни ва бурғиланган қудуқларни аҳолининг хавфсизлигини таъминловчи ҳолатга келтириб қўйиш талабларини, шунингдек консервация вақтида конларни, қазилаётган жойларни ва бурғиланган қудуқларни муҳофаза этиш талабларини бажармасликда ифодаланади.

- **Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш** - Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузишда ифодаланади.

- **Фойдали қазилмаларни лицензиясиз қазиб олиш** - Фойдали қазилмаларни лицензиясиз қазиб олиш, худди шунингдек олтин изловчилар усулида лицензиясиз қазиб олиш, бундан ер ости сувлари ҳамда дарёлар ўзанларида жойлашган фойдали қазилмалар мустасно.

- **Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини бузиш** - Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини топилган фойдали қазилмалар захираларига ёки фойдали қазилмалар қазиб олиш корхоналари, шунингдек фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари куриш ва улардан фойдаланиш шароитларига нотўғри баҳо берилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тарзда бузиш, ер ости бойликларини кейинги геологик жиҳатдан ўрганишда ва конларни ишга солишда зарур бўлган геологик ҳужжатларни, фойдали қазилма намуналари дубликатларини ва кернларини йўқотиб қўйишда ифодаланади.

- **Сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш** - Сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, Корхоналар, коммунал ва бошқа объектларни сувларнинг ифлосланиши ва булғаниши ёки уларнинг зарарли оқибатлари олдини олувчи иншоотлар ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, шунингдек сув объектларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилиш, Сув қудуқларини қазининг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузиш (бундан жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари учун, шу жумладан томорқа ер участкаларини суғориш учун ер ости сувларини яқка тартибда олишга мўлжалланган қудуқларни қазини ҳоллари мустасно), ишлатилаётган ва кузатув қудуқларини йўқ қилиб юбориш ёки шикастлантириш, сув ўзи чиқадиган қудуқларни уларни тартибга соладиган қурилмалар билан жиҳозлашга, шунингдек ишлатишга яроқсиз қудуқларни консервациялашга ёки йўқ қилишга доир чораларни кўрмаслик, сифатли ер ости сувлари ҳосил бўладиган теграда ер ости сувлари ифлосланишининг ёки сифати ёмонлашишининг манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган саноат, қишлоқ хўжалиги иншоотларини ва бошқа объектларни жойлаштиришда ифодаланади.

- **Зарарли моддалар ва қоришмаларга оид операцияларни кема ҳужжатларида қайд этиш мажбуриятларини бажармаслик** - Кема ёки бошқа сузиш воситаси капитани ёки бошлиқлар таркибига мансуб бошқа шахслар томонидан зарарли моддалар ёки қоришмаларга оид операцияларни кема ҳужжатларида қайд этиш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилмасликда ифодаланади.

- **Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш** - Табиий сув оқимлари (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар) ва бошқа табиий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, сув олиш лимитларини бузиш, шунингдек лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган ҳолда улардан сув олишни амалга ошириш, Сунъий сув оқимлари (очиқ ва ёпиқ каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари), сув ҳавзалари (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) ҳамда бошқа сунъий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли

қоидаларини бузиш, яъни сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш, сув объектларидан белгиланган сув олиш лимитлари, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаларини бузиш, Ер ости сувли қатламларидан олинadиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, ер ости сувли қатламларидан сув олиш лимитларини бузиш, ер ости сувларидан ўзбошимчалик билан сув олишда ифодаланади(бундан жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари, шу жумладан томорқа ер участкаларини суғориш учун сувдан умумий фойдаланиши мустасно).

- **Сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш** - Сув объектларидан олинadиган ва уларга қуйиладиган сув миқдорининг дастлабки ҳисобини юритиш ва оқиб келиб қўшилаётган сувлар сифатини аниқлаш қоидаларини бузиш, шунингдек давлат сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибини бузишда ифодаланади.

- **Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш** - Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

- **Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш** - Тегишли рухсат олмай туриб иморат солиш, ёғочни қайта ишлаш, омборлар ва бошқа иншоотлар қуриш мақсадида ўрмон фонди ерларидаги дарахтни кундаков қилиш, ўрмон фонди ерларида пичанзорлар ва яйловларни шикастлантириш, ўзбошимчалик билан пичан ўриш, дренаж тизимларини ва йўлларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш, Ўрмон фонди ерларида чорва молларини ўтлатиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

- **Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш** - Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш, ёғоч тайёрлаш ва ташиб олиб кетиш тартибини, шунингдек ўрмон кесиш чиптаси (ордери)да ёки ўрмон чиптасида белгиланган бошқа талабларни бузишда ифодаланади.

- **Дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш** - Дарахтлар, буталарни, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилишда ифодаланади.

- **Ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш** - Ўрмонларни тиклаш, уларнинг ҳолатини ва тури таркибини яхшилашга, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга, шунингдек етилган ёғоч захираларидан фойдаланишга оид қоидалар ва йўриқномаларни бузишдир.

- **Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш** - Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликларни ёки уларнинг яшаш фаолияти натижасида ҳосил бўлган илдизлари, пиёзбошлари, таналари, поялари, новдалари, пўстлоғи, барглари, ғунчалари, гуллари, уруғлари, мевалари, шарбатини (елимини) ва бошқа маҳсулотларини ўзбошимчалик билан йиғишда ифодаланади.

- **Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш** - Давлат қўриқхонаси режимини бузиш, Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор қўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар шу жумладан сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, давлат биосфера резерватлари ҳамда давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини бузишда ифодаланади.

- **Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш** - Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юборишда ифодаланади.

- **Ўрмонларда ёнгин хавфсизлиги талабларини бузиш** - Ўрмонларда ёнгин хавфсизлиги талабларини бузишда ифодаланади.

- **Ифлослантурувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш** - Ифлослантурувчи моддаларни ва биологик организмларни йўл қўйиладиган нормативдан ортиқ даражада атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш; атмосфера ҳавосига йўл қўйиладиган энг юқори нормативдан ортиқ даражада зарарли физикавий таъсир кўрсатиш; махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатсиз атмосферага ифлослантурувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлаш; қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатини олиш талаб этиладиган ҳолларда бундай рухсатни олмай туриб атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, худди шунингдек ноқулай метеорологик шароит даврида атмосферанинг ифлосланганлик даражаси ортиб кетишига сабаб бўлувчи ифлослантурувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлашни камайтириш чора-тадбирларини тўлиқ ҳажмда бажармаганлик; бундай моддаларни ёппасига чиқариб ташлашларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширмалик, Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун атмосфера ҳавосидан белгиланган нормативлардан ортиқча фойдаланиш, худди шунингдек атмосфера ҳавосидан тасдиқланган нормативларсиз ёки махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатсиз фойдаланишда ифодаланади.
- **Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек ундан фойдаланмаслик** - Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш учун ўрнатилган иншоотлар, усқуналар, аппаратуралардан, шунингдек чиқариб ташланадиган зарарли моддалар миқдори ва тартибини назорат қилувчи воситалардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки улардан фойдаланмасликда ифодаланади.
- **Чиқиндиларда ифлослантурувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш** - Чиқиндиларда ифлослантурувчи моддалар, шунингдек ишлаб турган вақтда шовқин ва бошқа физик таъсир даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган автомобиллар, самолётлар, кемалар ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш ёхуд ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш чоғида ишлатиб чиқарилган газлардаги ифлослантурувчи моддаларнинг таркиби ҳамда улар физикавий омилларининг зарарли таъсири тегишли нормативларга мувофиқлигини текшириш ва тартибга солиб туришни таъминламалик, Чиқиндиларда ифлослантурувчи моддалар, шунингдек ишлаб турган вақтида шовқин даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган ҳаракатланувчи қурилмалардан фойдаланишда ифодаланади.
- **Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик** - Қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмаларсиз очиқ аланга олдириб уларни ёқиш, битум эритишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик, Дала ва аҳоли пунктларида анғиз, хазон ва шох-шаббаларни ёки ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юборишда ифодаланади (атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантурувчи олиб келса).
- **Ўсимликларни химоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузиш** - Ўсимликларни химоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи воситаларни, минерал ўғитлар ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини тупроқ, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ёки ўсимликлар, ҳайвонот дунёсини йўқ қилиб юборилишига олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузишда ифодаланади.
- **Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантурувчи қоидаларини бузиш** - Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб

қолган кимёвий моддаларни тегишли рухсатномасиз, худди шунингдек рухсатномада кўрсатилган шартларни бузган ҳолда зарарсизлантиришда ифодаланади.

- **Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш** - Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш, Тегишли рухсати бўлмайд туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки воситалар билан ов қилиш ёки балиқ овлашда ифодаланади.
- **Ов қилиш ва балиқ овлашнинг тақиқланган қуролларини ёки воситаларини тайёрлаш, олиб кириш, сақлаш, ташиш ёки юбориш, олиш ёхуд сотиш** - Ов қилиш ва балиқ овлашнинг тақиқланган қуролларини ёки воситаларини тайёрлаш, олиб кириш, сақлаш, ташиш ёки юбориш, олиш ёхуд сотишда ифодаланади.
- **Саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш** - Саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузишда ифодаланади.
- **Белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш** - Белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суюқ маиший чиқиндиларни тўкишда ифодаланади.
- **Санитар тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талабларни бузиш** - Санитар тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талабларни бузишда ифодаланади.
- **Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат қилиш, шунингдек чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари бўйича кадастр ахборотларини тақдим этиш тартибини бузиш** - Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартибини бузиш, Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари бўйича кадастр ахборотларини тақдим этиш тартибини бузишда ифодаланади.
- **Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш** - Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни ва уларнинг кўчиш йўллари муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш, тўлдириш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш қоидаларни, шунингдек ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини, зоологик ва ботаник коллекцияларини бошқа жойга жўнатиш ва чет элга олиб кетиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа ерга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштиришда ифодаланади.
- **Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга ҳилоф равишда олиб келиш** - Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга ҳилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб киришда ифодаланади.
- **Ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, соғи камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатлар содир этиш** - Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвон турларига мансуб ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш

ёхуд уларнинг тухум, увилдир қўядиган инларини, бошпаналарини йўқ қилиш, инларини, уяларини ва бошқа яшаш жойларини бузиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўладиган бошқа ҳаракатлар содир этиш ёхуд бундай ҳайвонларни овлаш рухсатномасида кўрсатилган шартларни бузган ҳолда ўлжа қилишда ифодаланади.

- **Табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик** - Табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганликда ифодаланади.

- **Лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз рўёбга чиқариш** - Лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз ёхуд унга риоя қилмаган ҳолда рўёбга чиқариш, шунингдек бундай хулосаси бўлмаётган туриб объектларни маблағ билан таъминлашда ифодаланади.

МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН САВОЛЛАР:

- Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш.
- Ер бериш тартибини бузиш.
- Вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирмаслик.
- Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш.
- Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш.
- Чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш.
- Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузиш.
- Ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш.
- Саноат, рўзғор чиқиндилари ва ўзга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлаш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш.
- Табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш.

- Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш нинг юридик таркибини кўрсатиб беринг?

- Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш нинг юридик таркибини кўрсатиб беринг?

5-МАВЗУ. Саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги, қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарликлар, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик

РЕЖА:

- 1. Саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик**
- 2. Қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарлик, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик**

МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ:

Маърузада “Маъмурий жавобгарлик” модулининг 5-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органлари назорати остидаги объектларда саноат хавфсизлиги талабларини бузиш. Истироҳат боғларининг аттракционларидан фойдаланишда қонун ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини бузиш. Портловчи ҳамда радиоактив материалларни (манбаларни) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш. Электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Электр тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш. Газдан ёқилғи ёки хом ашё сифатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар. Экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш. Қишлоқ хўжалик экинларининг навини янгилаш ва нав жойлаштириш тартибини бузиш. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ва уруғликларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш. Таркибида гиёванд моддалар бўлган экинларни кўриқлашни таъминлаш чораларини кўрмаганлик. Ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик. Карантин эълон қилинган зараркунандаларга, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларга қарши кураш қоидаларини бузиш. Карантин текширувидан ва тегишли тартибда ишлов беришдан ўтказилмаган материалларни ташиб чиқиб кетиш. Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш. Ит ва мушук боқиш қоидаларини бузиш. Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш. Тракторчи-машинистлар томонидан қишлоқ хўжалик машиналаридан техник жиҳатдан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиш” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳуқуқ институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- Мавзуга оид норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- Режа асосида слайдлар ёрдамида табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик тушунтирилади;
- Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР ВА АСОСИЙ МАСАЛАЛАР:

- **Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органлари назорати остидаги объектларда саноат хавфсизлиги талабларини бузиш - Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органлари назорати остидаги объектларда саноат хавфсизлиги талабларини бузишда ифодаланади.**
- **Истироҳат боғларининг аттракционларидан фойдаланишда қонун ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини бузиш -** Истироҳат боғларининг аттракционларидан фойдаланишда қонун ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини бузишда ифодаланади.
- **Портловчи ҳамда радиоактив материалларни (манбаларни) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш -** Саноатда ва Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органлари назорати остидаги бошқа объектларда портловчи ҳамда радиоактив материалларни (манбаларни) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини, нормаларини ҳамда йўриқномаларини бузишда ифодаланади.
- **Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш -** Лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишлари бажарилаётганда талабларни бузиш, шунингдек қурилиш соҳасида назорат қилиш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияларининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик (бундан яқка тартибдаги уй-жой қурилиш объектлари мустасно), Бинокорлик материалларини, конструкцияларини ва буюмларини ишлаб чиқаришда техник регламентлар талабларини бузиш, Қурилиши тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш қоидаларини, аҳоли пунктларининг ва аҳоли пунктлариаро ҳудуднинг бош режаларини, уларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларини, маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларни реконструкция қилиш режаларини бузиш, даҳаларни, мавзеларни ва шаҳарларнинг саноат зоналарини, қишлоқ аҳоли пунктларини қуриш ва ободонлаштириш сифатини, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг архитектура ечимларини бузиш, Объектларни давлат экспертизасининг лойиҳа-смета ҳужжатларига, шу жумладан иш ҳужжатларига доир ижобий хулосасисиз, шунингдек қурилиш соҳасида назорат қилиш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияларининг рухсатномасисиз қуриш, Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуришга, реконструкция қилишга ва капитал таъмирлашга тақиқлар (чекловлар) белгиланган зоналарда шундай ишларни амалга ошириш, Фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ўз ҳудудига туташ ва туташ бўлмаган ер майдонларида қурилиш ишларини амалга оширишда ифодаланади.

- **Электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш** - Электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш, яъни электр двигателларидан, электр печлари ва бошқа электр ҳамда иссиқлик ускуналаридан мунтазам равишда, ишлаб чиқариш зарурати бўлмаган ҳолда тўлиқ фойдаланмаслик ёки уларни бекорга ишлатиб қўйиш, зичланган ҳаво, сув ва иссиқликнинг мунтазам равишда нобуд бўлиши, энергия билан таъминловчи ташкилотларнинг рухсатсиз хизмат бинолари ва бошқа биноларни иситиш учун, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида назарда тутилмаган бошқа мақсадлар учун электр энергиясидан фойдаланиш, ёритиш учун электр энергиясидан хўжасизларча фойдаланишда ифодаланади.
- **Электр тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш** - 1000 вольтгача, 1000 вольтдан ортиқ кучланишли электр тармоқларини (ҳаво, ер ости ва сув ости электр узатиш, киритма ва тақсимлаш қурилмаларини) муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, (башарти бу ҳол истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашда узилишга, электр тармоқларининг шикастланишига ёки халқ хўжалигига бошқа хил зиён етишига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса)да ифодаланади.
- **Газдан ёқилғи ёки хом ашё сифатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар** - Газдан фойдаланиш қурилмасига газни рухсатсиз очиб бериш ёки газ истеъмол қилишнинг белгиланган тартибига риоя қилмаслик ёхуд газдан фойдаланиш қурилмаларида газ сарфлашнинг тасдиқланган солиштирма нормаларисиз газ сарфлаш ёки бундай нормалардан ортиқча сарфлаш, Газдан фойдаланиш қурилмаларини газ сарфини ҳисобга олмай туриб ёки газ қўлланиб ҳосил қилинадиган иссиқлик энергияси ва маҳсулотларни ҳисобга олмай туриб ишлатиш ёхуд газдан фойдаланиш қурилмаси лойиҳасида назарда тутилган газ ёниш жараёнини автомат тарзда бошқариб турувчи воситаларнинг, иссиқлик техникаси назорати асбобларининг ёки газдан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминловчи иссиқликдан фойдаланиш ускуналарининг бўлмаслиги (бузуклиги), Газ истеъмол қилувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар учун назарда тутилган резерв ёқилғи хўжалигининг ишга тайёр эмаслиги ёки газдан фойдаланиш қурилмаларининг белгиланган резерв ёқилғи турларида ишлашга тайёр эмаслигида ифодаланади.
- **Экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш** - Чорва моллар ёки паррандаларнинг хўжалик экинзорларини пайҳон қилиши, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиши ёки уни йўқ қилиб юбориши, кўчатларга шикаст етказиши, Экинзорларни ёки кўчатзорларни ҳамма турдаги ҳаракатланувчи техника воситаларида босиб ўтишда ифодаланади.
- **Қишлоқ хўжалик экинларининг навини янгилаш ва нав жойлаштириш тартибини бузиш** - Қишлоқ хўжалик экинларининг навини янгилаш ва нав жойлаштириш тартибини бузишда ифодаланади.
- **Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ва уруғликларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш** - Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ва уруғликларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини, шунингдек агросаноат мажмуи соҳасида технологик жараёнлар талабларини бузиш, Қишлоқ хўжалиги ўсимликларига доир ҳужжатларни юритиш қоидаларини бузиш ёхуд ушбу ҳужжатларга уруғликларнинг навлари ва экилиш сифатлари тўғрисидаги нотўғри маълумотларни киритишда ифодаланади.
- **Таркибида гиёванд моддалар бўлган экинларни қўриқлашни таъминлаш чораларини кўрмаганлик** - Таркибида гиёванд моддалар бўлган наша ва мойли кўкнор экинларини, мазкур экинлар ҳосилини сақлаш ва қайта ишлаш жойларини қўриқлаш юзасидан белгиланган тартибни таъминлаш чораларини кўрмаганлик, шунингдек таркибида гиёванд моддалар бўлган шундай экинларнинг **анғизлари** ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини йўқ қилиб ташлаш чораларини кўрмаганликда ифодаланади.

- **Ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик** - Тасарруфида ер майдонлари бўлган шахслар томонидан ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганликда ифодаланади.
- **Карантин эълон қилинган зараркунандаларга, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларга қарши кураш қоидаларини бузиш** - Карантин эълон қилинган зараркунандаларга, ўсимликлар касалликларига ва бегона ўтларга қарши курашнинг санитария қоидаларини ва бошқа хил қоидаларни бузиш, Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар томонидан заҳарли бегона ўтларга қарши кураш чораларини кўрмаганликда ифодаланади.
- **Карантин текширувидан ва тегишли тартибда ишлов беришдан ўтказилмаган материалларни ташиб чиқиб кетиш** - Чет мамлакатлардан келтирилиб, карантин текширувидан ва тегишли ишлов беришдан ўтказилмаган материалларни чегарадаги дарё портларидан (пристанларидан), темир йўл станцияларидан, автовокзаллардан (автостанциялардан), аэропортлардан ва бошқа чегара пунктларидан ташиб чиқиб кетишда ифодаланади.
- **Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш** - Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузганлик, эпизоотияларга қарши курашиш чораларини кўрмаганликда ифодаланади.
- **Ит ва мушук боқиш қоидаларини бузиш** - Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ит ва мушук боқишнинг қоидаларини бузиш, худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан эгасиз ҳайвонларни туттириш чораларини кўрмаганлик, Худди шундай ҳуқуқбузарлик фуқароларнинг соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етишига олиб келишида ифодаланади.
- **Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш** - Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш уларнинг ўлимига ёхуд майиб бўлишига олиб келса, худди шунингдек ҳайвонларни қийнашда ифодаланади.
- **Тракторчи-машинистлар томонидан қишлоқ хўжалик машиналаридан техник жиҳатдан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини кўпол равишда бузиш** - Тракторчи-машинистлар томонидан тракторлар, комбайнлар, бошқа ўзиюрар қишлоқ хўжалик, мелиорация, йўл-қурилиш машиналаридан техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларини ва техника хавфсизлиги қоидаларини кўпол равишда бузишда ифодаланади.

МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН САВОЛЛАР:

- Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органлари назорати остидаги объектларда саноат хавфсизлиги талабларини бузиш.
- Портловчи ҳамда радиоактив материалларни (манбаларни) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Қурилиш нормалари ва қоидаларини бузиш.
- Электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш.
- Электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш.
- Электр тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш.
- Газдан ёқилғи ёки хом ашё сифатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар.
- Табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш.
- Экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш.
- Қишлоқ хўжалик экинларининг навини янгилаш ва нав жойлаштириш тартибини бузиш.
- Таркибида гиёванд моддалар бўлган экинларни кўриқлашни таъминлаш чораларини кўрмаганлик.

- Ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик.
- Карантин эълон қилинган зараркунандаларга, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларга қарши кураш қоидаларини бузиш.
- Карантин текширувидан ва тегишли тартибда ишлов беришдан ўтказилмаган материалларни ташиб чиқиб кетиш.
- Ҳайвонларни карантинга қўйиш қоидаларини ва бошқа ветеринария-санитария қоидаларини бузиш.
- Ит ва мушук боқиш қоидаларини бузиш.
- Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш.
- Механизаторлар томонидан қишлоқ хўжалик машиналаридан техник жиҳатдан фойдаланиш ва техника хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиш.

6-МАНЗУ. Транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги хуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ:

Маърузада “Маъмурий жавобгарлик” модулининг 6-манзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш. Темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Метрополитендан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Учиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш. Ҳаво кемасидан фойдаланиш вақтида лазер нурини йўналтириш орқали ҳалақит бериш. Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан қонунга ҳилоф равишда (руҳсатсиз) фойдаланиш. Авиация хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни бузиш. Ҳаво кемасида юриш-туриш қоидаларини бузиш. Сув транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш. Кичик ҳажмли кемаларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш қоидаларини, шунингдек бундай кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қоидаларини бузиш. Портларда юкларни ортиш, тушириш ва тахлаш қоидаларини бузиш. Транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш. Транспортда белгиланмаган жойларда чекиш. Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш. Транспортда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш. Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Юк ташиш қоидаларини, шатакка олиш қоидаларини бузиш. Кўзгусимон ва туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойнали, шунингдек теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қопламали транспорт воситаларидан фойдаланиш. Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлкаларидан юргизиши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя этмаслиги. Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши. Транспорт воситасини бошқариш пайтида монитордан (дисплейдан) теле-, видеодастурларни томоша қилиш учун фойдаланиш ва транспорт воситасига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан ўтиши. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ҳалақит бериши ёки авария ҳолатини юзага келтириши, йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига чиқиши. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши. Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш. Кема ҳайдовчиларининг кичик ҳажмли кемаларни маст ҳолда бошқариши. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил

тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши. Ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши. Йўл ҳаракати қоидаларида назарда тутилган ҳужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларини бузиш. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастлиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши. Йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолиш. Пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши. Носоз транспорт воситаларини йўлга чиқариш ва транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш. Маст ҳолдаги ҳайдовчиларнинг ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиш. Транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш. Хавфли моддалар ва ашёларни транспортда ташиш қоидаларини бузиш. Кира ҳақи тўламасдан юк олиб юриш. Транспортда чиптасиз юриш. Йўловчиларни чиптасиз ташиш. Ҳаво, темир йўл, сув ва автомобиль транспортида юкларнинг сақланишини таъминлаш қоидаларини бузиш. Ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги. Йўлларга, йўл иншоотларига, йўл ҳаракатини тартибга солиб турувчи техник воситаларга шикаст етказиш, уларни сақлаш қоидаларини бузиш. Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш. Ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларнинг автомобиль йўлларини ва йўл иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиши. Магистрал қувурларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш. Рухсатсиз радиоузаткич шохобчаси ўрнатиш ва (ёки) ундан фойдаланиш, шунингдек абонентлик қурилмасини электр алоқа тармоқларига улаш. Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш тартибини бузиш. Алоқа хизматининг сифатига доир нормалар ва давлат тармоқ стандартларини бузиш. Алоқа йўллари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш. Ахборотдан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Компьютер тизимидан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш. Автомат телефонларни шикастлантириш.” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳуқуқ институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;

- Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- Мавзуга оид норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- Режа асосида слайдлар ёрдамида транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги хукукбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик тушунтирилади;
- Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага якун ясалади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР ВА АСОСИЙ МАСАЛАЛАР:

- **Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш** - Темир йўл изларига поездлар қатновининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ашёларни қўйиш, шунингдек темир йўлни, ихота дарахтларини ва қор тўсиш ғовларини ҳамда бошқа йўл объектларини, сигнал бериш ва алоқа иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, Темир йўлдан от-арава ҳайдаб ўтиш ва чорва молларни ҳайдаб ўтиш, чорва молларни темир йўл яқинида боқиш қоидаларини бузиш, Темир йўл транспортига юк ортиш вақтида белгиланган габаритларга риоя қилмаслик, Темир йўлларни белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиш, Транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан темир йўл изини белгиланмаган жойдан кесиб ўтишда ифодаланади.
- **Метрополитендан фойдаланиш қоидаларини бузиш** - Метрополитендан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузишда ифодаланади.
- **Учиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш** - Аэродром ҳудудида аэродромларни таниб олиш учун қабул қилинган маркировка белгиларига ва қурилмаларга ўхшаш бирор-бир белги ва қурилма ўрнатиш ёки аэродром ҳудудида парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни белгиланган тартибда келишилмаган ҳолда амалга ошириш, Бинолар ва иншоотларда тунги ва кундузги маркировка белгиларини ёки қурилмаларини ўрнатиш қоидаларини бажармаганлик, Аэродром ускуналарини, аэродром белгиларини, ҳаво кемаларини ва уларнинг ускуналарини шикастлантириш, Тегишли рухсати бўлмайд туриб аэропортлар (аэровокзаллардан ташқари), аэродромлар, учишни радио ва ёруғлик билан таъминлаб турувчи объектлар ҳудудида пиёда ёки транспортда юриш, Алкоголли ичимлик, гиёҳвандлик моддаси таъсирида ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахс томонидан ҳаво кемасини бошқариш, худди шунингдек бундай ҳолатда бўлган экипаж аъзоларининг ҳаво кемасини бошқаришига ижозат бериш ёхуд ҳаво кемасини бошқарувчи шахснинг алкоголли ичимлик, гиёҳвандлик моддаси таъсиридаги ёки ўзгача тарздаги мастлик ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибга мувофиқ текширувдан ўтишдан бўйин товлаши, Бахтсиз авиация ҳодисаси деб топилган ҳодисани, у ҳақидаги маълумотларни қасддан яшириш, худди шунингдек ушбу ҳодиса тўғрисидаги ахборотни қасддан бузиб кўрсатиш, бортдаги ва ердаги объектив назорат воситаларининг маълумотларига ҳамда бахтсиз авиация ҳодисаси билан боғлиқ бошқа далилий материалларга қасддан шикаст етказиш ёки уларни қасддан йўқ қилиб юборишда ифодаланади.
- **Ҳаво кемасида юриш-туриш қоидаларини бузиш** - Ҳаво кемасида бўлган шахсларнинг ҳаво кемаси командирининг ёки ҳаво кемаси командири номидан экипаж аъзосининг фармойишларини бажармаслиги, Ҳаво кемаси бортида туриб фотосуратга, кинога, видеога олиш, шунингдек радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузишда ифодаланади.
- **Транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш** - Локомотивлар, вагонлар, дарё ва ҳаво кемалари, худди шунингдек ҳамма турдаги махсус транспортларнинг ойналари ва ички жиҳозларига шикаст етказиш, Автобусларнинг,

таксиларнинг, маршрут таксиларининг, шаҳар электр транспортининг ва метрополитен вагонларининг ойналари ва ички жиҳозларига шикаст етказишда ифодаланади.

- **Тамаки маҳсулотини транспортда белгиланмаган жойларда истеъмол қилиш** - Маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиган поездларда, дарё кемаларида белгиланмаган жойларда, шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг вагонларида (шу жумладан тамбурларида), шаҳар ичида, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда қатнайдиган автобусларда, шунингдек таксиларда, йўналишли таксиларда ҳамда шаҳар электр транспортда тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш, Ҳаво кемаларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилишда ифодаланади.

- **Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш** - Поездларнинг вагонлари, автотранспорт воситалари ва шаҳар йўловчилар транспортдан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юборишда ифодаланади.

- **Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши** - Мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўлларда йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи ёки авария ҳолатини келтириб чиқарувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашишида ифодаланади.

- **Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш** - Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоғолли ичимликдан, гиёванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши, Алкоғолли ичимликдан, гиёванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситасини бошқаришни топширишда ифодаланади.

- **Ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши** - Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситалари, йўл ҳаракатини тартибга солувчи воситалар ёки бошқа мол-мулк шикастланишига олиб келишида (лекин анча миқдорда моддий зарар етказмас) ифодаланади.

- **Йўл ҳаракати қоидаларида назарда тутилган ҳужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши** - Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги, шунингдек транспорт воситасига эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси (МЖТК 135-1-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно), қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса лицензия карточкаси ёки йўл варақаси, юридик шахсларнинг транспорт воситалари ҳайдовчиларининг, шу жумладан йўловчи ёки юк ташини фаолиятини амалга оширувчи ҳайдовчиларнинг малака оширишдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификати (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани алмаштириш ёки йўқолган гувоҳнома ўрнига бошқасини бериш ҳолларини истисно қилган ҳолда, гувоҳнома олинган пайтдан эътиборан икки йиллик давр бундан мустасно) ёнида бўлмаган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариши, худди шунингдек ишончномаларни, транспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ва ижарага бериш шартномаларини рўйхатдан ўтказмасдан (ҳисобга қўймасдан) транспорт воситаларини бошқариш, Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг шу воситаларни бошқариши, худди шунингдек бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсга транспорт воситаларини бошқаришнинг топширилиши, Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг бундай воситаларни бошқаришида ифодаланади.

- **Пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши** - Пиёдаларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, уларнинг йўлнинг ҳаракат қисмини белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши, пиёдалар йўлнинг қатнов қисмида, шу жумладан пиёдалар ўтиш жойида ҳаракатланаётганда телефондан фойдаланиши, китобларни ёки даврий нашрларни ўқиши,

видеоматериалларни томоша қилиши ҳамда аудиоматериалларни эшитиши, шунингдек эътиборни чалғитадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланиши, шунингдек мопед ва велосипед ҳайдовчиларининг, уловли аравани бошқариб борувчи ва йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, устунлик берувчи, тақиқловчи ёки кўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги, Ҳайдовчиларга ҳар хил хизмат кўрсатиш мақсадида йўлнинг қатнов қисмида фуқароларнинг туриши, йўлларга ажратилган минтақа теғрасида мол боқиш, Транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда йўловчи томонидан тана қисмларини (қўлдан ташқари) салондан чиқариш, Мопед, велосипед ҳайдовчиларнинг, уловли аравани бошқариб борувчи шахсларнинг алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда йўл ҳаракати қоидаларини бузишида ифодаланади.

- **Транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш** - Ҳайдовчиларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланишида ифодаланади.

- **Кира ҳақи тўламасдан юк олиб юриш** - Троллейбусда, трамвайда, шаҳар ичида ва шаҳар атрофига қатнайдиган автобусда, маршрут таксисида кира ҳақи тўламасдан юк олиб юришда ифодаланади.

- **Йўловчиларни чиптасиз ташиш** - Ҳаво, темир йўл транспортида йўловчиларни чиптасиз ташиш, Сув, автомобиль транспортида ва шаҳар электр транспортида йўловчиларни чиптасиз ташишда ифодаланади.

- **Ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги** - Ташувчининг йўловчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказганлик учун қонунда белгиланган ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслигидан иборат.

- **Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш** - Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларда темир йўл органлари ва йўл органлари билан келишмай туриб ерни ҳайдаш, ўт ўриш, дарахт кесиш ва уларга шикаст етказиш, чимларни олиб ташлаш ва тупроқ олиш, канализация, саноат, мелиорация сувларини ва оқова сувларни сув қочириш иншоотларига ва резервларига оқишиш, шунингдек ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёқиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекишда ифодаланади.

- **Ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларнинг автомобиль йўлларини ва йўл иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиши** - Автомобиль йўлларига ажратилган минтақага туташ жойлардаги ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларнинг умум фойдаланишдаги йўллардаги аҳоли пунктлари доирасида, ўзларига бириктириб қўйилган ер майдони чегарасида пиёдалар юрадиган йўлчалар ва улар ўтадиган кўприкчалар қуриш, уларни таъмирлаш ва мунтазам орасталаб туриш мажбуриятларини, шунингдек ўзларига бириктирилган ер майдонидан чиқиш йўлларини ёки умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларига келиб туташадиган йўлларни, шу жумладан кесиб ўтиладиган кўприкларни техник жиҳатдан соз ҳолда ва озода сақлаш мажбуриятларини бажармасликда ифодаланади.

- **Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш тартибини бузиш** - Радиоэлектрон воситалар ёки юқори частотали қурилмаларни лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ва улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини, радиоайирбошлаш ва радиочастоталардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, радионурланишнинг техник регламентлари ёки давлат стандартлари, нормалари ва белгиланган тартибда ўрнатилган параметрларига риоя этмаслик, Радиоэлектрон воситалари ёки юқори частотали қурилмаларни тайёрлаш, олиш, сотиш ёки ўзгага доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш учун бериш тартибини бузишда ифодаланади.

- **Алоқа йўллари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш** - Алоқа йўллари ва иншоотларини, шунингдек алоқа йўли ва кабель иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН САВОЛЛАР:

- Метрополитендан фойдаланиш қоидаларини бузиш.
- Учиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш.
- Кўзгусимон ва туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойнали, шунингдек теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қопламали транспорт воситаларидан фойдаланиш.
- Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш.
- Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлчаларидан юргизиши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя этмаслиги.
- Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши.
- Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши.

7-МАВЗУ. Фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик

РЕЖА:

1. Фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик

2. Коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик

МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ:

Маърузада “Маъмурий жавобгарлик” модулининг 7-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Ҳисобга олиш тартибини ҳамда уйларга ва турар жой биноларига кўчиб кириш муддатларини бузиш. Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш қоидаларини бузиш. Турар жойлардан фойдаланиш қоидаларини, уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини бузиш. Фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик. Уй-жойларни қуриш қоидаларини бузиш ёки уй-жойларга доир мулк ҳуқуқларини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаслик. Эгасиз турар жойларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартибини бузиш. Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш. Шаҳарлардаги дарахтларни шикастлантириш ёки уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш. Водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Канализация тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Сув таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш қоидаларини бузиш.” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳуқуқ институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- Мавзуга оид норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- Режа асосида слайдлар ёрдамида фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик тушунтирилади;
- Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;

- Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР АСОСИЙ МАСАЛАЛАР:

Ҳисобга олиш тартибини ҳамда уйларга ва турар жой биноларига кўчиб кириш муддатларини бузиш - Турар жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва фуқароларга турар жой бериш тартибини бузиш, уйларга ва турар жойларга кўчиб киришнинг белгиланган муддатларига риоя қилмасликда ифодаланади.

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш қоидаларини бузиш - Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш қоидаларини бузишда иборат.

Турар жойлардан фойдаланиш қоидаларини, уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини бузиш - Турар жойларни сақлаш ва улардан фойдаланиш, умум фойдаланадиган жойларни санитария ҳолатида сақлаш қоидаларини бузиш, уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини бузиш, кўп квартирали уйлардаги турар жойларда чорва молларни, худди шунингдек одамларнинг саломатлигига хавф солувчи ҳайвонларни боқишда ифодаланади.

Фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг, текин фойдаланишга бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд давлат солиқ органларида ижарага бериш шартномасининг мажбурий ҳисобга қўйилишига риоя этмаслик - Фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг, текин фойдаланишга бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд давлат солиқ органларида ижарага бериш шартномасининг мажбурий ҳисобга қўйилишига риоя этмасликда ифодаланади.

Уй-жойларни қуриш қоидаларини бузиш ёки уй-жойларга доир мулк ҳуқуқларини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаслик - Фуқароларнинг уй-жойларни, хўжалик ва рўзғор биноларини қуриш қоидаларини бузиши, Фуқароларнинг уй-жойга доир мулк ҳуқуқини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаслиги.

Эгасиз турар жойларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартибини бузиш – Фуқаролар томонидан турар жойларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида вақтинча бўш турган жой сифатида ҳисобга қўйиш тартибини бузиш, Эгасиз турар жойларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартибини бузишда ифодаланади.

Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш - Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ҳудудларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш, шунингдек тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларига риоя қилмасликда ифодаланади.

Шаҳарлардаги дарахтларни шикастлантириш ёки уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш - Айрим жойларда иморат қураётганда шу ерда ўсиб турган дов-дарахтларга шикаст етказиш, уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш ёки бошқа жойга кўчириш, шунингдек фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ўз ихтиёрларидаги дов-дарахтларни муҳофаза қилиш чораларини кўрмаслигида ифодаланади.

Водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш - Водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳамда водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, ер ишлари ва бошқа ишларни бажараётганда водопровод тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти бу ҳол уларнинг шикастланишига сабаб бўлса ёхуд совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштиришда ифодаланади.

Канализация тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш - Уй-жойларни, жамоат, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектларни, шунингдек ер участкаларини канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб олиш, таркибидаги ифлослантирувчи моддалар йўл қўйиладиган даражадан ортиқ бўлган оқова сувларни канализацияга оқизиш ҳамда канализациядан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, ер ишлари ва бошқа ишларни бажараётганда канализация тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузишда ифодаланади (башарти бу ҳол уларнинг шикастланишига сабаб бўлса).

Сув таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш қоидаларини бузиш - Сув таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН САВОЛЛАР:

- Ҳисобга олиш тартибини ҳамда уйларга ва турар жой биноларига кўчиб кириш муддатларини бузиш.
- Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш қоидаларини бузиш.
- Турар жойлардан фойдаланиш қоидаларини, уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини бузиш.
- Фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик.
- Уй-жойларни қуриш қоидаларини бузиш ёки уй-жойларга доир мулк ҳуқуқларини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаслик.
- Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш.
- Шаҳарлардаги дарахтларни шикастлантириш ёки уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш.
- Водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Канализация тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш.

8-МАВЗУ. Савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги, одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

РЕЖА:

1. Савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

2. Одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ:

Маърузада “Маъмурий жавобгарлик” модулининг 8-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш. Фаолият билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш. Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш. Молларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш. Видеоёзувли кассеталарни сотиш ва видео муассасаларнинг ишлаш қоидаларини бузиш. Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш. Таркибида кимёвий моддаларнинг қолдиғи йўл қўйиладиган даражадан ортиқ бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш. Валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш. Валюта ва экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш тартибини бузиш. Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битим тузиш. Ёнилғи-мойлаш материалларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш. Техник регламентларга жавоб бермайдиган ёнилғи-мойлаш материалларини реализация қилиш. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш. Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини, шунингдек тўлов интизомини бузиш. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бузиш. Бюджет ва смета-штат интизомини бузиш. Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини қўлланиш тартибини бузиш. Иш ҳақини тақиқланган шаклларда тўлаш. Ходимлар сонини яшириш. Бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартибини бузиш. Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти. Шартнома интизомини бузиш. Хўжалик юритувчи субъектнинг манзили, банк реквизитлари ўзгарганлиги ёки қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш. Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш. Таксиларни ягона таниш белгилари билан жиҳозлашга доир талабларни бузиш. Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш. Муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш. Ихтирога, фойдали моделга ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқларни бузиш. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини,

табiiй монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Аудиторнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яшириши, била туриб сохта аудиторлик ҳисоботини ёки аудиторлик ҳулосасини тузиши. Мажбурий аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Биржа фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Қасддан банкротликка олиб келиш. Судга ҳурматсизлик қилиш. Суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаслик. Халқ маслаҳатчисининг судга боришига тўсқинлик қилиш” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳуқуқ институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- Режа асосида слайдлар ёрдамида савдо тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликлар тушунтирилади;
- Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР АСОСИЙ МАСАЛАЛАР:

- **Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш** - Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, анча, кўп миқдорда бузиш, Ёнилғи-мойлаш материаллари билан, қўлда савдо қилиш ёхуд шаҳарларда белгиланмаган жойларда қўлда савдо қилиш, Ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш қоидаларини бузиш, Энергетик ичимликларни ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилишда ифодаланади.
- **Фаолият билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш** - Лицензия олинмиши ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар олинмиши шарт бўлган фаолият билан лицензиясиз ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланишда ифодаланади.
- **Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш**

ёки ўтказиш, дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шунингдек дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш - Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар мавжуд бўлмаган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш, Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузишда ифодаланади.

• **Молларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш** - Хўжалик юритувчи субъектларнинг, озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларини уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиши, худди шунингдек сотиш мақсадида олиши, Ишлаб чиқариш маркасида ёки товар белгисида ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган ери тўғрисида ахборот бўлмаган товарларни реализация қилиш, шунингдек реализация қилиш мақсадида сотиб олишда ифодаланади.

• **Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш** - Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

• **Таркибида кимёвий моддаларнинг қолдиғи йўл қўйиладиган даражадан ортик бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш** - Таркибида одамлар ва ҳайвонлар саломатлиги учун зарарли бўлган пестицидлар, минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий моддаларнинг қолдиқ миқдори йўл қўйилиши мумкин деб белгиланган даражадан ортик эканлигини била туриб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, худди шунингдек заҳарли ёввойи ўсимликларни, уларнинг ҳосилини, меваларини, уруғларини, барглари ва илдизларини бозорларда сотишда ифодаланади.

• **Валюта ва экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш тартибини бузиш** - Валюта операцияларини амалга оширувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва банклар ходимларининг чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банклардаги валюта счётларига яшириб қолиш мақсадини кўзламай туриб вақтида ёхуд тўлиқ ўтказилмаслик, Валюта тушумининг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорларда мажбурий сотишдан бўйин товлаш, Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибини бузишда ифодаланади.

• **Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битим тузиш** - Наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси худудига илгари фойдаланилган, жисман ишлатиб бўлинган, маънавий эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускунани ёхуд технологияларни олиб киришга, шунингдек уларни ўрнатиш ва жорий этишга олиб келган битимни тузиш, республика манфаатларига анча миқдорда зарар етказган бўлса, худди шунингдек бундай битим тузилишига сабаб бўлган эксперт хулосасини ёки бошқа ҳужжатни ваколатли давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахси томонидан беришда ифодаланади.

• **Техник регламентларга жавоб бермайдиган ёнилғи-мойлаш материалларини реализация қилиш** - Техник регламентларга жавоб бермайдиган ва кўплаб заҳарли моддалар чиқишига олиб келадиган ёнилғи-мойлаш материалларини реализация қилишда ифодаланади.

• **Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш** - Солиқ олинадиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлаш, Даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш, декларацияни ўз

вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этишда ифодаланади.

• **Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Эмитентлар ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги ахборотни, ҳисоботларни эълон қилмаслик ёки ўз вақтида эълон қилмаслик, шунингдек давлат назорати органларига ҳисоботлар ёхуд ахборотни топширмаслик ёки ўз вақтида топширмаслик, Эмитентлар томонидан қимматли қоғозлар чиқариш тартибини бузиш инвесторлар манфаатларига зарар етказмаган бўлса, Қимматли қоғозларни чиқаришнинг белгиланган тартибини эмитентлар томонидан бузиш инвесторларга зарар етказилишига олиб келган бўлса, Қимматли қоғозларга доир битимлар тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказишнинг белгиланган тартибини қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари томонидан бузиш, Инвесторлар, қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар бўйича ҳисоб ва ҳисоботнинг белгиланган тартибини бузиш, Тегишли даромадларни инвесторларга тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик, Ваколатли давлат органининг ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик, Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан инвесторлар ва давлат назорати органларини атайин нотўғри маълумотлар тарқатиш (тақдим этиш) орқали чалғитишда ифодаланади.

• **Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини, шунингдек тўлов интизомини бузиш** - Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, башарти бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқнинг ёки бошқа мажбурий тўловларнинг суммасини камайтиришга олиб келса, шунингдек бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқларни, бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ҳамда бошқа ҳужжатларни, дебиторлар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаларини ёхуд тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ёзма билдиришни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиш, худди шунингдек камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутларнинг асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаслик, Касса операцияларини юритиш тартиби ва тўлов интизомини бузиш, шу жумладан, қарздор корхоналардан тўловларни ундириш бўйича солиқ органларининг инкасса топшириқларини бажармаслик, шунингдек дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш ҳамда корхоналарнинг ҳисобварақларида тегишли маблағлар бўлган ҳолда тўловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатларини бузиш, шунингдек пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатини бузиш, Солиқ органларида рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномасиз корхоналар ва ташкилотларга ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварақларини очиш, Бюджетга тўловлар бўйича қарзи бўлган корхоналарга ўз вақтида инкасса топшириқномасини тақдим этмаслик, Солиқ тўловчи томонидан бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмасликда ифодаланади.

• **Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти** - Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширишда ифодаланади.

• **Шартнома интизомини бузиш** - Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида хўжалик юритувчи субъектларга мулкый зарар етказишда ифодаланади.

• **Хўжалик юритувчи субъектнинг манзили, банк реквизитлари ўзгарганлиги ёки қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш** - Хўжалик юритувчи субъект томонидан почта

манзили (жойлашган ери), банк реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисидаги ёки ўзи қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўн кунлик муддат ичида ваколатли давлат органларига тақдим этмаслик ёхуд ёлғон маълумотларни тақдим этишда ифодаланади.

• **Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш** - Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки адаштириб юбориш даражасида улар билан ўхшаш бўлган белгилардан шу турдаги товарларга (хизматларга) нисбатан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ёхуд ўзганинг фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланишда ифодаланади.

• **Муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш** - Асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, худди шунингдек асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини такрорлаш, тарқатиш, барчанинг эътиборига етказиш ёхуд асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг нусхаларида уларнинг тайёрловчилари ҳақида, уларни ишлаб чиқариш жойлари тўғрисида, шунингдек муаллифлик ҳуқуқининг ва турдош ҳуқуқларнинг эгалари ҳақида ёлғон ахборотни кўрсатишда ифодаланади.

• **Ихтирога, фойдали моделга ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқларни бузиш** - Тегишли патентланган ихтирони, фойдали моделни, саноат намунасини ўз ичига олган маҳсулот ёки буюмни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд бевосита ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усул билан тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туришда ифодаланади.

• **Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Монополияга қарши органга ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органларга ахборот тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд уларга била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этиш, Монополияга қарши органнинг қоидабузарликларни тугатиш тўғрисидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш ҳақидаги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш, ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаслик, Тайёрловчининг товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органларининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаши, уларни ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаслиги, Хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишда, қўшиб олишда ҳамда акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкӣ ҳуқуқларни олиш бўйича битимлар тузишда монополияга қарши талабларни бузиш, Рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни келишиб олинган ҳолда содир этиш ва битимларни тузиш, шунингдек товар ёки молия бозорида устун мавқени суиистеъмол қилиш, худди шунингдек танлов (тендер) ёки биржа савдоларига доир монополияга қарши талабларни бузиш, Норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчиларга зарар етказиш, шунингдек истеъмолчиларга товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисида ахборот тақдим этмаганлик ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик, шу жумладан истеъмолчиларни товарнинг истеъмолга оид хусусиятлари ёки сифати хусусида чалғитиш, товарни унга ўхшаш маҳсулотлар билан алмаштириб қўйиш, маҳсулотнинг хусусиятлари ва сифатини қасддан ўзгартириш, худди шунингдек қалбакилаштирилган озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, олиб кириш ва реализация қилиш, Яроқлилик муддати ўтган товарларни, шунингдек ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилиши шартлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган товарларни ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик

муддати кўрсатилмаган ҳолда реализация қилиш ҳамда сотиш учун қабул қилганликда ифодаланади.

• **Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан реклама ахборотиغا тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик, шунингдек ваколатли давлат органининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмасини ўз муддатида бажармаганлик, Фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан нотўғри реклама берганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик ёки аксилреклама беришдан бош тортганлик, худди шунингдек реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилганликда ифодаланади.

• **Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Иш берувчи юридик шахсларнинг мансабдор шахслари томонидан Халқ банки филиалига фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни, Фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни қасддан тақдим этмаслик ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганлик, худди шунингдек ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни ходимларга тақдим этмаслик, Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини киритишдан бош тортиш, Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ушбу ҳисобварақларнинг ҳолати тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тайинлаш ва бериш тартибини бузиш, Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланишда ифодаланади.

• **Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Ички назоратни, мижозларни лозим даражада текшириш натижаларини ҳужжатлаштириш ва сақлашни, таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш ва ҳужжатлар билан қайд этишни ташкил қилиш ва амалга оширишга доир талабларни бузиш, операцияни амалга оширишни рад этиш, худди шунингдек махсус ваколатли давлат органига шубҳали операциялар ҳақидаги ахборотни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки нотўғри ахборот тақдим этганлик, қонун ҳужжатлари талабларининг пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйишга ёки операцияларни тўхтатиб туришга оид қисмини ижро этмаслик, Ички назорат қоидаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширишнинг белгиланган тартибини тегишли назорат қилувчи, лицензияловчи ва рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан бузиш, худди шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш муносабати билан тижорат, банк сирини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ғайриқонуний равишда талаб қилиш, олиш ёхуд ошкор этишда ифодаланади.

• **Қасддан банкротликка олиб келиш** - Якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёки юридик шахс мансабдор шахси, муассиси (иштирокчиси) ёхуд мол-мулкнинг мулкдори томонидан шахсий манфаатларини ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб содир этилган қасддан банкротликка олиб келиш, яъни тўловга қобилиятсизликни қасддан юзага келтириш ёки ошириш, ушбу якка тартибдаги тадбиркорнинг ёки юридик шахсининг барқарор иқтисодий ночорлигига (банкротлигига) олиб келса, кредиторларга зарар етказилишига сабаб бўлса.

• **Судга ҳурматсизлик қилиш** - Гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки мазкур

шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузишда ўз ифодасини топган судга ҳурматсизликда ифодаланади.

• **Суднинг хусусий ажрими (қарори) бўйича чоралар кўрмаслик** - Мансабдор шахс томонидан суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслик ёхуд ажримда (қарорда) кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, худди шунингдек хусусий ажримга (қарорга) ўз вақтида жавоб бермасликда ифодаланади.

МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН САВОЛЛАР:

- Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш.
- Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш.
- Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш.
- Валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш.
- Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш.
- Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини, шунингдек тўлов интизомини бузиш. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бузиш.
- Бюджет интизомини бузиш.
- Иш ҳақини тақиқланган шаклларда тўлаш.
- Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш.
- Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш.

9-МАВЗУ. Жамоат тартибига, бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

РЕЖА:

- 1. Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.**
- 2. Бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.**

МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ:

Маърузада “Маъмурий жавобгарлик” модулининг 9-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Майда безорилик. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш. Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш. Ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш. Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи. Фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши. Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш. Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш. Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш. Фоҳишалик билан шуғулланиш. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар. Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш. Депутатлик фаолиятининг кафолатларини бузиш. Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш. Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши. Милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик. Милиция ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш. Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан милициянинг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик. Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармаслик ва уларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш. Прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик. Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш. Нотариуснинг касбий мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилиш. Ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш. Қарздорнинг ижро ҳужжатини

ижро этмаслиги. Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалга киритиш. Махсус хизматларни қасдан алдаб чақирганлик. Ўзбошимчалик. Оммавий тадбирлар ўтказиш қоидаларини бузиш. Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш. Рухсат этилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар ўтказиш учун шароитлар яратиш. Ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаш. Байроқлар ва вимпеллардан ғайриқонуний фойдаланиш, плакатлар, эмблемалар ва рамзларни тайёрлаш, тарқатиш ёки тақиб юриш. Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Фавқулодда ҳолат тартибининг талабларини бузиш. Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, шунингдек фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бажармаслик. Фавқулодда ҳолат тартиби шароитида жамоат тартибига тажовуз қилиш. Маъмурий назорат қоидаларини бузиш. Вояга етмаганни қаровга олиш тўғрисидаги ёзма мажбуриятни бажармаслик. Кафилнинг ёзма мажбуриятни бажармаслиги. Давлат мукофотларига нисбатан қонунга хилоф ҳаракатлар қилиш. Қамокда сақлаш жойларида, жазони ижро этиш муассасаларида, махсус даволаш-олдини олиш ёки махсус ўқув-тарбия муассасаларида сақланаётган шахсларга тақиқланган нарсаларни бериш. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш. Стандартларни бузиш. Метрология қоидаларини бузиш. Сертификатлаштириш қоидаларини бузиш. Давлат статистик ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш. Корхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартибини бузиш. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг кўрсатмаларини бажармаслик. Солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари юзага келганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиш тартибини бузиш. Кимошди савдоси ёки танловда қатнашиш учун берилган талабномаларни яшириш. Матбаа ва штемпель-гравёрлик корхоналарини очиш ҳамда уларнинг фаолият олиб бориши қоидаларини бузиш. Оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини қонунга хилоф равишда тайёрлаш ва тарқатиш. Қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошларнинг ёки таркибида шундай металл ва тошлар бўлган буюмларнинг муомалада бўлиш қоидаларини бузиш. Рангли металллар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш. Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузиш. Ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) муддатларини ёки уларни ҳисобдан ўтказдириб қўйиш қоидаларини бузиш. Ўқотар ов қуроллари ва ўқ-дориларни сотишдан бўйин товлаш. Паспорт тизими қоидаларини бузиш. Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасида барпо этилган муҳандислик-техника иншоотларини ва тўсиқларни йўқ қилиб юбориш ёки уларга

шикаст етказиш. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш. Чет элга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартибини бузиш. Божхона назорати зонаси режимининг бузилиши. Божхона чегарасини кесиб ўтганлик тўғрисида ёки товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш мақсади тўғрисида божхона органига хабар бериш тартибини бузиш.” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳуқуқ институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- Режа асосида слайдлар ёрдамида одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар ва жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.;
- Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;
- Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топшириқ сифатида берилади;
- Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР ВА АСОСИЙ МАСАЛАЛАР:

Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг “Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” боби 183-192-моддаларида майда безорилик; жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш; фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши; диний мазмундаги материалларни қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш; миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш; ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш; пиротехника буюмларининг қонунга ҳилоф муомаласи; фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши; этил спирти, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш; жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш; вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш; вояга етмаган шахсни маъмурий

хуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш; вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш; порнографик мазмундаги материалларни тарқатиш; фоҳишалик билан шуғулланиш; қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар; маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Майда безорилик. Жамиятда юзага келадиган турли-туман муносабатлар ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган бўлиб, уларга амал қилиш ҳар бир фуқаронинг мажбурияти ҳисобланади. Жамоат жойларида бўлувчи ҳар бир шахс унда ўрнатилган қоидаларга амал қилиши, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан қараши, уларнинг ҳамда давлат ва жамиятнинг манфаатларига путур етказмаслиги шарт.

Жамоат жойида ўрнатилган қоидаларни сақлашга қаратилган муносабатлар – жамоат тартибидир. Жамоат тартибига тажовуз қилувчи кенг тарқалган хуқуқбузарликлардан бири – бу майда безориликдир.

Майда безорилик жамоат жойларида:

- уятли сўзлар билан сўқиниш;
- фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш;
- жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа

хатти-ҳаракатларда ифодаланади.

Майда безорилик жамиятда ўрнатилган юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликнинг:

объекти – жамоат тартиби;

объектив томони – ҳаракат;

субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо шахс;

субъектив томони – қасддан содир этилади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик ишлари маъмурий ишлар бўйича судя, тааллуқлилигига қараб Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари ва ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилади.

Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш ҳамда миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунига биноан виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат қафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод етмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг

ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди.

Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир.

Чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш, уларнинг мазмуни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари тегишли литсензия олгандан сўнг диний ибодат буюмларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш ҳуқуқига фақат улар эга бўладилар.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино, фото, аудио, видео маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси:

1) диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда:

- тайёрлаш;
- сақлаш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш учун (184-2-м.);

2) миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни

тарқатиш мақсадида:

- тайёрлаш;
- сақлаш;
- тарқатиш учун (184-3-м.) жавобгарликни ўрнатган.

Ушбу ҳуқуқбузарликларнинг:

объекти – жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлиги;

объектив томони – ҳаракат ва ҳаракатсизлик;

субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо шахс;

субъектив томони – қасддан содир этилади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик ишлари маъмурий ишлар бўйича судья томонидан кўриб чиқилади.

Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи. Пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш соҳасида самарали давлат назоратини ўрнатиш, улар ноқонуний айланишининг олдини олиш, пиротехника воситалари намойиш қилинадиган маданий томоша тадбирлари ва бошқа тадбирларни ўтказишда хавфсизлик чора-тадбирларини кучайтириш, шунингдек истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситалари айланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори га биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш вақтинча тақиқланди.

Мазкур қарорга кўра барча пиротехника воситалари олиб кўйилиши ва кейинчалик белгиланган тартибда йўқ қилиниши керак.

Бозорлар, савдо комплекслари ва корхоналарнинг раҳбарлари ўз ҳудудларида пиротехника воситалари савдоси ва сақланиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги учун жавобгарликка тортилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан пиротехника буюмларини (ҳарбий мақсаддаги маҳсулотлардан ташқари) яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализатсия қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизатсия қилиш бўйича фаолиятни литсензиялаш тартиби ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда:

- ишлаб чиқариш;
- тайёрлаш;
- сақлаш;
- ташиш;
- жўнатиш;
- фойдаланиш;
- уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш

(Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш учун жавобгарликни ўрнатди.

Мазкур ҳуқуқбузарлик объекти – жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлиги;

объектив томони – ҳаракат;

субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо шахс;

субъектив томони – қасддан ва эҳтиётсизликдан содир этилади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик ишлари маъмурий ишлар бўйича судя томонидан кўриб чиқилади.

МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН САВОЛЛАР:

- Майда безорилик.
- Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш.
- Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши.
- Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш.
- Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш.
- Ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш.
- Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи.
- Фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши.
- Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш.
- Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш.
- Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш.
- Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш.
- Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш.
- Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш.
- Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш.
- Фоҳишалик билан шуғулланиш.
- Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар.
- Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш.

10-МАВЗУ.Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик

РЕЖА:

1. Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик учун маъмурий жавобгарлик

2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик

2. МАЪРУЗАНИНГ НАТИЖАЛАРИ:

Маърузанинг асосий мақсади:

Маърузада “Маъмурий жавобгарлик” модулининг 10-мавзусини ёритишга мўлжалланган режадаги “Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш. Тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш. Лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш. Имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўллагаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш. Хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш. Тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш.. Тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларини бузган ҳолда ҳужжатлар талаб қилиб олиш. Кўчмас мулкни бузиб ташлаш тартибини бузиш.” ҳақидаги асосий тушунчаларни бериш ва талабаларда мазкур ҳуқуқ институтлари ҳақида тегишли билимларни шакллантиришдан иборат. Маъруза жараёнида мавзуга доир муаммоли масалалар юзасидан савол-жавоблар ўтказилади, амалиёт таҳлил қилинади, муаммоли масалалар бўйича тарқатма материаллардан фойдаланилади.

МАВЗУ БЎЙИЧА ДАРС ОЛИБ БОРИШ МЕТОДИКАСИ:

- Маърузани ўтиш жараёнида технологик харитада кўрсатилган ахборот-коммуникатив ва замонавий педагогик технологиялардан фойдаланилиши назарда тутилади;
- Маъруза мавзусининг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмуни ҳақида тушунча берилади;
- Мавзуга оид миллий ва халқаро норматив ҳужжатлар билан таништирилади ва таҳлил қилинади;
- Режа асосида слайдлар ёрдамида бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик тушунтирилади;
- Мунозарали (назарий) саволлар ўртага ташланади ва уларга баҳо берилади;

- Муаммоли масалалар тарқатилади ва уларнинг ечими эшитилади;
- Зарурият туғилганда, масала ва саволлар уйга топширик сифатида берилади;
- Асосий тушунчалар, савол-жавоблар умумлаштирилиб, маърузага яқун ясалади.

МАЪРУЗАНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ:

Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш - назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузиш йўли билан уларга зарар етказиш, яъни мулк ҳуқуқини қонунга хилоф равишда чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум қилиш, хусусий мулкка тажовуз қилиш, номақбуллиги олдиндан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан мол-мулкни ёки мулккий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш, шунингдек мулкдорнинг мулкни олиб қўйиш ёхуд уни ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлашда ифодаланади. (оз миқдордаги талон-торож аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда)

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш -тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишнинг ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, худди шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунга хилоф равишда текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) ўтказишда ифодаланади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш - тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туришда ифодаланади.

Тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш - назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан тадбиркорлик субъектларини пул маблағлари ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажратиш билан боғлиқ ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этишда ифодаланади.

Лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш - лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларини бузиш, шу жумладан лицензияларнинг ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турларини қонунга хилоф равишда жорий этишда ифодаланади.

Имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш - тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилишда ифодаланади.

Хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш - хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган ўзга тўловларни тўлаш учун пул маблағлари беришни банкнинг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан асоссиз равишда кечиктиришда ифодаланади.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга ҳилоф равишда талаб қилиб олиш - қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни талаб қилиб олишда ифодаланади.

Тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларини бузган ҳолда ҳужжатлар талаб қилиб олиш - тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган статистика, молия, солиқ ҳисоботини ва бошқа ҳисоботни, шунингдек ўзга ҳужжатларни, шу жумладан банк ҳисобварағини очишда ортиқча ҳужжатларни талаб қилиб олиш, худди шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддатлари ва тартибига зид равишда талаб қилиб олишда ифодаланади.

Кўчмас мулкни бузиб ташлаш тартибини бузиш - олиб қўйилаётган ер участкасидаги тадбиркорлик субъектларига тегишли биноларни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни зарарнинг ўрнини мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлиқ қопламаган ҳолда бузиб ташлашда ифодаланади.

МУСТАҚИЛ ТАЙЁРЛАНИШ УЧУН САВОЛЛАР:

- Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш.
- Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш .
- Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга ҳилоф равишда тўхтатиб туриш.
- Тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш.
- Лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш.
- Имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш.
- Хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш.
- Тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга ҳилоф равишда талаб қилиб олиш.
- Тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларини бузган ҳолда ҳужжатлар талаб қилиб олиш.
- Кўчмас мулкни бузиб ташлаш тартибини бузиш.

Мавзулар юзасидан назарий саволлар.

1-мавзу: Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва таркиби. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва асосий хусусиятлари, ҳуқуқий асослари. Маъмурий жазо чоралари ва турлари.

НАЗАРИЙ САВОЛЛАР:

1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига нималар киради?
2. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тушунчаси ва турлари ҳақида гапиринг.
3. Маъмурий жавобгарлик тушунчасини беринг?
4. Ўзбекистон Республикасида вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги қандай тартибга солинган?
5. Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
6. Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар томонидан қандай таъсир чоралари қўлланилиши мумкин?
7. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти деганда нимани тушунасиз ва унинг турлари қандай?
8. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони деганда нимани тушунасиз ва унинг кўринишлари қандай?
9. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъекти деганда нимани тушунасиз ва унинг турлари қандай?
10. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони деганда нимани тушунасиз ва унинг кўринишлари қандай?
11. Маъмурий жазо мақсади.
12. Маъмурий жазонинг вазифалари.
13. Маъмурий жазо чоралари тушунчаси.
14. Маъмурий жарима мазмуни.

2-мавзу: Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига таъжовуз қиладиган ҳуқуқбузарликлар, сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

НАЗАРИЙ САВОЛЛАРИ:

- Тухмат ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Ҳақорат қилиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.

- Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.
- Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳуқуқбузарлигининг юридик таркибини таҳлил қилинг.

3-мавзу: Аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги, мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

НАЗАРИЙ САВОЛЛАР:

- Енгил тан жароҳати етказиш.
- Санитария қонун ҳужжатларини бузиш. Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш.
- Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш.
- Гиёвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш.
- Таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш.
- Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши.

4-мавзу: Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

НАЗАРИЙ САВОЛЛАР:

- Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш.
- Ер бериш тартибини бузиш.
- Вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирмаслик.
- Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш.
- Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш.
- Чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш.
- Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузиш.
- Ов қилиш ёки балиқ тутиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш.

5-мавзу: Саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги, қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарликлар, ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик.

НАЗАРИЙ САВОЛЛАР:

- Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органлари назорати остидаги объектларда саноат хавфсизлиги талабларини бузиш.
- Портловчи ҳамда радиоактив материалларни (манбаларни) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Қурилиш нормалари ва қоидаларини бузиш.
- Электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш.
- Электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш.
- Электр тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш.
- Газдан ёқилғи ёки хом ашё сифатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар.
- Табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш.
- Экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш.
- Қишлоқ хўжалик экинларининг навини янгилаш ва нав жойлаштириш тартибини бузиш.
- Таркибида гиёванд моддалар бўлган экинларни қўриқлашни таъминлаш чораларини кўрмаганлик.
- Ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик.

6-мавзу: Транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

НАЗАРИЙ САВОЛЛАР:

- Метрополитендан фойдаланиш қоидаларини бузиш.
- Учиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш.
- Кўзгусимон ва туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ностандарт ойнали, шунингдек теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қопламали транспорт воситаларидан фойдаланиш.
- Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш.
- Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлкаларидан юргизиши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя этмаслиги.
- Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши.
- Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши.

7-мавзу: Фуқароларнинг турар жой ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

НАЗАРИЙ САВОЛЛАР:

- Ҳисобга олиш тартибини ҳамда уйларга ва турар жой биноларига кўчиб кириш муддатларини бузиш.
- Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш қоидаларини бузиш.
- Турар жойлардан фойдаланиш қоидаларини, уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини бузиш.

- Фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд ижарага бериш шартномасининг мажбурий нотариал тасдиқланишига риоя қилмаслик.
- Уй-жойларни қуриш қоидаларини бузиш ёки уй-жойларга доир мулк ҳуқуқларини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаслик.
- Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш.
- Шаҳарлардаги дарахтларни шикастлантириш ёки уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш.
- Водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш. Канализация тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш.

8-мавзу: Савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги, одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

НАЗАРИЙ САВОЛЛАР:

- Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш.
- Фаолият билан лицензиясиз шуғулланиш.
- Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш.
- Валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш.
- Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш.
- Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини, шунингдек тўлов интизомини бузиш. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бузиш.
- Бюджет интизомини бузиш.
- Иш ҳақини тақиқланган шаклларда тўлаш.
- Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тартибини бузиш.
- Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш.

9-мавзу: Жамоат тартибига, бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

НАЗАРИЙ САВОЛЛАР:

- Майда безорилик.
- Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш.
- Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши.
- Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш.
- Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш.
- Ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш.
- Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи.
- Фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши.
- Этил спирти, алкоғоли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш.
- Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш.
- Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш.
- Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш.

- Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш.
- Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш.
- Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш.
- Фоҳишалик билан шуғулланиш.
- Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар.
- Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш.

10-мавзу: Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик, қонунга хилоф равишда аралашганлик ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

НАЗАРИЙ САВОЛЛАР:

- Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш.
- Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш .
- Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш.
- Тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш.
- Лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш.
- Имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш.
- Хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асосиз равишда кечиктириш.
- Тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш.
- Тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларини бузган ҳолда ҳужжатлар талаб қилиб олиш.
- Кўчмас мулкни бузиб ташлаш тартибини бузиш.

Мавзу юзасидан тестлар.

1-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ва Жиноят кодексининг қайси принципларида ўзаро фарқ мавжуд?

- 1) қонунийлик ва фуқароларнинг қонун олдида тенглиги
- 2) демократизм ва инсонпарварлик
- 3) одиллик ва айб учун жавобгарлик
- 4) жавобгарликнинг муқаррарлиги ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги

2. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари ўртасида фарқ мавжудми?

- 1) ҳа, мавжуд
- 2) йўқ, мавжуд эмас
- 3) қисман мавжуд
- 4) жамоат тартибини сақлаш масалалари бўйича фарқлар мавжуд.

3. МЖТКнинг 8-моддаси назарда тутилган таъсир кўрсатиш чораси ва жазо чораси айнан бир тушунчами?

- 1) ҳа, бир тушунча
- 2) йўқ, бутунлай фарқ қилади
- 3) қисман қарқ қилади
- 4) таъсир кўрсатиш чораси кенгроқ тушунча

4. МЖТКнинг 9-моддасида “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилаётган вақт ва жойда амал қилиб турган қонун ҳужжатлари асосида юритилади” дейилган. Айтингчи, маъмурий жавобгарликка оид процессуал нормалар орқага қайтиш кучига эгами?

- 1) ҳа, эга
- 2) йўқ, эга эмас
- 3) бу саволга жавоб қонунчиликда очик қолган
- 4) умумий қоидага риоя қилинади

5. Мансабдор шахсларга нисбатан қандай жазолар қўланилади?

- 1) 23-моддадаги барча жазолар
- 2) уларга нисбатан интизомий жазолар қўлланилади
- 3) фақат жарима
- 4) маъмурий қамокқа олиш ва жарима

2-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Қайси қаторда “Тухмат”га тўғри таъриф берилган?
 - 1) Тухмат, яъни била туриб ёлгон ва уйдирмаларни тарқатиш
 - 2) Тухмат, яъни била туриб ёлгон тарқатиш
 - 3) Тухмат, яъни била туриб бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш
 - 4) Тухмат, яъни била туриб бошқа бир шахсни шарманда қилувчи ёлгон тарқатиш

2. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш нималарда намоён бўлади?
 - 1) Турар жойга унда истиқомат қилувчиларнинг хоҳиш-иродасига хилоф равишда ноқонуний тарзда киришда
 - 2) Мансабдор шахс томонидан турар жойга унда истиқомат қилувчиларнинг хоҳиш-иродасига хилоф равишда ноқонуний тарзда киришда
 - 3) Турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний бостириб киришда
 - 4) Мансабдор шахс томонидан турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний бостириб киришда

3. Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этишнинг объектив томони нимада акс этади?
 - 1) Тиббий ёки тижорат сирларини ошкор этишда
 - 2) ёзишма ва бошқа хабарлар ошкор этишда
 - 3) нотариал ҳаракатлар, банк операциялари ва жамғармалар сирларини,
 - 4) фуқарога, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига маънавий ёхуд моддий зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни ошкор этишда

4. Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик маъмурий ҳуқуқбузарлигининг субъекти ким?
 - 1) ота-оналар
 - 2) уларнинг ўрнини босувчи шахслар
 - 3) умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими берувчилар
 - 4) барчаси тўғри

5. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш маъмурий ҳуқуқбузарлигининг субъекти ким?
 - 1) Никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришган шахс
 - 2) Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга оширган шахс
 - 3) Никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга берган ёхуд уйлантирган ота-она
 - 4) Никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга берилиш ёхуд уйлантирилишга бефарқ қараб турган барча

3-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Енгил тан жароҳати етказиш субъектив томондан ...
 - 1) Фақат қасддан содир этилади
 - 2) Фақат эҳтиётсизликдан содир этилади
 - 3) Ҳам қасддан ҳам эҳтиётсизликдан содир этилади
 - 4) Жиноят сифатида фақат қасддан содир этилади

2. Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилганлик маъмурий жавобгарлик қарорларда тамаки маҳсулотини истеъмол қилганда вужудга келади?
 - 1) Иш жойлари, соғлиқни сақлаш муассасалари
 - 2) Таълим муассасалари, спорт-соғломлаштириш муассасалари
 - 3) Ёнгин чиқиш хавфи **юқори** бўлган жойларда
 - 4) Автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида

3. Қандай йўллар оз миқдорда талон-торож қилганлик маъмурий жавобгарлик назарда тутилган?
 - 1) Ўғирлаш
 - 2) Ўзлаштириш ва растрата қилиш
 - 3) Фирибгарлик
 - 4) Мансаб лавозимини сууистеъмол қилиш

4. Оз миқдорда талон-торож қилишда жабрланувчилар кимлар?
 - 1) Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотлар
 - 2) Хусусий мулкка асосланган корхона, муассаса, ташкилотлар
 - 3) Оммавий мулкка асосланган корхона, муассаса, ташкилотлар
 - 4) Якка тартибдаги тадбиркордан ва жисмоний шахслар

5. Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказишда оз миқдор деганда қанча тушунилади?
 - 1) базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача бўлган доирадаги миқдор
 - 2) базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваридан 100 бараваригача бўлган доирадаги миқдор
 - 3) базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 бараваридан 30 бараваригача бўлган доирадаги миқдор
 - 4) базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 30 бараваригача бўлган доирадаги миқдор

4-мавзуга оид тест саволлари

1. Якка тартибда уй-жой қуриш учун фуқароларга ер берилишига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик мавжудми?
 - 1) Ҳа, ҳам маъмурий ҳам жиноий жавобгарлик мавжуд
 - 2) Ҳа, маъмурий жавобгарлик мавжуд
 - 3) Ҳа, жиноий жавобгарлик мавжуд
 - 4) Интизомий жавобгарлик мавжуд

2. Фуқароларга ер берилишига тўсқинлик қилганлик учун 66-модда (Ер бериш тартибини бузиш) бўйича жавобгарлик вужудга келади, юридик шахсларга ер берилишига тўсқинлик қилганлик учун назарда тутилганми?
 - 1) 66-модда назарда тутилган
 - 2) Жавобгарлик назарда тутилмаган
 - 3) ЖК 229⁴-моддасида назарда тутилган
 - 4) Ҳа, ҳам маъмурий ҳам жиноий жавобгарлик мавжуд

3. Маркшейдерлик ва геологик белгиларни йўқ қилиш ёки шикастлантирганлик учун жавобгарлик назарда тутилганми?
 - 1) 70-модда, Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузиш
 - 2) 69-модда, Чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш
 - 3) Жавобгарлик назарда тутилмаган
 - 4) Ҳа, ҳам маъмурий ҳам жиноий жавобгарлик мавжуд

4. Анғиз, хазон ва шох-шаббаларни ёки ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юборганлик учун жавобгарлик мавжудми?
 - 1) Ҳа, атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантиришга олиб келса
 - 2) 88-модда, Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик учун жавобгарлик вужудга келади
 - 3) 84-модда, Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузганлик учун жавобгарлик вужудга келади
 - 4) Жавобгарлик назарда тутилмаган

5. 79-модда дарахтлар, буталарни, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган, ҳуқуқбузарлик жойи сифатида нима назарда тутилган?
 - 1) Ўрмон фонди ерлари
 - 2) Барча дарахтлар, буталар, ўсимликлар ва ниҳоллар жойлашган ерлар
 - 3) Масала очик қолган
 - 4) Аҳоли пунктлари

5-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Бинокорлик материалларини, конструкцияларини ва буюмларини ишлаб чиқаришда техник регламентлар талабларини бузганлик учун кимларга ва қандай жавобгарлик назарда тутилган?

- 1) мансабдор шахсларга
- 2) фуқароларга
- 3) юридик шахсларга
- 4) яқка тартибдаги тадбиркорларларга

2. Фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ўз ҳудудига туташ ва туташ бўлмаган ер майдонларида қурилиш ишларини амалга оширганлик учун жавобгарлик мавжудми?

- 1) Ҳа, 99-модда, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш
- 2) Ҳа, 60-модда, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш
- 3) 60-модда ва 99-модда бўйича жавобгарлик вужудга келади
- 4) Қурилиш тугалланмаган бўлса, жавобгарлик вужудга келмайди

3. Чорва моллар ёки паррандаларнинг хўжалик экинзорларини пайҳон қилиши, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиши ёки уни йўқ қилиб юбориши, кўчатларга шикаст етказиши субъектив томондан қандай содир этилади?

- 1) Қасддан
- 2) Эҳтиётсизликдан
- 3) Ҳам қасддан ҳам эҳтиётсизликдан
- 4) Фақат бепарволикдан

4. Экинзорларни ёки кўчатзорларни ҳамма турдаги ҳаракатланувчи техника воситаларида босиб ўтиш учун жавобгарлик вужудга келишида босиб ўтиладиган жойда экин ёки кўчат кўчатнинг бўлиши муҳимми ёки муҳим эмасми?

- 1) Муҳим
- 2) Муҳим эмас
- 3) Транспорт воситасининг тури муҳим
- 4) Йил фасли муҳим

5. Тасарруфида ер майдонлари бўлган шахслар томонидан ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганликда “шахслар” деганда кимлар назарда тутилган?

- 1) Жисмоний шахслар
- 2) Юридик шахслар
- 3) Ҳам жисмоний ҳам юридик шахслар
- 4) Фақат жисмоний шахслар

6-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Темир йўллари белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиш субъекти кимлар?
 - 1) Жисмоний шахслар
 - 2) Пиёдалар
 - 3) Транспорт воситалари ҳайдовчилари
 - 4) Барчаси

2. Ҳаво кемаларини ва уларнинг ускуналарини шикастлантирганлик учун қайси моддада жавобгарлик назарда тутилган?
 - 1) 116-модда, учиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш
 - 2) 116³-модда, авиация хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни бузиш
 - 3) 61²-модда, мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш
 - 4) 117-модда, ҳаво кемасида юриш-туриш қоидаларини бузиш

3. Сув транспортида хавфсизликни таъминловчи сигнал ва алоқа иншоотлари ҳамда қурилмаларини шикастлантирганлик учун қайси моддада жавобгарлик назарда тутилган?
 - 1) 118-модда, сув транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш
 - 2) 121-модда, транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш
 - 3) 61²-модда, мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш
 - 4) 1 ва 2-жавоблар тўғри

4. Метрополитен вагонларининг ойналари ва ички жиҳозларига шикаст етказганлик учун қайси моддада жавобгарлик назарда тутилган?
 - 1) 121-модда, транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш
 - 2) 61²-модда, мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш
 - 3) 1 ва 2-жавоблар тўғри
 - 4) Маъмурий жавобгарлик назарда тутилмаган

5. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузганлиги учун қайси моддада жавобгарлик назарда тутилган?
 - 1) 130-модда, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши
 - 2) 113-модда, темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш
 - 3) 1 ва 2-жавоблар тўғри
 - 4) Маъмурий жавобгарлик назарда тутилмаган

7-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Фуқароларнинг уй-жойларни, хўжалик ва рўзғор биноларини куриш қоидаларини бузганлик учун қайси моддада жавобгарлик назарда тутилган?

1) 160-модда, уй-жойларни куриш қоидаларини бузиш ёки уй-жойларга доир мулк ҳуқуқларини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаслик

2) 99-модда, шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш

3) 68-модда, хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш

4) Барчаси тўғри.

2. Шаҳарларда тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларига риоя қилмаганлик учун қайси моддада жавобгарлик назарда тутилган?

1) 161-модда, шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш

2) 53-модда, санитария қонун ҳужжатларини бузиш

3) 1 ва 2-жавоблар тўғри

4) Тўғри жавоб йўқ.

3. Оқова сувлар билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қайси моддаларда жавобгарлик назарда тутилган?

1) 163¹-модда, канализация тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш

2) 148-модда, темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш

3) 65-модда, ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш

4) 163²-модда, сув таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш қоидаларини бузиш.

4. Дов-дарахтларга шикаст етказиш, уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш ёки бошқа жойга кўчирганлик учун қайси моддаларда жавобгарлик назарда тутилган?

1) 162-модда, шаҳарлардаги дарахтларни шикастлантириш ёки уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш

2) 77-модда, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш

3) 78-модда, кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш

4) 79-модда, дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш

5. Эгасиз турар жойларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартибини бузиш учун қайси моддаларда жавобгарликка тортилади?

1) Жисмоний шахслар

2) Юридик шахслар

3) Мансабдор шахслар

4) Ҳеч ким

8-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга энергетик ичимликларни реализация қилганлик жавобгарлик назарда тутилганми?
 - 1) 164-модда, савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш
 - 2) 168-модда, бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш
 - 3) 1 ва 2-жавоблар тўғри
 - 4) Жаваобгарлик назарда тутилмаган

2. 175²-моддада бюджет ва смета-штат интизомини бузиш анча миқдорда содир этилган бўлса жавобгарлик назарда тутилган, айтингчи бунда анча миқдор қанча?
 - 1) базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваридан 100 бараваригача бўлган миқдор
 - 2) базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 30 бараваригача бўлган миқдор
 - 3) базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 300 бараваригача бўлган миқдор
 - 4) моддада бундай миқдорга таъриф берилмаган

3. Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти нимада акс этади?
 - 1) Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширишда
 - 2) Фаолият билан лицензиясиз шуғулланишда
 - 3) Тадбиркорлик фаолияти анча миқдордаги назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолда содир этишда
 - 4) Тадбиркорлик фаолияти кўп миқдордаги назорат қилинмайдиган даромад олган ҳолда содир этишда

4. Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида кимларга мулкый зарар етказганлик учун маъмурий жавобгарлик мавжуд?
 - 1) хўжалик юритувчи субъектларга
 - 2) жисмоний шахсларга
 - 3) тадбиркорлик субъектларга
 - 4) юридик шахсларга

5. Қасддан банкротликка олиб келиш субъекти кимлар?
 - 1) Якка тартибдаги тадбиркор
 - 2) Юридик шахс мансабдор шахси
 - 3) Мол-мулкининг мулкдори
 - 4) Юридик шахс муассиси

9-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Уятли сўзлар билан сўкинганлик учун қайси моддада жавобгарлик назарда тутилган?
 - 1) 183-модда, майда безорилик
 - 2) 41-модда, ҳақорат қилиш
 - 3) 42-модда, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш
 - 4) Барчаси тўғри

2. 184¹-моддада фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юрганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган. Бунда “ибодат либоси” деганда нима тушунилади?
 - 1) Таъриф берилмаган
 - 2) Ибодат қилишда кийиладиган барча либослар
 - 3) Диний манбаларда назарда тутилган либослар
 - 4) 2 ва 3-жавоблар тўғри

3. Фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотганлиги учун қайси моддада жавобгарлик назарда тутилган?
 - 1) 186-модда, фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши
 - 2) 186¹-модда, этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини қонунга ҳилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш
 - 3) 165-модда, фаолият билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш
 - 4) Тўғри жавоб берилмаган

4. Фоҳишалик билан шуғулланиш субъекти кимлар?
 - 1) Аёллар
 - 2) Эркаклар
 - 3) Ҳам аёл ҳам эркаклар
 - 4) Фақат аёллар

5. Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш қайси вақтда содир этилганлиги квалификацияга таъсир этадими?
 - 1) Ҳа, тунги вақтда содир этилиши лозим
 - 2) Ҳа, кундузги вақтда содир этилиши лозим
 - 3) Вақтнинг квалификацияга таъсир йўқ
 - 4) соат 23.00 дан 06.00 гача содир этилиши лозим

10-МАВЗУГА ОИД ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. 241¹-моддада назарда тутилган хусусий мулк ҳуқуқини бузиш ҳуқуқбузарлигининг субъекти кимлар?
 - 1) Назорат қилувчи органининг мансабдор шахси
 - 2) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органининг хизматчиси
 - 3) Давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси
 - 4) Барчаси тўғри

2. 241⁴-моддада назарда тутилган тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш ҳуқуқбузарлигининг субъекти кимлар?
 - 1) Назорат қилувчи органининг мансабдор шахси
 - 2) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органининг хизматчиси
 - 3) Давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси
 - 4) Барчаси тўғри

3. Кимлардан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган статистика, молия, солиқ ҳисоботини ва бошқа ҳисоботни талаб қилиб олганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган?
 - 1) Тадбиркорлик субъектларидан
 - 2) Хўжалик юритувчи субъектлардан
 - 3) Якка тартибдаги тадбиркорлардан
 - 4) Жисмоний шахслардан

4. Кимларга тегишли бўлган олиб қўйилаётган ер участкасидаги биноларни зарарнинг ўрнини бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлиқ қопламаган ҳолда бузиб ташганлик учун жавобгарлик назарда тутилган?
 - 1) Тадбиркорлик субъектларига
 - 2) Хўжалик юритувчи субъектларига
 - 3) Якка тартибдаги тадбиркорларга
 - 4) Жисмоний шахсларга

5. Кўчмас мулкни бузиб ташлаш тартибини бузиш ҳуқуқбузарлиги субъекти кимлар?
 - 1) Назорат қилувчи органининг мансабдор шахси
 - 2) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органининг хизматчиси
 - 3) Давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси
 - 4) Мансабдор шахслар

Мавзу юзасидан казуслар.

1-МАВЗУГА ОИД КАЗУСЛАР

Казус №1.

М.Эшматов, 2019 йил 5 декабр куни соат 16:50да ўзининг бошқарувида бўлган “Кобалт” русумли 70 L 262 JA давлат рақам белгили автомашинани Қарши шаҳар Насаф кўчасида жойлашган светофорнинг таъқиқловчи қизил чироғига бўйсинмасдан автомашинани бошқариб келганлиги учун Қашқадарё вилоят ИИБ ЙПХ ходимлари томонидан тўхтатилиб тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Бундан ташқари М.Эшматов, 2019 йил 22 декабр куни соат 02:47да ўзининг бошқарувида бўлган “Кобалт” русумли 70 L 262 JA давлат рақам белгили автомашинани Нишон туман ҳудудида Қашқадарё вилоят ИИБ ЙПХ ходимлари томонидан тўхтатилиб текширилганда, у хавфсизлик камарини тақмасдан спиртли ичимлик истеъмол қилган маст ҳолда бошқарганлиги аниқланиб, тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Суд маъмурий иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ҳуқуқбузарлик маъмурий иш бўйича тўпланган далиллар, яъни, тушунтириш хати, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомаси, спиртли ичимлик ичганлиги ва мастлик ҳолати тўғрисида тиббий ҳулосаси маълумотнома ва судда текширилган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топган ва суриштирув органи томонидан М.Эшматовни ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 125-моддаси 1-қисми, 128-4-моддаси 1-қисми ва 131-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблаган.

1. Эшматовга нисбатан жазо тайинлаш масаласини ҳал қилинг.
2. Оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжудми?

Казус №2.

Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг 2019 йил 30 апрелдаги 57-сон буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва идораларда ахборот ва киберхавфсизлик, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ҳолатини 2019 йил давомида текшириш ўтказиш жадвали” ҳамда 2019 йил 8 августдаги 14-Т-сон буйруғига асосан “Республика шошилинич тез тиббий ёрдам илмий маркази”да ахборот ва киберхавфсизлик, ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати юзасидан текширув ўтказилган.

Текширувда марказда мавжуд бўлган 445 та ишчи компьютерларнинг барчасида лицензияга эга бўлмаган операцион тизимлар (турли хил версиядаги) ва амалий дастурий маҳсулотлардан фойдаланилаётганлиги, 4 та сервер компютерида Win server 2008R2, Win Server 2016 standart, Win server 2008 Enterprise лицензиясиз операцион тизимларидан фойдаланилилаётганлиги, 33 та ишчи станцияда Eset Endpoint Security лицензиясиз антивирус дастурлари ўрнатилганлиги, 7 та Windows 10, 57 та Windows 7, 1 та Windows XP лицензиясиз операцион тизимларидан фойдаланилилаётганлиги, бунинг натижасидан

ЭХМ учун дастурий маҳсулотлардан фойдаланишда муаллифлик ҳуқуқлари бузилишига йўл кўйганлиги аниқланган.

“Республика шошилиш тез тиббий ёрдам илмий маркази”нинг замонавий АКТ ни ривожлантириш ва жорий этиш бўйича маъсул этиб белгиланган Инновация менеджери Х.Касимов бу ҳаракатлари билан, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлдаги “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунининг 62-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонунининг 11 ва 15-моддаларининг талабларини бузган.

Суд ҳуқуқбузар Х.Касимовнинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 1771-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топган ва моддий аҳволини, ёшини, оилавий шароитини, ҳуқуқбузарликнинг ҳарактерини, 2-гурух ногиронлигини ва бошқа ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 21-моддасига асосан, уни жавобгарликдан озод этиб, огоҳлантириш билан кифояланган.

Казус юзасидан саволлар

1. МЖТКнинг 21-моддасига асосан, уни жавобгарликдан озод этиб, огоҳлантириш билан кифояланиши асослими?
3. Суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори талабларига риоя қилинганми?

2-МАВЗУГА ОИД КАЗУСЛАР

КАЗУС №1.

Маълум бўлишича, А.Худояров 2020 йил 14 июль куни турмуш ўртоғи Д.Меликулованинг розилигисиз, қонунга хилоф равишда, унинг кийимсиз холида тушган расмларини тарқатган ҳамда интернет тармоқларига жойлаштарган.

Яъни, суд мажлисида ҳуқуқбузар А.Худояров, ҳақиқатдан ҳам у 2019 йилнинг куз ойларида Д.Меликулова билан шаърий никоҳдан ўтиб, турмуш қуришганлигини, 2020 йилнинг июль ойларида оилавий келишмовчиликлар юзасидан ўзаро жанжаллашиб қолишганлигини, натижада турмуш ўртоғи отасининг уйига кетиб қолганлигини, жahl устида турмуш ўртоғини қайтариш мақсадида унинг уйига бориб, кийимсиз тушган расмларини тарқатиб юбориш билан **кўрқитиб**, кийимсиз холида тушган расмлар ва видеоёзув жойланган DVD дискни қўшниларига **ташлаб кетганлигини**, ҳозирда содир қилган ишига иқрор ва пушаймон эканлигини, бундай ҳолат бошқа такрорланмаслигини, суддан уни оилавий шароитини инобатга олиб, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берган.

1. А.Худояровнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари борми? Бу ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик қайси моддада назарда тутилган? Ўхшаш таркибли маъмурий ҳуқуқбузарликлар мавжудми, агар мавжуд бўлса нимаси билан фарқ қилади?
2. Қилмишни квалификация қилишда кийимсиз холида тушган расмлар ва видеоёзув жойланган DVD диск қўшнилари томонидан очиб кўрилган ёки кўрилмаганлигини аҳамияти қандай?

КАЗУС №2.

2020 йил май ойи охирларида З.Тўхтабоева ҳамда Д.Бўриева билан Марғилон шаҳар, Баҳрин МФЙ, Ал-Фарғоний кўчасига кунлик ишга чиққанлиги, у ерда иккиси ҳам ўзаро жанжаллашиб кетишганини, бир бирларини ҳақоратлаб, қўл билан уришиб кетганлиги, шу пайт З.Тўхтабоевани қуйлақлари йиртилиб кетгани, шунда Ал-Фарғоний кўчасида жойлашган “Шукрона” миллий таомлари ошхонасининг иш юритувчиси Ш.Мадрахимов ҳам жанжалга араллашиб, бўлган воқеани видеотасвирга олиб, интернет тармоғига жойлаб тарқатиб юборганлиги, омма олдида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимай, бақир-чақир қилганлиги ҳолати юзасидан уларга нисбатан маъмурий баённомалар расмийлаштирилган.

1. Мазкур шахсларнинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжудми? Мавжуд бўлса қайси модда бўйича жавобгарлик вужудга келади? Ўхшаш таркибли маъмурий ҳуқуқбузарликлар мавжудми, агар мавжуд бўлса нимаси билан фарқ қилади?
2. Жанжал қилиб ўзаро уришаётган аёлларнинг юзлари видеотасвирга тушиши ёки тушмаслигининг квалификацияга таъсири борми? Кўйлаги йиртилмаган бўлсачи?

КАЗУС №3.

Маълум бўлишича, 2020 йил 07 июль кунидаги Марғилон шаҳар туғруқ комплекси бош врачлари М.А.Эрматова Марғилон шаҳар ИИБ бошлиғи номига маълумотнома билан муурожаат қилиб, унда Марғилон шаҳар 2-туғруқ бўлимига, Марғилон шаҳар Меҳрижон кўчаси 22-уйда яшовчи, 1-оилавий поликлиникада “Д” назоратида турган, **вояга етмай хомиладор бўлган**, 26.08.2002 йилда туғилган Мўйдинова Севара Дониёржон қизи 2020 йил 6 июль куни соат 14:40да “Хомиладорлик 1.39 туғруқнинг 1 даври, камқонлик ўта оғир даражада” ташхиси билан қабул қилинганлиги, 2020 йил 7 июль соат 00:30да жинси қиз, вазни 3186, бўйи 52 см бўлган тирик чақалоқ туғилганлиги аниқланган.

Р.Расулов судда қилмишига иқрор эканлигини билдириб, ҳақиқатдан ҳам, 2019 йил 09 октябрь куни фарзанди А.Соибжонов ва вояга етмаган С.Мўйдиноваларни шаърий никоҳ тўйини ўтказиб берганлигини, шаърий никоҳни имом хатиблар ўқимаганлиги боис ўзи ўқиганлигини, унинг бу ҳаракати қонунга хилоф эканлигини билмаганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини маълум қилиб, енгиллик берилишини сўради.

1. Мазкур ҳолат бўйича кимлар қайси модда бўйича маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин?
2. Агарда никоҳ Р.Расулов томонидан эмас балки бошқа шахс томонидан ўқилганда маъмурий жавобгарлик вужудга келармиди?

3-МАВЗУГА ОИД КАЗУСЛАР КАЗУС №1.

Маълум бўлишича, Д.Ёқубов 2020 йил 13 июль куни соат 17:00ларда Риштон туман, Рошидоний кўчасида жойлашган чинни ишлаб чиқариш цехига бориб, жабрланувчи Н.Эргашева билан ўзаро жанжаллашиб қолиши натижасида уни бош қисмига сопол идиш билан қасддан уриб, унга нисбатан тан жароҳати етказиб, жабрланувчи Н.Эргашевага тегишли бўлган “Mi-1” русумли телефон аппаратини қасддан синдириб, унинг мулкига шикаст етказган. Судга оид тиббий экспертизасининг 2020 йил 14 июль кунги 927-сонли хулосасига кўра, Н.Эргашевада тан жароҳатлари аниқланиб, ушбу тан жароҳатларни оғирлик даражаси 6 кундан кам давом этувчи шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Судда Д.Ёқубов қилмишига иқдор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 2020 йил 13 июль куни соат 13:30-14:00лар чамасида унаштирилиб қўйилган қизи Н.Эргашевага телефон қилганлигини, лекин Н.Эргашева икки мартаба уни телефонига жавоб бермаганлигини, шунда у яна телефон қилганида, Н.Эргашева телефонни кўтариб, “мен иш қияпман, мени безовта қияпсиз” деб айтганлигини, сўнг у телефонини қўйиб, жаҳли чиқиб Н.Эргашева ишлаётган жойга борганлигини, у борган вақтида Н.Эргашева ишини тугатиб бўлганлигини, шунда у Н.Эргашевага “нимага бакиряпсан” деб ўша ерда турган товокни олиб ерга отганлигини, шунда Н.Эргашева билан ишлаётган аёллар уларни ажратишиб қўйганлигини, шундан сўнг Н.Эргашева ичкарига кириб кетганлигини, у ҳам Н.Эргашеванинг олдида кирганлигини, ичкарига кирган вақтида, Н.Эргашева ётганини кўриб, ўрнидан туришини айтганлигини, лекин Н.Эргашева ўрнидан турмаганидан жаҳли чиқиб Н.Эргашевани юзига уриб юборганлигини, Н.Эргашева тан жароҳати олганидан кейин уни туман марказий шифохонасига олиб борганлигини, туман марказий шифохонасида Н.Эргашеванинг қўл телефонини олиб ерга ирғитиб синдириб юборганлигини, бу пайтда атрофда одамлар бўлганлигини, ҳозирда айбига иқдорлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, Н.Эргашевага етказилган зарарни қоплаганлигини айтиб кўрсатма берган.

1. Д.Ёқубовнинг Н.Эргашева ишлаётган жойда содир этган ҳаракатларида қандай ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд?
2. Туман марказий шифохонасида Н.Эргашеванинг қўл телефонини олиб ерга ирғитиб синдириб юборганлиги жавобгарликка сабаб бўладими? Телефон аппаратининг нархи қандай аҳамиятга эга?
3. Д.Ёқубовни жавобгарликдан озод қилиш масаласини муҳокама қилинг.

КАЗУС №2.

Қурбонов Тўлқинжон Исоқович Бешариқ тумани, Бўстон МФЙ ҳудудида жойлашган муқаддам консерва ишлаб чиқариш заводининг ташландиқ ҳолатда ётган жойида тадбиркорлик қилиш мақсадида уч йил давомида давлат ташкилотларига мурожаат қилиб келаётгани, ушбу масалада **икки ой** муқаддам туман ҳокимининг қабулига кириб, ўша ер майдонини икки сотих қисмини тадбиркорлик қилиши учун ажратиб беришини сўрагани, туман ҳокими уни мурожаатидан сўнг туман кадастр бўлимининг Насриддинов Баҳодиржон ходимига “Қурбонов Тўлқинжон билан бирга ўша ер майдонига бориб, у ернинг ҳозирги эгаси Рахматов Мусажондан сўраб, ўша ердан икки сотих ерни ажратиб икковларини келиштириб мени олдимга келинлар” деб гапиргани, шундан сўнг у кадастр ходимлари Насриддинов Баҳодиржон ва Алиқулов Ғайратжонлар юқорида кўрсатилган жойга келишгани, у ерда улар Рахматов Мусажонни чақириб ҳолатни тушунтиришгани ҳамда Рахматов Мусажон унга икки сотих ер майдони берса, унга ўз яшаш хонадонини томорқа қисмидан тўрт сотих беришга ваъда бергани, шунда

Рахматов Мусажон унга “менга ер керак эмас, сенга шу ер керак бўлса хужжатларини қилиб олавер” деб айтгани, шунда ҳоким қабулига бориб ҳолатни баён қилганида, туман ҳокими иш ўрни яратиб тадбиркорлик қилсанг ўша ерни олавер, сенга рухсат берилди деб айтгани, шундан сўнг ўша ерга 35 машина шағал ва 15 машина бетон қолдиқларини тўктириб, у ерни текислатиб қурилиш ишларини бошлагани, дастлаб қурилиш ишлари бошланганида ҳудуд профилактика инспектори келиб, уни хужжатлар расмийлаштирмасдан қурилиш ишлари олиб бормаслиги ҳақида огоҳлантириб ўтгани, шундан сўнг яна туман ҳокимининг сайёр қабулига кириб, қурилиш ишларини бошлагани, ҳудуд профилактика инспектори ушбу ерга эгалик қилиш хужжатларини расмийлаштирмасдан қурилиш қилмаслигини айтиб тўхтатиб қўйгани, шунда туман ҳокими қурилиш ишларини давом эттираверишини, унга қурилиш қилиши учун рухсат бўлганини айтгани, шундан сўнг қурилиш ишларини яна давом эттиргани, шу кунга қадар ўша ер майдонига анча пул маблағи сарфлаб қўйганини айтиб кўрсатув берган.

Жабрланувчи Ҳақбердиева Хилолаҳон Йўлдошевна судда, 2007 йил 24 январь кунидан буён “Боғи эътибор Хумоюн” фермер хўжалигига раҳбарлик қилиб келаётгани, ушбу фермер хўжалигининг боғ қисмига тегишли 4 сотих ер майдонига 2020 йил 20 январь кунидан буён Бешариқ тумани, “Пастки Яккатут” мфйда яшовчи Қурбонов Тўлқинжон ўзбошимчалик билан қурилиш хом-ашёларини олиб келиб жойлаштираётгани, унга ушбу ер майдони унга тегишли эканлигини маълум қилгани, бу ер майдонига тегишли хужжатлар расмийлаштирмасдан қурилиш қилиши нотўғри эканлигини бир неча марта ўзи ва турмуш ўртоғи огоҳлантиргани, лекин огоҳлантиришларга қарамасдан Қурбонов Тўлқинжон ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмасдан ер майдонига қурилиш материаллари олиб келаётганини, Қурбонов Тўлқинжонга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берган.

1. Қурбонов Тўлқинжон Исоқовичнинг ҳаракатларида қандай ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд?
2. Етказилган зарар масаласини ҳал қилинг.
3. Қурбонов Тўлқинжон Исоқовични жавобгарликдан озод қилиш масаласини муҳокама қилинг.

КАЗУС №3

Т.Собиров Пахтаобод туман мактабгача таълим бўлимига қарашли 18-сонли мактабгача таълим ташкилотининг хўжалик мудирини бўлиб ишлаб келган ҳолда, “Next Finance Group” МЧЖ билан 2019 йил декабрь ойида тузилган шартномага асосан МЧЖдан жами баҳоси 600.000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари олинган, лекин ушбу маҳсулотлар 18-сонли мактабгача таълим ташкилоти омборхонасига кирим қилинмаганлиги аниқланган.

Т.Собиров суд мажлисида, айбига иқдор бўлиб, Пахтаобод туман мактабгача таълим бўлимига қарашли 18-сонли мактабгача таълим ташкилотида хўжалик мудирини лавозимида ишлашини, “Next Finance Group” МЧЖ билан 2019 йил декабрь ойида тузилган шартномага асосан МЧЖдан жами баҳоси 600.000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари олганини, лекин ушбу маҳсулотлар 18-сонли мактабгача таълим ташкилоти омборхонасига кирим қилинмаганини туман прокуратураси томонидан аниқланганини, қилган ишидан пушаймонлигини, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, иш бўйича енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

1. Т.Собировнинг ҳаракатларида қандай ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд?
2. Етказилган зарар масаласини ҳал қилинг.
3. Бошқа шахсларнинг иштироки масаласини ҳал қилинг.

4-МАВЗУГА ОИД КАЗУСЛАР КАЗУС№1.

Зангиота туманидаги «Оқ олтин» фермер хўжалиги раҳбари Сугурбаева Розия Сунакбаевна томонидан Зангиота туман ҳокимининг 20.12.2019 йилдаги №76-сонли қарорига асосан белгиланган режага асосан 8.5 гектар майдонга ғалла, 23.8 гектар майдонга чоравчилик учун озуқа экини экиши лозим бўлсада, ўзбошимчалик билан 0.30 гектар майдонга қулупной, 0.20 гектар майдонга помидор, 0.10 гектар майдонга бодринг, 0.30 гектар майдонга ширин ва аччиқ қалампир экиб, жами 0.90 гектар ер майдонидан ўзбошимчалик билан мақсадсиз фойдаланиб келганлиги 2020 йил 09 июль куни аниқланиб, тегишли тартибда ҳужжатлар расмийлаштирилган.

1. Фермер хўжалиги раҳбари Сугурбаева Розия Сунакбаевнанинг ҳаракатларида ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжудми?
2. Шартнома шартларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилинг.

КАЗУС№2.

2020 йил 23 январь куни Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Бўстон туман бўлими томонидан Бўстон туман ҳудудида ўтказилган мониторингда А.Жўраев 2007 йил 18 сентябрда туман ҳокимининг қарорига асосан уй-жой қуриш учун Бўстон туман Янги обод массивида ажратилган ер майдонининг кадастр ҳужжатларида кўрсатилган чегарадан 0,04 га ер майдонига четга чиқиб, 2019 йилда тегишли ҳужжатларсиз, уй жой қуриб фойдаланиб келганлиги аниқланган.

Ҳуқуқбузар А.Жўраев судда, “Туман ҳокимининг қарори билан Бўстон туман Янги обод массивида уй-жой қуриш учун ажратилган ер майдонининг кадастр ҳужжатларида кўрсатилган чегарадан 0,04 га ер майдонига четга чиқиб, тегишли ҳужжатларсиз 2019 йил бошларида уй жой қуриб фойдаланиб келганли, қилмишимдан бушаймонлиги, бошқа такрорланмаслиги, енгиллик берилишини сўраб кўрсатув берган.

1. А.Жўраевнинг ҳаракатларида қандай ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд?
2. Зарар ва енгилроқ жазо қўллаш масаласини муҳокама қилинг.

КАЗУС№3.

Суд мажлисида ҳуқуқбузар Ш.Мамадияров ҳуқуқбузарлик ҳаракатига тўлиқ иқдорлик билдириб, судга қуйидагича кўрсатув берди, ҳақиқатдан ҳам 2020 йил 14 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Ғаллаорол туман бўлими ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг 21.12.1995 йилдаги “Насилчилик тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя этилиши юзасидан ўтказилган текширишлар жараёнида у раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигига тегишли бўлган насли қорамоллар бошқа ерга яъни Бахмал туманига яйловга кўчириб ўтказганлигини, содир этган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, келгусида бошқа бундай ҳолат такрорланмаслигини баён қилиб, суддан ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраган.

1. Ш.Мамадияровнинг ҳаракатларида қандай ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд?
2. Енгилроқ жазо қўллаш масаласини муҳокама қилинг.

5-MAVZUGA OID KAZUSLAR

1-KAZUS

Jizzax viloyati Mirzacho'l tumanida yashovchi fuqaro SH.Abdullaevga qarashli "Rovotlik Botir" Fermer xo'jaligi dala maydonlarini suv nasosi yordamida sug'orib kelar edi. Suv nasosi kuniga 45 kvt quvvatli elektr energiya sarflab, kanaldan latokka suv chiqarar edi. 2019 yil 19 avgust kuni elektr energiyani iste'mol qilish jarayonlarini oqilona va samarali olib borishini nazorat qilish uchun "Uzenergioinspeksiya"ning Jizzax hududiy bo'limi hodimlari "Rovotlik Botir" F/X da bo'ldilar. Ular quydagi holatga duch keldilar dala maydonlariga kanaldan eski temir quvur orqali lotokka suv olib o'tilgan edi, quvurdan o'tayotgan suvning 10-15% keraksiz joyga oqayotganiga guvoh bo'ldilar. Ushbu fermer xo'jaligining oyiga elektr energiya sarfi 55.989 kvt.s. ni tashkil etib undan 5.000 kvt.s. elektr energiya behuda sarflanganligi aniqlandi.

Ushbu vaziyatga huquqiy baho bering.

Huquqbuzarlik tarkibini tahlil qiling.

2-kazus

2018 yil 11 may kuni Majburiy ijro byurosi Rishton tuman bo'limi hodimlari tomonidan Rishton tuman Kelajak ovozi MFY Kamolot ko'chasi 77 uyda yashovchi M.Mahmudovning honadonida elektr energiyasidan foydalanishning qonuniyligi yuzasidan tekshirish o'tkazilganida, huquqbuzar M.Mahmudov noqonuniy ravishda xonadonida mavjud elektr hisoblagichdan tashqari 5 dona razvetka va 10 dona yoritish chirog'ini umumiy foydalanishdagi elektr tarmog'iga o'zboshimchalik bilan ulanib, elektr energiyasidan noqonuniy foydalanib davlat manfaatlariga 5.000.000 so'm zarar yetkazilganligi aniqlandi.

Ushbu vaziyatga huquqiy baho bering.

Huquqbuzarlik tarkibini tahlil qiling.

3-kazus

Guliston shahri "Bahor" mahallasi 28- uyda istiqomat qiluvchi fuqaro Y.Qodirov o'z uyida joylashgan tabiiy gazni hisobga olish asbobining plombasiga qasddan shikast yetgazgan hamda ularining ko'rsatkichklarini noqonuniy ravishda o'zgartirgan va ushbu holat aniqlanganda fuqaro Y.Qodirov o'z xarakatlari orqali gaz ta'minoti hududiy filialing manfaatkariga jami miqdorda 1.600.579 so'm miqdorda zarar yetkazganligi aniqlandi.

Ushbu vaziyatga huquqiy baho bering.

Huquqbuzarlik tarkibini tahlil qiling.

4-kazus

Jizzax viloyati G'allaorol tumani "Yoshlik" mahallasi 22- uyda istiqomat qiluvchi fuqaro J.Bekjonov o'zi istiqomat qilib turgan xonadonida 750 voltli elektr energiyasi taqsimlash qurilmasini muhofaza qilish qoidasini buzishi oqibatida boshqa uyda yashovchi fuqarolarni elektr energiyasidan ta'minlashning uzilishiga hamda elektr tarmoqlarining shikastlanishi olib keldi.

Ushbu vaziyatga huquqiy baho bering.

Huquqbuzarlik tarkibini tahlil qiling.

5-kazus

2019 yilning noyabr oyining 28 sanasida Andijon viloyati Marhamat tumani “Zarafshon” mahallasida joylashgan “Namuna” nomli MCHJning issiqlik energiyasi taminotidan foydalanishda gazdan foydalanish qurilmasing hisobini olmay yuritganini hamda yonish jarayonini avtomat tarzda boshqarish qurilmasini avtomat tarzda boshqarib turuvchi vositalarning mavjud emaskigi aniqlandi.

Ushbu vaziyatga huquqiy baho bering.

Huquqbuzarlik tarkibini tahlil qiling.

6-kazus

Majburiy ijro byurosi Chilonzor tuman bo'limi xodimlari tomonidan Chilonzor tumanida joylashgan yuridik shaxslar va aholini elektr energiyasi, tabiiy gaz va suvdan foydalanish tartibini monitoring qilish jarayonida, X.Abdullaev o'zi istiqomat qilib kelayotgan Chilonzor tumani, 20-mavze, 24-uy, 38-xonadon uchun o'rnatilgan elektr hisoblagichning 2-fazasini uzib qo'ygan holda elektr energiyasidan O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 12.01.2018 yildagi “Elektr energiyasi va tabiiy gazdan foydalanish tartibini takomillashtirish to'g'risida”gi 22-sonli Qaroriga zid ravishda foydalanib kelayotganligi aniqlangan.

Ushbu vaziyatga huquqiy baho bering.

Huquqbuzarlik tarkibini tahlil qiling.

7-kazus

D.Gardanova Chilonzor tumani, N.Qozirobd ko'chasi, 5-uy, 62-xonadonni elektr energiyasidan 419.000 so'm qarzdorligi uchun 17.04.2018 yil kuni tarmoqdan uzilgan bo'lishiga qaramay D.Gardanova qarzdorlikni bartaraf etmasdan o'zboshimchalik bilan ulanib olib elektr energiyasidan foydalanilayotganligi aniqlangan.

Ushbu vaziyatga huquqiy baho bering.

Huquqbuzarlik tarkibini tahlil qiling.

8-kazus

G.Dustovaga tegishli bo'lgan Chilonzor tumani Guliston mavze, 38-uy, 24-xonadonga kirish yo'lagidagi elektr shitdan elektr xisoblagich uskunasisiz to'g'ridan to'g'ri qora kabel orqali ulanib noqonuniy ravishda elektr energiyasidan foydalanilayotganligi aniqlangan.

Ushbu vaziyatga huquqiy baho bering.

Huquqbuzarlik tarkibini tahlil qiling.

9-kazus

R.Nig'matullaev Chilonzor tumani Qizil Sharq mavzesi 26-uy, 34-xonadoni elektr energiyasidan 1.120.140 so'm qarzdorligi uchun 29.07.2018 yil kuni tarmoqdan uzilgan bo'lishiga qaramay R.Nig'matullaev qarzdorlikni bartaraf etmasdan o'zboshimchalik bilan ulanib olib elektr energiyasidan foydalanilayotganligi aniqlangan.

Ushbu vaziyatga huquqiy baho bering.

Huquqbuzarlik tarkibini tahlil qiling.

**6-Mavzu: QISHLOQ XO'JALIGIDAGI HUQUQBUZARLIK, VETERINARIYA,
VETERINARIYA-SANITARIYA QOIDALARI VA NORMALARINI BUZGANLIK
UCHUN MA'MURIY JAVOBGARLIK**

10-kazus

2018-yil 12-aprel kuni soat 23:00larda fuqaro U. Alimov o'ziga tegishli bo'lgan "KamAZ" rusumli davlat raqami 60 A 214 CA bo'lgan yuk tashish mashinasini boshqarib, Marhamat tumani xududida joylashgan "Shoxjahon" fermer xo'jaligiga tegishli bo'lgan limon yetishtirish maydonini bosib o'tgan. Natijada 250 dona limon ko'chatini nobud qilgan. Uning xatti-harakatlari IIB xodimlari tomonidan aniqlangan va unga nisbatan ma'muriy huquqbuzarlik to'g'risida bayonnoma rasmiylashtirilgan.

Fuqaro U. Alimov o'z ko'rsamasida haqiqatdan ham 2018-yil 12-aprel kuni soat 23:00larda o'ziga tegishli bo'lgan "KamAZ" rusumli davlat raqami 60 A 214 CA bo'lgan yuk tashish mashinasida "Shoxjahon" fermer xo'jaligiga tegishli bo'lgan limon yetishtirish maydonini bosib o'tganligi, so'ng IIB xodimlari tomonidan ushlanganligi, IIB xodimlari tegishli xujjatlarni rasmiylashtirganligi haqida ko'rsatma bergan. Shuningdek, fuqaro U. Alimov huquqbuzarlik sodir etgan vaqtida kechasi bo'lgani uchun yo'lni yaxshi ko'rmay, limon yetishtirish maydonini extiyotsizlik oqibatida bosib o'tganini aytgan va bunday xolat takrorlanmasligi haqida ko'rsatma bergan.

Ushbu vaziyatga huquqiy baho bering.

Huquqbuzarlik tarkibini tahlil qiling.

11-kazus

2019-yil 20-iyulda IIB xodimlari tomonidan fuqaro S. Choriyevdan 0.02gr ko'knori topilgan. S. Choriyev "Shifonur" dori-darmon ishlab chiqarish korxonasida ishlashini va ko'knorini ushbu korxondan yashirincha olganligini aytgan. Ushbu xolat yuzasidan IIB xodimlari tomonidan fuqaro S. Choriyevga va "Shifonur" dori-darmon ishlab chiqarish korxonasiga raxbari O. Sobirovga tegishli tartibda bayonnomalar rasmiylashtirilgan.

Sudda fuqaro S. Choriyev va "Shifonur" dori-darmon ishlab chiqarish korxonasi raxbari O. Sobirov qilmishlariga pushaymonliglarini, bu xol boshqa takrorlanmasliglarini aytib, ularga nisbatan yengillik berishini so'rashgan.

Ushbu vaziyatga huquqiy baho bering.

Huquqbuzarlik tarkibini tahlil qiling.

6-МАВЗУГА ОИД КАЗУСЛАР

1-Казус

2019 йил 29 сентябрь куни соат тахминан 13:30 ларда, ҳайдовчи **Р.Галаев** ўзига ишончнома асосида тегишли “Нексия” русумли, давлат рақами 25 А 123 АА бўлган автомобилда Йўл ҳаракати қоидаларининг 7-банди 4-қисми талабларига зид ҳолда транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисисиз Чилонзор тумани Ширин кўчаси томонга, Ал-Хоразмий кўчаси бўйлаб, Ал-Хоразмий айланма ҳаракати томонга йўл қатнов қисмининг чап қаторидан ҳаракатланиб келиб, 17-уй биноси қаршисида, амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг 2-банди ва 77-банди 3-қисми талабларини, яъни “Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўнг тарафлама ҳаракатланиш тартиби белгиланган”, “Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деган талабларни инкор этиб, ҳаракати давомида қарама-қарши йўналишга чиқиб ҳаракатлангани натижасида, қарама-қарши йўналишдан ҳаракатланиб келаётган ҳайдовчи **Х.Ибрагимовнинг** йўл варақаси асосида бошқарувидаги “Ман А22” русумли, давлат рақами 01/135 УҒА бўлган автобуси билан тўқнашув содир қилган.

Содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида **тан жароҳати олганлар аниқланмаган.**

Суриштирув органи Р.Галаевнинг МЖТКнинг 134-моддаси, Ўзбекистон Республикаси МЖТК 135¹-моддасининг 1-қисми ва 137-моддаси билан квалификация қилинган.

Суд иш ҳужжатларига асосланиб Р.Галаевнинг йўл транспорт ҳодисаси натижасида **Х.Ибрагимовнинг** бошқарувидаги автомашинага ЙТХ содир этилган вақтдаги анча миқдорда, яъни 1.174.200 сўм зарар етказилганлиги маълум бўлди, шу сабабли Р.Галаевнинг хатти-ҳаракатларини МЖТКнинг 134-моддасидан ушбу кодекснинг 133-моддасига қайта квалификация қилиб, МЖТК 133-моддаси, 135¹-моддасининг 1-қисми ва “*йўл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кетиб қолиш*”да ифодаланган 137-моддаси билан квалификация қилган.

Суд **томонидан** иш ҳужжатларига асосланиб **Р.Галаевга** нисбатан *МЖТКнинг 33-моддасини қўллаган ҳолда,* МЖТКнинг 34-моддасига асосан узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 (етти) баравари миқдорида, 1.561.000 сўм жарима жазосини тайинлаган.

Казус юзасидан саволлар

1. Суриштирув органининг Р.Галаевнинг ҳаракатларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 134-моддаси, 135¹-моддасининг 1-қисми ва 137-моддаси билан квалификация қилинганлиги асослими?

2. Суд суриштирув органининг Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 134-моддаси билан қилган квалификациясини ўзгартиришига ҳақлими?

3. Суднинг Р.Галаевга нисбатан МЖтКнинг 33-моддасини қўллаган ҳолда, МЖтКнинг 34-моддасига асосан узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 (етти) баравари миқдорида, 1.561.000 сўм жарима жазосини тайинлаши асослими?

4. Суднинг бундай қарори Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори талабларига жавоб берадими?

2-Казус

2019 йил 18 ноябрь куни соат 17:50ларда, ҳайдовчи **А.Азимова** “Ласетти” русумли, фуқаро Р.Абдуллаев номига расмийлаштирилган автомобилени, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 7-банди 1 ва 4-қисмлари ва 8-банди 1-қисми талабларини бузган ҳолда яъни ҳайдовчилик гувоҳнома, ишончнома ва мажбурий суғурта полисисиз, бир нафар йўловчиси билан юксиз, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳудудида Чилонзор-Муқимий чорраҳаси томонидан, Муқимий кўчаси бўйлаб, Арнасой кўчаси томонига, шу йўналиш учун мўлжалланган йўл қатнов бўлагининг ўрта қисмидан 50 км/соат тезликда бошқариб кетаётганида, Муқимий ва Арнасой кўчалари кесишган чорраҳасига амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 31-банди 4-қисми талабларини бузиб яъни светофорнинг сариқ ишораси ҳаракатни таъқиқланган бўлишига қарамасдан ўзи ҳаракатланаётган йўналишга нисбатан ёнган светофорнинг сариқ ишорасига бўйсунмасдан чорраҳага кириб келиб, йўлни ўзига нисбатан қарама-қарши бўлагидан ҳаракатланиб келиб, чорраҳада чапга бурилаётган ҳайдовчи **М.Рабиевнинг** ишончнома асосида бошқарувидаги “Gentra” русумли автомобилга тўқнашган.

Тўқнашув натижасида тан жароҳати олганлар аниқланмаган.

2019 йил 27 ноябрь куни “Business Standart” МЧЖ томонидан берилган №1330-19-сонли баҳолаш ҳисоботида кўра, давлат рақами 01 L 361 ВВ бўлган, “Gentra” русумли автомобилга 12.986.694 сўм миқдорида зарар аниқланган.

Шунингдек **Р.Абдуллаев** ўзига тегишли бўлган “Ласетти” русумли автомобилени транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган ҳайдовчи **А.Азимовани** бошқарувида имкон яратиб, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 12-банди 2-қисми талабларини бузган .

Казус юзасидан саволлар

1. *Ҳуқуқбузарлик таркибини таҳлил қилинг.*
2. *Ҳуқуқбузар А.Азимованинг ҳаракатларига баҳо беринг.*

3. Р.Абдуллаев ўзига тегишли транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган ҳайдовчига берганлиги қандай ҳуқуқбузарлик ҳисобланади?

3-Казус

А.Юлдашев 2019 йил 26 сентябрь куни бошқарувида бўлган «Матиз» русумли давлат рақам белгиси 01 N 461 FA бўлган транспорт воситасини Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 2-Қамаристон кўчасида ҳаракатланиб келаётган вақтида, ЙХХБ ЙПХ ходими томонидан тўхтатилиб, текширилганида, автомашинани тегишли ҳужжатларсиз бошқарган ва спирти ичимлик истеъмол қилганликда гумон қилиниб, тиббий кўрикдан ўтишга таклиф қилинганида, тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортган.

Суд ҳуқуқбузар А.Юлдашевнинг ҳаракатларига баҳо бериб, унинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси МЖТК 136-моддасининг 1-қисми, 135¹-моддаси 1-қисми ва 135-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этган деб топган.

Казус юзасидан саволлар

1. *Ҳуқуқбузарлик таркибини таҳлил қилинг.*
2. *Ҳуқуқбузар А.Юлдашевнинг ҳаракатларига баҳо беринг.*

4-Казус

2019 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг Тошкент шаҳар ҳудудий инспекцияси томонидан ўтказилган текширувда **“O’zelektroapparat-Electroshield” АЖ** томонидан радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситаларини фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузганлиги аниқланган.

Ҳуқуқбузар Е.Меркулов томонидан унинг этиборсизлиги натижасида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситаларини фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузиб қўйганларини, яъни Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси 9-бўлим томонидан ишлатилаётган “Hytera PD-785” русумли радиостанцияларга фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома расмийлаштирмасдан фойдаланган.

Суд томонидан ҳуқуқбузар Е.Меркулов Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 152-моддаси 1-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган топилган.

Ҳуқуқбузар Е.Меркуловнинг химоячиси эса ушбу ҳуқуқбузарлик МЖТКнинг 152-моддаси билан эмас, балки МЖТКнинг 155²-моддаси билан баҳоланиши лозимлигини билдириб ўтди.

Казус юзасидан саволлар

1. *Ҳуқуқбузарлик таркибини таҳлил қилинг.*
2. *Ҳуқуқбузар Е.Меркуловнинг ҳаракатларига баҳо беринг.*
3. *Химоячининг эътирозлари асослими?*

7-МАВЗУГА ОИД КАЗУСЛАР

1-Казус

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Давлат солиқ инспекциясининг “Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” бўлими ходимлари томонидан Тошкент шаҳар Чилонзор туман ДСИ бошлиғининг 2019 йил 02 октябрь кунидаги 484 х/с-сонли буйруғига асосан 2019 йил 18 октябрь куни Чилонзор тумани, Гулистон мавзеси, 56-уй, 42-хонадонда назорат текшируви эълон қилинган. Текширув жараёнида **М.Шодиева** ҳеч қандай ҳужжатларсиз уйини ижарага берганлиги аниқланган.

Казус юзасидан саволлар

1. Ушбу ҳуқуқбузарлик таркибини таҳлил қилинг.
2. МЖтКнинг умумий ва махсус қисми моддасига асосан, жавобгарлигини хал қилинг.

2-Казус

2019 йил 03 ноябрь куни Тошкент шаҳар Чилонзор туман Давлат Солиқ инспекцияси “Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” бўлими ходимлари томонидан Чилонзор туман ДСИ бошлиғининг 2019 йил 03 ноябрь кунидаги 539 х/с-сонли буйруғига асосан ўтказилган текширувда **Н.Абдуллаева** Тошкент шаҳар Чилонзор тумани 19-мавзе, 21-уй, 33-хонадонни Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати Унитар корхонаси Чилонзор туман бўлиmidан ўз вақтида рўйхатдан ўтказмаганлиги аниқланган.

Казус юзасидан саволлар

1. Ушбу ҳуқуқбузарлик таркибини таҳлил қилинг.
2. МЖтКнинг умумий ва махсус қисми моддасига асосан, жавобгарлигини хал қилинг.

3-Казус

2019 йил 19 октябрь куни Тошкент шаҳар Чилонзор туман Давлат Солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган текширувида **А.Стаценко** Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Чилонзор тумани, Эски Чилонзор кўчаси, 42-уйни Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати Унитар корхонаси Чилонзор туман бўлиmidан ўз вақтида рўйхатдан ўтказмаганлиги аниқланган.

Ҳуқуқбузарга тегишли тартибда ишни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида огоҳлантирилган бўлишига қарамай, судга маълум бўлмаган сабабларга кўра ҳозир бўлмаган.

Казус юзасидан саволлар

1. Ушбу ҳуқуқбузарлик таркибини таҳлил қилинг.
2. МЖтКнинг умумий ва махсус қисми моддасига асосан, жавобгарлигини хал қилинг.
3. Суд, мазкур иш ҳужжатларини ҳуқуқбузарни иштирокисиз кўриб чиқиши мумкинлигини тегишли моддалар асосида изоҳланг.

4-Казус

2019 йил 12 октябрь куни Чилонзор тумани И 24-дахаси, 2-уй, 4-хонадонда ўтказилган текширувда **М.Кадирова** томонидан ичимлик сув қувури орқали, ичимлик сувидан ноқонуний тарзда, сув хисоблагич ускунаси бўлмаган ҳолда, “сувсоз” ДУК билан икки томонлама шартнома тузмасдан, ўзбошимчалик билан фойдаланилаётганлиги аниқланган.

Суд мажлисида ҳуқуқбузар **М.Кадирова**, у ичимлик сувини қувр орқали уланганлигини билмаганлигини, ҳозирда ушбу қувурни тўғирлатганлигини, оилавий шароити оғирлигини, қилган ишидан пушаймонлигини, келгусида хушёрликни оширишлигини, оилавий шароити оғирлигини, нафақадалигини инобатга олиб енгиллик беришни сўраган.

Казус юзасидан саволлар

- 1. Ушбу ҳуқуқбузарлик таркибини таҳлил қилинг.*
- 2. МЖтКнинг умумий ва махсус қисми моддасига асосан, жавобгарлигини хал қилинг.*
- 3. Суд томонидан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 33-моддасини қўллаб, модда санкцияси назарда тутилган жарима жазосидан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлаши учун асослар мавжудми?*

5-Казус

2019 йил 20 декабрь кунги тузилган баённомада ҳуқуқбузар Юзбоев Боходир Марданович, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Оққўрғон кўчасида жойлашган “Нур”, “Оқибат”, “М.Исмоилов” сайлов учаскаларининг тозалигига эътибор бермасдан, хазон ва бошқа чиқиндилардан тозаламасдан, ободончилик ишларини олиб бормасдан, санитария ва тозалик қоидаларига риоя қилмаган ва ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаган.

Казус юзасидан саволлар

- 1. Ушбу ҳуқуқбузарлик таркибини таҳлил қилинг.*
- 2. МЖтКнинг умумий ва махсус қисми моддасига асосан, жавобгарлигини хал қилинг.*

8-МАВЗУГА ОИД КАЗУСЛАР

1-Казус

Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекциясининг 2019 йил 30 апрелдаги 57-сон буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар ва идораларда ахборот ва киберхавфсизлик, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш ҳолатини 2019 йил давомида текшириш ўтказиш жадвали” ҳамда 2019 йил 8 августдаги 14-Т-сон буйруғига асосан “Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий маркази”да ахборот ва киберхавфсизлик, ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати юзасидан текширув ўтказилган.

Текширувда марказда мавжуд бўлган 445 та ишчи компьютерларнинг барчасида лицензияга эга бўлмаган операцион тизимлар (турли хил версиядаги) ва амалий дастурий маҳсулотлардан фойдаланилаётганлиги, 4 та сервер компютерида Win server 2008R2, Win Server 2016 standart, Win server 2008 Enterprise лицензиясиз операцион тизимларидан фойдаланилилаётганлиги, 33 та ишчи станцияда Eset Endpoint Security лицензиясиз антивирус дастурлари ўрнатилганлиги, 7 та Windows 10, 57 та Windows 7, 1 та Windows XP лицензиясиз операцион тизимларидан фойдаланилилаётганлиги, бунинг натижасидан ЭХМ учун дастурий маҳсулотлардан фойдаланишда муаллифлик ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйганлиги аниқланган.

“Республика шошилич тез тиббий ёрдам илмий маркази”нинг замонавий АКТ ни ривожлантириш ва жорий этиш бўйича маъсул этиб белгиланган Инновация менеджери **Х.Касимов** бу ҳаракатлари билан, Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 июлдаги “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунининг 62-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майдаги “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги қонунининг 11 ва 15-моддаларининг талабларини бузган.

Суд ҳуқуқбузар **Х.Касимовнинг** ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси **МЖтКнинг 177¹-моддаси 1-қисмида** назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топган ва моддий аҳволини, ёшини, оилавий шароитини, ҳуқуқбузарликнинг ҳарактерини, 2-гурух ногиронлигини ва бошқа ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси **МЖтКнинг 21-моддасига асосан**, уни жавобгарликдан озод этиб, огоҳлантириш билан кифояланган.

Казус юзасидан саволлар

1. Суд томонидан ҳуқуқбузар *Х.Касимовнинг* ҳаракатларини тўғри малакаланганми?
2. *МЖтКнинг 21-моддасига асосан*, уни жавобгарликдан озод этиб, огоҳлантириш билан кифояланиши асослими?
3. Суд томонидан *Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги*

ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори талабларига риоя қилинганми?

2-Казус

Ш.Турдиев қонунга ҳилоф равишда 2019 йил 07 февраль куни, Чилонзор тумани, “Қатортол савдо маркази” олдида А.Кличевга ноқонуний равишда 100 АҚШ долларини ҳар бир АҚШ долларини 8.300 сўмдан ҳисоблаб, жами 830.000 сўмга олган вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар Яккасарой туман бўлими ходимлари томонидан далилий ашёлар билан ушланган.

Ш.Турдиевдан далилий ашё тариқасида 830.000 сўм пуллар олиниб, вақтинча сақлаш учун АТБ «Турон банк» марказий амалиёт бошқармасига топширилган.

Суд, **Ш.Турдиевнинг** ҳаракатларини “валюта бойликларини қонунга ҳилоф равишда ўтказганлик”да ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 170-моддаси билан билан малакалаган

Суд **Ш.Турдиевга** жазо тайинлашда, ишдаги оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни, енгиллаштирувчи ҳолатлар тариқасида, унинг шахсини, ёшини, ҳуқуқбузарлик ҳаракатига иқрорлигини, ҳозирда содир этган қилмишидан пушаймонлигини, бу каби ҳаракатларни бошқа содир этмаслигини, содир этган қилмишининг оқибатини тўлиқ тушуниб етганлигини, моддий аҳволи оғирлигини, қарамоғида икки нафар фарзандлари борлигини инобатга олиб, **МЖТКнинг 33-моддасини қўллаган** ҳолда 10 (ўн) сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлаган.

Казус юзасидан саволлар

- 1. Суд томонидан ҳуқуқбузар Ш.Турдиевнинг ҳаракатларини тўғри малакаланганми?*
- 2. МЖТКнинг 33-моддасига асосан, уни жавобгарликдан озод этиб, огоҳлантириш билан кифояланиши асослими?*
- 3. Суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори талабларига риоя қилинганми?*
- 4. МЖТКнинг 170-моддаси ва ЖК 177 моддасинг претмети ва объектив томони асосий фарқи нимада?*

3-Казус

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман ДСИ бошлиғининг №1090 х/с сонли буйруғига асосан, Мирзо Улуғбек туман ДСИ ходимлари томонидан, 2014 йил 12 декабрь куни Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Тюлпан кўчаси, 92-уйда жойлашган **“White Strok Cotton Company” МЧЖда** ўтказилган қисқа текширув вақтида, шу жамиятнинг официанти **Мазитов Илдар Наилевичлар** савдо кўрсатиш қоидаларини бузиб, харидорга 68.000 сўм ҳисоб берган ва харидордан 20\$ (йигирма АҚШ доллари)ни қонунга ҳилоф

равишда олиб, кассага топширган ва НКМ дан чек уриб бермаган ва фуқаро **Худайкулов Иркин Бадриддинович** савдо кўрсатиш қоидаларини бузган ва ходимлар сонини яширган.

Казус юзасидан саволлар

- 3. Ушбу ҳуқуқбузарлик таркибини таҳлил қилинг.*
- 4. МЖТКнинг умумий ва махсус қисми моддасига асосан, жавобгарлигини хал қилинг.*
- 5. МЖТКнинг 164-моддаси ва ЖК 189 моддасинг претмети ва объектив томони асосий фарқи нимада?*

4-Казус

Ўзбекистон Республикаси Транспорт Вазирлиги Тошкент шаҳар Транспорт Бошқармаси ходимлари томонидан ҳайдовчи **А.Абдукадыров** автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиб келиб, 2019 йил 07 сентябрь кuni бошқарувидаги “Матиз” русумли давлат рақам белгиси 01 О 547 FA бўлган транспорт воситасида икки нафар йўловчи мижозлардан 10.000 сўм йўл ҳақи эвазига Жаҳон тиллари инситути олдида олиб, Тошкент автомобил йуллари институти олдида олиб кетаётганлиги аниқланган.

Суд МЖТК 294-моддаси 2-қисмига мувофиқ мазкур иш ҳужжатларини ҳуқуқбузарни иштирокисиз кўриб чиқиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 176³-моддаси билан малакаланган.

Бундан ташқари Суд **А.Абдукадыровга** нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, модда санкцияси назарда тутилган жарима жазосидан хам камроқ , яъни **базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 (етти) баравари миқдорида** жарима жазоси тайинлаган.

Казус юзасидан саволлар

- 1. Суд томонидан ҳуқуқбузар А.Абдукадыровнинг ҳаракатларини тўғри малакаланганми?*
- 2. МЖТКнинг 33-моддасига асосан, унга нисбатан 176³-модда санкцияси назарда тутилган жарима жазосидан хам камроқ жарима тайинлаши асослими?*
- 3. Суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори талабларига риоя қилинганми?*

5-Казус

2019 йил 01 ноябрь куни Тошкент шаҳар, Чилонзор туман Давлат солиқ инспекциясининг “Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда, А.Абдиазимов Чилонзор тумани 16-мавзе 15-ўй олдида ҳеч қандай ҳужжатларсиз ясама савдо растасида ДВД дисклар савдоси билан шуғулланаётганлиги аниқланиб, ундан ашёвий далил сифатида 1 хил турдаги 47 дона умумий баҳоси 141.000 сўмлик ДВД дисклар ҳамда 4.000 сўм тушум пуллари вақтинчалик олиб қўйилган.

Казус юзасидан саволлар

- 1. Ушбу ҳуқуқбузарлик таркибини таҳлил қилинг.*
- 2. МЖтКнинг умумий ва махсус қисми моддасига асосан, жавобгарлигини хал қилинг.*

9-MAVZUGA OID KAZUSLAR

1-Kazus

2019 yil 7 noyabr kuni, soat 24:00 larda fuqaro Xo'janiozov Toshkent shahar, Yakkasaroy tumani, Yunus Rajabiy ko'chasi 70-uy, 30-xonadonda bo'la turib, tungi 23:00 dan keyin shovqin qilib, yon qo'shnisi Ro'zmetovni tinchini buzib, uni turli so'zlar bilan haqorat qilib, u bilan janjallashgan. Yakkasaroy tuman ma'muriy sudi tomonidan ushbu ish ko'rib chiqilish jarayonida fuqaro Xo'janiozov 2019 yil 7 noyabr kuni, soat 24:00 larda Yakkasaroy tumani, Yunus Rajabiy ko'chasi 70-uy, 30-xonadonda bo'lganida qo'shnisi Ro'zmetov mast holda kelib u bilan janjallashganini, o'zi shovqin qilmaganligini aytdi. Fuqaro Ro'zmetov ham 2019 yil 7 noyabr kuni, soat 24:00 larda yuqoridagi manzilda qo'shnisi Xo'janiozovning oldiga chiqib shovqin qilmasligini aytganida uni turli so'zlar bilan haqoratlab, u bilan janjallashganini, qo'shnisi Xo'janiozov tuni bilan doimiy ravishda shovqin qilib qo'shnilarini tinchini buzib kelayotganini aytib ko'rsatma berdi.

2-Kazus

Fuqaro A.Abdullayev o'zinig o'gay farzandlari 2003 yilda tug'ilgan M.Yusufjonova va 2005 yilda tug'ilgan M.Yusufjonovalarning ruhiyatiga salbiy ta'sir qiluvchi har xil aqidaparastlik g'oyalarini singdirib, maktabdagi dunyoviy bilimlarni o'qimaslik, maktabdagi turli tadbirlarga qatnashmaslik, musiqa va radio eshitmaslik, televizor ko'rmaslikka majburlab, shuningdek dinni targ'ib qiluvchi diniy kitoblarni o'qishga, o'ziga tegishli bir dona "J1-DOUS SAMSUNG" markali uyali telefon apparatidan va "HP" rusumli noutbookida internet tarmoqlariga kirib "Obid Qori Nazarov"ning turli xildagi diniy ma'ruzalarini eshitishga majburlab kelgan.

Fuqaro M.Yusufjonovalar ushbu holatdan norozi bo'lib, A.Abdullayevga nisbatan qonuniy chora ko'rishni so'rab, 2020 yil 9 fevral kuni huquqni muhofaza qiluvchi organ xodimlariga muroojat qilgan.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasi huzuridagi Din ishlari bo'yicha qo'mitasi tomonidan 2020 yil 17 mart kunidagi №IO-365-sonli xulosasiga ko'ra A.Abdullayevga tegishli J1-DOUS SAMSUNG" telefon apparatining "aql_shariyat_aqiqa" nomli faylida Obid Qori Nazarovning Alloxning dinini etkazish, hidoyat Alloxning qo'lida ekani, shariyat mavzulari haqida fikrlari keltirilgan bo'lib, u an'anaviy islom uchun yot g'oya va tushunchalarning tarqalishida, dindorlar o'rtasida islom dini aqidalariga turli yondashuvlarning paydo bo'lishiga va turli ixtiloflarning yuzaga kelishida ishtirok etgan.

Din ishlari bo'yicha qo'mitasi tomonidan 2020 yil 20 mart kunidagi №IO-527-sonli xulosasiga ko'ra A.Abdullayevga tegishli "HP" rusumli noutbooki "hotirasida Obid Qori Nazarovning Qur'oni Karimdagi Yosin surasining tavsiri va uning ma'nolari tarjimasiga oid ma'ruzalari keltirilgan bo'lib, ushbu ma'ruzalar an'anaviy islom uchun yot g'oya va tushunchalarning tarqalishida, dindorlar o'rtasida islom dini aqidalariga turli yondashuvlarning paydo bo'lishiga va turli ixtiloflarning yuzaga kelishida ishtirok etgan. Usbularni e'tiborga olgan holda Obid Qori Nazarovning chiqishlari yozilgan ma'lumotlarni O'zbekiston Respublikasiga olib kirish, tayyorlash va tarqatish taqiqlanadi"-deb ko'rsatib o'tilgan.

Kazus yuzasidan savollar:

1. Huquqbuzar **A.Abdullayevning** harakatlariga baho bering.
2. Huquqbuzar **A.Abdullayevning** harakatlariga nisbatan O‘zbekiston Respublikasi MJtKning maxsus qismi normalari JKning 156, 244² va 244³-moddalari asosida javobgarlik turini belgilang.

3-Kazus

2020 yil 6martkuni Ulug‘nor tuman IIB TEQKG xodimlari tomonidan Ulug‘nor tuman “Avulmat” MFY hududida o‘tkazilgan tezkor tadbirlar davomida 15-umumta'lim maktabida “Informatika” xonasida shu maktabning 11-B sinf o‘quvchilarining 2-soat darsi vaqtida huquqbuzar **O.Qodirovga** tegishli bo‘lgan “ASUS” rusumli noutbukidan arabcha talaffuzdagi diniy ma'ruzalarini qo‘yib eshittirayotganligi, ushbu noutbuk xotirasida diniy mazmundagi materiallarni tarqatish maqsadida saqlab kelayotganligi, diniy tashkilot boshqaruvi markaziy organining ruxsatisiz diniy ta'limotdan xususiy tartibda saboq beriganligi aniqlangan.

Kazus yuzasidan savollar:

1. Huquqbuzarlik tarkibini tahlil qiling.
2. Huquqbuzar **O.Qodirovning** harakatlariga baho bering.
1. Huquqbuzar **O.Qodirovning** harakatlariga nisbatan O‘zbekiston Respublikasi MJtKning maxsus qismi normalari asosida javobgarlik turini belgilang.

4-Kazus

Ish hujjatlariga ko‘ra, Xitoy Xalq Respublikasi fuqarosi **Zxou Yongxui** O‘zbekiston Respublikasida bo‘lish qoidasini buzib, Toshkent shahar, Chilonzor tumani, Algoritm daxasi, 16-uy, 103-xonadonda 2019 yil 18 avgust kundan 2019 yil 16 sentyabr kungacha qadar vaqtinchalik ro‘yxatsiz yashagan.

Huquqbuzar **Zxou Yongxui** sud majlisida, u Toshkent shahriga sayoxat qilish uchun kelganligini, u vaqtinchalik ro‘yxatdan o‘tish kerakligini bilmaganligini, kelgusida bundan xolatlarni qaytarmasligini, qilgan ishidan pushaymonligini, oilaviy sharoiti og‘irligini, yengillik berishni so‘radi.

Kazus yuzasidan savollar:

1. Huquqbuzarlik tarkibini tahlil qiling.
2. Huquqbuzar **Zxou Yongxuining** harakatlariga baho bering.
3. Huquqbuzar **Zxou Yongxuining** harakatlariga nisbatan O‘zbekiston Respublikasi MJtKning maxsus qismi normalari asosida javobgarlik turini belgilang.

5-Kazus

Huquqbuzar **I.Hamroyev**,2019 yil 29 avgust kuni soat 12:30 larda Navoiy viloyati bojxona boshqarmasi xodimlari tekshirishda,Xitoy davlatining “China National Chemical Engineerig”tashkilotidan “Mitsubishi Heavy Industres” doimiy muassasasi nomiga 2015 yil 9 iyundagi shartnomasiga asosan qurilish materiallari bo‘yicha bojxona rejimiga taqdim qilingan hujjatlar tekshirilganida, Bojxona kodeksining 269-moddasi talablari asosida oltmish kalendar kundan kechiktirib taqdim qilinganligi aniqlangan.

Kazus yuzasidan savollar:

1. Huquqbuzar **I.Hamroyevning** harakatlariga baho bering.
2. Huquqbuzar **I.Hamroyevning** harakatlariga nisbatan O‘zbekiston Respublikasi MJtKning maxsus qismi normalari asosida javobgarlik turini belgilang.

10-MAVZUGA OID KAZUSLAR

1-Kazus

O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi jamoat, nodavlat notijorat va diniy tashkilotlar boshqarmasi tomonidan Toshkent shahar «TAEKWON-DO» Akademiyasi NNT direktori lavozimida ishlaydigan fuqaro **X.Kurbanovga** nisbatan ma'muriy huquqbuzarlikni sodir qilganligi aniqlandi.

Unga ko‘ra, O‘zbekiston Respublikasi “Nodavlat notijorat tashkilotlari to‘g‘risida”gi Qonunining 8-moddasiga muvofiq nodavlat notijorat tashkilotlar ro‘yxatdan o‘tkazuvchi organga o‘z faoliyatlari to‘g‘risidagi hisobotlarni taqdim etishi shart. Shuningdek, Vazirlar Mahkamasining 2014 yil 10 martdagi 57-son qarori bilan tasdiqlangan Nodavlat notijorat tashkilotlarini davlat ro‘yxatidan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 47-bandiga ko‘ra nodavlat notijorat tashkilot, shuningdek alohida bo‘linmalar tegishli adliya organiga: har yili 1 fevralgacha - o‘tgan yildagi o‘z faoliyati to‘g‘risidagi hisobotni, shu jumladan faoliyatni moliyalashtirish manbalari va mablag‘larning sarflanishi to‘g‘risidagi deklaratsiyani, mavjud a'zolar soni to‘g‘risidagi ma'lumotlarni O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan tasdiqlanadigan shakl bo‘yicha, rejalashtirilgan tadbirlar to‘g‘risidagi axborotni yoki rejalashtirilgan tadbirlar (konferensiyalar, seminarlar, treninglar, yig‘ilishlar, aksiyalar va shu kabilarning) ro‘yxatini o‘z vaqtida kelishish uchun taqdim etishlari shart. NNT tadbirlarini kelishish tartibi O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan belgilanadi; rahbar organing yangi tarkibi saylanganda yoki rahbar organ tarkibida o‘zgarishlar bo‘lganda rahbar organlar qarorlarining nusxasi bir oy mobaynida taqdim etiladi.

Biroq, mazkur tashkilotning 2014 yildagi faoliyati to‘g‘risidagi hisobotlari Adliya vazirligiga o‘z vaqtida topshirilmasdan, ya'ni 11 kun kechiktirilib, 2015 yil 11 fevralda taqdim etilgan.

Kazus yuzasidan savollar:

1. Huquqbuzarlik tarkibini tahlil qiling.
2. Huquqbuzar **X.Kurbanovning** harakatlariga baho bering.
2. Huquqbuzar **X.Kurbanovning** harakatlariga nisbatan O‘zbekiston Respublikasi MJtKning maxsus qismi normalari asosida javobgarlik turini belgilang.

2-Kazus

M.Sharipov, 2019 yil 13 iyun, 20 iyun kunlarida tuman Mudofaa ishlari bo‘limi tomonidan bir necha bor yozma ravishda chaqiruv qog‘ozi orqali chaqirtirilishiga qaramasdan, harbiy xizmatni o‘tashdan bosh tortib kelayotganligi niqlanib, Urganch tuman IIB tomonidan xujjatlashtirilgan.

Kazus yuzasidan savollar:

1. Huquqbuzarlik tarkibini tahlil qiling.
2. Huquqbuzar **M.Sharipovning** harakatlariga baho bering.
3. Huquqbuzar **M.Sharipovning** harakatlariga nisbatan O‘zbekiston Respublikasi MJtKning maxsus qismi normalari asosida javobgarlik turini belgilang.

3-Kazus

2020 yil 6martkuni Ulug‘nor tuman IIB TEQKG xodimlari tomonidan Ulug‘nor tuman “Avulmat” MFY hududida o‘tkazilgan tezkor tadbirlar davomida 15-umumta'lim maktabida “Informatika” xonasida shu maktabning 11-B sinf o‘quvchilarining 2-soat darsi vaqtida huquqbuzar **O.Qodirovga** tegishli bo‘lgan “ASUS” rusumli noutbukidanarabcha talaffuzdagi diniy ma'ruzalarini qo‘yib eshittirayotganligi, ushbu noutbuk xotirasida diniy mazmundagi materiallarni tarqatish maqsadida saqlab kelayotganligi, diniy tashkilot boshqaruvi markaziy organining ruxsatisiz diniy ta'limotdan xususiy tartibda saboq beriganligi aniqlangan.

Kazus yuzasidan savollar:

3. Huquqbuzarlik tarkibini tahlil qiling.
4. Huquqbuzar **O.Qodirovning** harakatlariga baho bering.
4. Huquqbuzar **O.Qodirovning** harakatlariga nisbatan O‘zbekiston Respublikasi MJtKning maxsus qismi normalari asosida javobgarlik turini belgilang.

4-Kazus

Mirzo Ulug‘bek tuman prokuraturasi tomonidan Mirzo Ulugbek tuman Davlat sanitariya va epidemiologiya nazorati markazida O‘zbekiston Respublikasi «Tadbirkorlik faoliyati erkinligining kafolatlari to‘g‘risida»gi, «Tadbirkorlik sub'yektlarini huquqiy himoya o‘ilish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi Qonunlar, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 19.11.1998 yildagi «Xo‘jalik yurituvchi sub'yektlarni tekshirishni tashkil qilishni tartibga solish to‘g‘risida»gi PF- 2114-sonli Farmoni va Adliya vazirligi tomonidan 06.05.2006 yilda 1573-son bilan ro‘yxatga olingan «Nazorat qiluvchi organlar tomonidan o‘tkaziladigan, tadbirkorlik sub'yektlari-yuridik shaxslar faoliyatini tekshiryshlarni muvofiqlashtirish tartibi to‘g‘risida»gi nizom ijrosi yuzasidan tekshirish o‘tkazilgan, unga ko‘ra, Mirzo Ulug‘bek tuman Davlat sanitariya va epidemiologiya nazorati markazi bo‘lim mudiri **M.Buzurxanova** o‘zining harakatlari bilan Nazorat qiluvchi organlar faoliyatini muvofiklashtiruvchi Respublika Kengashining 2006 yil 11 mart kunidagi 06-01-01-sonli qarori bilan tasdiklangan «Nazorat qiluvchi organlar tomonidan o‘tkaziladigan, tadbirkorlik sub'yektlari - yuridik shaxslar faoliyatini tekshirishlarni muvofiqlashtirish tartibi to‘g‘risida»gi Nizomining 25-bandini talablarini qo‘pol ravishda buzib, noqonuniy tekshirish utkazganligi aniqlangan.

Kazus yuzasidan savollar:

1. **Huquqbuzarlik tarkibini** tahlil qiling.
2. Huquqbuzar **M.Buzurxanova** harakatlariga baho bering.
3. Huquqbuzar **M.Buzurxanova** harakatlariga nisbatan O‘zbekiston Respublikasi MJtKning normalari asosida javobgarlik belgilab, jazo tayinlang.

5-Kazus

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Tadbirkorlar huquqlarini himoya qilish va tartibga solish bo'yicha Vakil idorasi xodimlari Turdiev Ulug'bek Enverxodjaevich "Ta'sirni yumshatish bo'yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to'g'risida" PF5969-sonli Farmonning 8-bandi Bundan tashqari, 2020 yil 1 oktyabrga qadar soliq organlari vaqtincha qiynchiliklarga

duch kelgan xo'jalik yurituvchi sub'ektlarga mulk solig'i, er solig'i va jarimalar, shuningdek soliq qarzlarini majburiy ravishda yig'ib olishni to'lashni to'xtishi belgilangan. Biroq, soliq inspeksiyasi xodimi **A.Egamov** tomonidan "Titan tsement" MChJ tomonidan yoki uning qarori bilan belgilangan imtiyoz va preferentsiyalar qo'llanilmasdan, "Titan tsement" MChJ soliq inspeksiyasi tomonidan 1 153 514 745.39 so'm miqdorida 31.03.2020, 09.04.2020 va yig'ish topshiriqnomalari olib tashlandastan majburlov choralarini ko'rilgan.

Kazus yuzasidan savollar:

1. **Huquqbuzarlik tarkibini** tahlil qiling.
2. Huquqbuzar **A.Egamovning** harakatlariga baho bering.
3. Huquqbuzar **A.Egamovning** harakatlariga nisbatan O'zbekiston Respublikasi MJtKning normalari asosida javobgarlik belgilab, jazo tayinlang.

Мавзу юзасидан глоссарийлар.

1-МАВЗУ- учун глоссарийлар

- **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифаси** - инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан иборатдир. Бу вазифаларни амалга ошириш учун, қонун ҳужжатлари, қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди
- **Маъмурий жавобгарлик** – бу маъмурий ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашдир.
- **Мансабдор шахс** - Доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.
- **Чет давлат фуқароси** – Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигига ва ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлган шахс.
- **Фуқаролиги бўлмаган шахс** - “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахс.
- **Маъмурий ҳуқуқбузарлик** деганда (фактик асоси) - қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.
- **Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби** – бу маъмурий ҳуқуқбузарлик меъёрлари билан ўрнатилган хусусиятларнинг йиғиндиси бўлиб, уларнинг мавжуд бўлиши билан аниқ бир қилмишлар – маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида тан олинади.
- **Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объекти** – бу маъмурий ҳуқуқбузарлик меъёрлари билан ўрнатилган ва муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.
- **Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томони** – бу ҳуқуққа хилоф қилмишдир, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик объектига қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, унинг хусусиятлари, шунингдек, уни содир этиш (ёки содир этмаганлик) шароитлари ҳисобланади.

- **Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони** – бу ҳуқуқбузарлик субъекти (жисмоний шахс)нинг ҳуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳамда унинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабати ҳисобланади.
- **Маъмурий жазо тушунчаси ва мақсади** – Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.
- **Асосий ва қўшимча маъмурий жазо чоралари** - Ашёларни уларнинг ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш, мусодара қилиш ва махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан) маҳрум этиш ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида, ушбу Кодекснинг 23-моддасида назарда тутилган бошқа маъмурий жазо чоралари эса фақат асосий жазо тариқасида қўлланилиши мумкин.

2-МАВЗУ УЧУН ГЛОССАРИЙЛАР

- **Тухмат** - тухмат, яъни била туриб ёлгон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатишда ифодаланади.
- **Ҳақорат қилиш** - Ҳақорат қилиш, яъни шахснинг шаъни ва кадр-қимматини қасддан камситишда ифодаланади.
- **Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Фуқароларнинг тарбия ва таълим беришда тилни эркин танлашдан иборат ҳуқуқларини бузиш, тилдан фойдаланишда тўсқинлик қилиш ва чеклаш, давлат тилини, шунингдек Ўзбекистон Республикасида яшовчи бошқа миллатлар ва элатларнинг тилларини менсимасликда ифодаланади.
- **Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганликда ифодаланади.
- **Ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш** - Фуқарога унинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этишда ифодаланади.
- **Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш** - Турар жойга унда истиқомат қилувчиларнинг хоҳиш-иродасига хилоф равишда ноқонуний тарзда кириш, мансабдор бўлмаган шахс томонидан содир этилган бўлса жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.
- **Фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш** - Тиббий ёки тижорат сирларини, ёзишма ва бошқа хабарлар, нотариал ҳаракатлар, банк операциялари ва жамғармалар сирларини, худди шунингдек фуқарога, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига маънавий ёхуд моддий зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни ошкор этишда ифодаланади.
- **Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш** - Шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатишда ифодаланади:
 - ❖ **Шахснинг шахсий ҳаёти** - алоҳида шахсга дахлдор бўлган инсон ҳаётининг фаолияти соҳаси. Бу соҳа фақат ўша шахсга тегишли бўлиб, агарда, ўз навбатида ҳуқуққа хилоф аҳамият касб этмаса, жамият ва давлат томонидан назорат қилинмайди.
 - ❖ **Шахсий сир** – бир шахснинг фақат ўзига маълум бўлган ва бошқа шахсларга маълум қилиниши мумкин бўлмаган ишбилармонлик ва дўстона алоқалар, қизиқиш ва камчиликлар, яширин жисмоний нуқсонлар ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар. Мазкур маълумотлар турли ахборот ташувчи манбаларда бўлиши мумкин (кундалик, расмлар, аудио ва видео форматдаги манбалар).
 - ❖ **Оилавий сир** – бир оила аъзоси бўлган бир неча шахсларга маълум бўлган ва бошқа шахсларга маълум қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар. Масалан, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулкий ва мулкый муносабатлар, ўзаро муносабатлар тарихи, интим муносабатлари, қизиқиш ва камчиликлари тўғрисидаги маълумотлар.
- **Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш,

тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилишда ифодаланади:

- ❖ **Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари** – “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.
- ❖ **Шахсга доир маълумотлар** - муайян жисмоний шахсга тааллуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзда, қоғозда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот. Масалан, шахснинг фамилияси, исми, шарифи, туғилган санаси, туғилган жойи, доимий ва вақтинча яшаш манзили, оиласи ва ижтмоий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, таълим олганлиги тўғрисидаги маълумотлар, касби ва мансаби, даромади ва мулкӣ ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, биометрик маълумотлар, шахсий телефон рақами, расми ва бошқалар.
- **Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик** - Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келишида ифодаланади.
- **Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик** - Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни шундай болалар турган муассаса раҳбари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахси томонидан васийлик ва ҳомийлик органига хабар қилмаслик, худди шунингдек улар томонидан ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақида атайин нотўғри маълумотлар беришда ифодаланади.
- **Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузиш** - Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга (патронат), фарзандликка беришда, уларга васийлик (ҳомийлик) белгилашда ёхуд уларни етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган тегишли давлат муассасасига жойлаштиришда қонун ҳужжатлари талабларини бузишда ифодаланади.
- **Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш ва никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.
- **Васийлик ҳуқуқини суистеъмол қилиш** - васийликка олинганнинг зарарига ғаразли мақсадларни кўзлаб васийликдан ёки ҳомийликдан фойдаланиш ёки уни назоратсиз ва зарур моддий ёрдамсиз қолдиришда ифодаланади.
- **Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш** - Вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламасликда ифодаланади.
- **Васийлик ҳуқуқини суистеъмол қилиш** - Васийликка олинганнинг зарарига ғаразли мақсадларни кўзлаб васийликдан ёки ҳомийликдан фойдаланиш ёки уни назоратсиз ва зарур моддий ёрдамсиз қолдиришда ифодаланади.
- **Меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишида ифодаланади.
- **Вояга етмаган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик тўғрисидаги талабларни бузиш** - вояга етмаган шахс меҳнатидан унинг соғлиғи,

хавфсизлиги ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланишда ифодаланади.

- **Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги** - иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қонун билан белгиланган ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслигидир.
- **Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлаш** - вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўлаш бўйича мажбуриятдан бўйин товлашдир.
- **Хорижий ишчи кучини Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузиш** - Хорижий ишчи кучини Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш ва ундан фойдаланиш тартибини бузишдир.
- **Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кўшимча кафолатларни таъминлайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини яратишга доир қарорларини бажармаслик, худди шунингдек аввал талабнома берилган, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим олган, шунингдек касбга тайёрлашга, қайта тайёрлашга ва малакасини оширишга юборилган шахсларни ишга қабул қилишни рад этишдир.
- **Хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Мансабдор шахс томонидан хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишдир.
- **Меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш** - қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, меҳнатга бирон бир шаклда маъмурий тарзда мажбурлашдир.
- **Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - ногиронлар ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш бўйича талабларни бажармаслиқдир.
- **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралashiш** - Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг фаолиятига аралashiш, худди шунингдек уларнинг ишига тўсиқларни юзага келтиришда ифодаланади.
- **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик** - Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорларини ижро этмаслик, худди шунингдек уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузишда ифодаланади.
- **Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузиш** - Номзоднинг, ишончли вакилнинг, кузатувчининг ёки сиёсий партия ваколатли вакилининг ҳуқуқларини бузишда ифодаланади.
- **Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузиш** - Сайловолди ташвиқотини, референдумга қўйилган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш шартлари ва

тартибини номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили, мансабдор шахс томонидан бузишида ифодаланади.

- **Номзодлар, сиёсий партиялар тўғрисида ёлғон маълумотларни тарқатиш** - Сайлов натижаларига таъсир кўрсатиш мақсадида номзод, сиёсий партия тўғрисида атайлаб ёлғон маълумотларни эълон қилиш ёки бошқа усуллар орқали тарқатишда ифодаланади.

- **Сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида ахборот ҳамда ташвиқот материалларини қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказиш** - Биноларга, иншоотларга ёки бошқа жойларга жойлаштирилган ахборот, ташвиқот материалларини сайловга ёки референдумга тайёргарлик кўриш ва сайлов ёки референдум ўтказиш жараёнида қасддан йўқ қилиб юбориш ёки уларга қасддан шикаст етказишда ифодаланади.

- **Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш** - Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузишда ифодаланади.

- **Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш** - Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини, шунингдек сайлов ёки референдум билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузишда ифодаланади.

3-МАЗУ- учун глоссарийлар

Енгил тан жароҳати етказиш - Эҳтиётсизлик орқасида енгил тан жароҳати етказиш ва касддан енгил тан жароҳати етказиш, бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган бўлса.

Санитария қонун ҳужжатларини бузиш - Санитария қонун ҳужжатларини, санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузишда ифодаланади.

Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш - Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида ваколатли органнинг махсус талабларига зид равишда жамоат жойларида ниқобсиз бўлишда, Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлишининг ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни бузиш, шу жумладан карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида шифохонадаги ички тартибга риоя этмаслик, давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарк этмаслик, касаллик юқиш хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармасликда ифодаланади.

Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузиш - Радиацион хавфсизликка доир қоидалар, нормалар, йўриқномалар ва бошқа талабларни бузишда ифодаланади.

Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш - Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатишда ифодаланади.

Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш - Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш, бундан тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун махсус ажратилган жойлар ва (ёки) хоналар мустасно.

Таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш - Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган беморнинг касаллик юқтирилган манбани, шунингдек ўзи билан алоқа қилиб таносил касаллиги ва ОИВ касаллиги/ОИТС юқиши хавфини туғдирган шахсларни яширишида ифодаланади.

Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши - Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга

учраганлиги ҳақида етарли маълумотлар бўлган шахсларнинг соғлиқни сақлаш органлари томонидан огоҳлантирилганидан кейин ҳам текширишдан бўйин товлашида ифодаланади.

ОИВ касаллиги/ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўриқдан ўтказишда, шунингдек тиббий ва косметик муолажаларни ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганлик - ОИВ касаллиги/ОИТС юққан-юқмаганлигини аниқлаш учун тиббий кўриқдан ўтказишда, шунингдек ОИВ касаллиги/ОИТСни юқтиришга олиб келадиган тиббий ва косметик муолажа ўтказишда хавфсизликни етарли даражада таъминламаганликда ифодаланади.

Ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli ҳолатда бўлган шахсга шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этиш - Ҳаёти ёки соғлиғи учун хавfli ҳолатда бўлган шахсга тиббиёт ташкилотларида қонунга ёки махсус қоидаларга мувофиқ шошилиш ва (ёки) кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиши керак бўлган шахс томонидан шундай ёрдам кўрсатишни асоссиз равишда рад этишда ифодаланади.

Табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш - Ердан, сувдан, ўсимлик ёки ҳайвонот дунёсидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ёхуд ерга ва бошқа табиий ресурсларга (бундан ер ости бойликлари ва ер ости сувлари мустасно) эгалик ҳуқуқини бевосита ёки яширин шаклда бузувчи битимлар тузиш ёки бошқа ҳаракатлар содир этиш, табиатдан махсус фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш да ифодаланади.

Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик - Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмасликдир.

Оз миқдорда талон-торож қилиш - Мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилишдир. Башарти талон-торож қилинган мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаса, бундай талон-торож оз миқдордаги талон-торож қилиш деб ҳисобланади. Устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мол-мулкни уларнинг ходими томонидан ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан содир этилган оз миқдорда талон-торож қилиш фақат мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлади.

Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш - Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги

эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкый манфаатдор этишда ифодаланади.

Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш - Ўзганинг мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш, оз миқдорни ташкил этса, кўп бўлмаган миқдорни ташкил этишидир. Оз миқдор деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваригача бўлган доирадаги, кўп бўлмаган миқдор деганда эса, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан юз бараваригача бўлган доирадаги миқдор тушунилади. Устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мол-мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш фақат мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарининг, мулкдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлади.

Тоғиб олинган мол-мулкни яшириш - Тоғиб олинган ёки тасодифан қўлига тушиб қолган қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан ортиқ бўлган ўзганинг мол-мулкни яширишда ифодаланади.

Ғайриқонуний ов, балиқ овлаш маҳсулотини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш маҳсулотини қабул қилиб олиш - Ғайриқонуний ов, балиқ овлаш маҳсулотини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш маҳсулотини тайёрлаш ёки қайта ишлаш ташкилотининг, савдо ёхуд умумий овқатланиш ташкилотининг мансабдор шахси томонидан қабул қилиб олишда ифодаланади.

Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш - Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, Давлат муҳофазасига олинган моддий маданий мерос кўчмас мулк объектларининг қўриқланадиган теграларида, алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудларда, шу жумладан ўзининг тарихий-маданий қимматига кўра Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган ҳудудларда ва уларнинг қўриқланадиган теграларида моддий маданий мерос объектлари ҳисобланмаган бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларни белгиланган тартибда рухсатнома олмасдан қуриш ёки бузишда ифодаланади.

4- МАВЗУ- учун глоссарийлар

- **Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш** – Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш, объектлар куриш пайтида унумдор қатламни олмаслик, ер майдонларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ерларни фойдаланишдан чиқаришга, ҳосилдорлик пасайишига, тупрокнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келадиган бошқа ҳаракатларни содир этиш, шунингдек таназзулга юз тутган қишлоқ хўжалиги ерларини консервациялашнинг белгиланган тартибини бузиш, ерга эгалик қилувчилар, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар томонидан бир гектаргача, бир гектардан ортиқ майдонга эга ер участкасида суғориладиган ерларни яхшилаш ҳамда муҳофаза қилиш, шу жумладан ерлардан мақсадли, оқилона фойдаланилишини, тупрокнинг қайта тикланишини ва ҳосилдорлиги оширилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга тушириш, уларни ишлаб чиқариш чиқитлари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан ифлослантиришда ифодаланади.
- **Ер бериш тартибини бузиш** – Ер бериш тартибини бузиш, худди шунингдек фермер ёки деҳқон хўжалиги юритиш учун, яқка тартибда уй-жой куриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш, жамоа боғдорчилиги ва полизчилиги учун фуқароларга ер берилишига тўсқинлик қилиш.
- **Вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирмаслик** – Вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш юзасидан мажбуриятларни бажармасликда ифодаланади.
- **Хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш** – Тасдиқланган ер тузилиши лойиҳа ҳужжатларидан тегишли рухсат бўлмағу туриб четга чиқиш, худди шунингдек тегишли органлар билан келишмай туриб объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, куриш ва уларни фойдаланишга топшириш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш, ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни бузиб кўрсатиш, ахборотларни беришдан бўйин товлаш ёки нотўғри ахборот беришда ифодаланади.
- **Чегара ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш** - Эгаликдаги ва фойдаланишдаги ерларнинг чегара белгиларини, ўрмонлардаги чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантиришда ифодаланади.
- **Ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаслик** - Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмасликда ифодаланади.
- **Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузиш** – Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларга ўзбошимчалик билан иморатлар куриш, фойдали қазилма конларини экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда кон назорати органлари билан келишмай туриб ишга солиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш талаблари ва тартибини бузиш (бундан фойдали қазилмаларни лицензиясиз қазиб олиш мустасно), ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги талабларини бузиш, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш қоидаларини ва табиий муҳитни, бинолар ва иншоотларни ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш талабларини бажармаслик, ер ости сувлари режимини кузатиш учун қазилган қудуқларни, маркшейдерлик ва геологик белгиларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш, худди шунингдек умумтарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш қоидаларини ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар томонидан бузиш, конларнинг бой участкаларини танлаб ишлатиш, минерал хом ашёни қазиб олаётганда ва қайта ишлашда фойдали қазилмаларни

нормативдан ортиқ нобуд қилиш, фойдали қазилма конларини яроқсиз ҳолга келтириш ва фойдали қазилма захираларидан оқилона фойдаланиш талабларини бошқача тарзда бузиш, маркшейдерлик ҳужжатларини йўқотиш, тугатилаётган ёки консервация қилинаётган конларни ва бурғиланган кудуқларни аҳолининг хавфсизлигини таъминловчи ҳолатга келтириб қўйиш талабларини, шунингдек консервация вақтида конларни, қазилаётган жойларни ва бурғиланган кудуқларни муҳофаза этиш талабларини бажармасликда ифодаланади.

- **Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш** - Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузишда ифодаланади.

- **Фойдали қазилмаларни лицензиясиз қазиб олиш** - Фойдали қазилмаларни лицензиясиз қазиб олиш, худди шунингдек олтин изловчилар усулида лицензиясиз қазиб олиш, бундан ер ости сувлари ҳамда дарёлар ўзанларида жойлашган фойдали қазилмалар мустасно.

- **Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини бузиш** - Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини топилган фойдали қазилмалар захираларига ёки фойдали қазилмалар қазиб олиш корхоналари, шунингдек фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари куриш ва улардан фойдаланиш шароитларига нотўғри баҳо берилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тарзда бузиш, ер ости бойликларини кейинги геологик жиҳатдан ўрганишда ва конларни ишга солишда зарур бўлган геологик ҳужжатларни, фойдали қазилма намуналари дубликатларини ва кернларини йўқотиб қўйишда ифодаланади.

- **Сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш** - Сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш, Корхоналар, коммунал ва бошқа объектларни сувларнинг ифлосланиши ва булғаниши ёки уларнинг зарарли оқибатлари олдини олувчи иншоотлар ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, шунингдек сув объектларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилиш, Сув кудуқларини қазининг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузиш (бундан жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари учун, шу жумладан томорқа ер участкаларини суғориш учун ер ости сувларини яқка тартибда олишга мўлжалланган кудуқларни қазини ҳоллари мустасно), ишлатилаётган ва кузатув кудуқларини йўқ қилиб юбориш ёки шикастлантириш, сув ўзи чиқадиган кудуқларни уларни тартибга соладиган қурилмалар билан жиҳозлашга, шунингдек ишлатишга яроқсиз кудуқларни консервациялашга ёки йўқ қилишга доир чораларни кўрмаслик, сифатли ер ости сувлари ҳосил бўладиган теграда ер ости сувлари ифлосланишининг ёки сифати ёмонлашишининг манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган саноат, қишлоқ хўжалиги иншоотларини ва бошқа объектларни жойлаштиришда ифодаланади.

- **Зарарли моддалар ва қоришмаларга оид операцияларни кема ҳужжатларида қайд этиш мажбуриятларини бажармаслик** - Кема ёки бошқа сузиш воситаси капитани ёки бошлиқлар таркибига мансуб бошқа шахслар томонидан зарарли моддалар ёки қоришмаларга оид операцияларни кема ҳужжатларида қайд этиш юзасидан амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилмасликда ифодаланади.

- **Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш** - Табиий сув оқимлари (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар) ва бошқа табиий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, сув олиш лимитларини бузиш, шунингдек лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган ҳолда улардан сув олишни амалга ошириш, Сунъий сув оқимлари (очиқ ва ёпиқ каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари), сув ҳавзалари (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) ҳамда бошқа сунъий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли

қоидаларини бузиш, яъни сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш, сув объектларидан белгиланган сув олиш лимитлари, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаларини бузиш, Ер ости сувли қатламларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, ер ости сувли қатламларидан сув олиш лимитларини бузиш, ер ости сувларидан ўзбошимчалик билан сув олишда ифодаланади(бундан жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари, шу жумладан томорқа ер участкаларини суғориш учун сувдан умумий фойдаланиши мустасно).

- **Сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш** - Сув объектларидан олинадиган ва уларга қуйиладиган сув миқдорининг дастлабки ҳисобини юритиш ва оқиб келиб қўшилаётган сувлар сифатини аниқлаш қоидаларини бузиш, шунингдек давлат сув кадастри юритишининг белгиланган тартибини бузишда ифодаланади.

- **Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш** - Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

- **Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш** - Тегишли рухсат олмай туриб иморат солиш, ёғочни қайта ишлаш, омборлар ва бошқа иншоотлар қуриш мақсадида ўрмон фонди ерларидаги дарахтни кундаков қилиш, ўрмон фонди ерларида пичанзорлар ва яйловларни шикастлантириш, ўзбошимчалик билан пичан ўриш, дренаж тизимларини ва йўлларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш, Ўрмон фонди ерларида чорва молларини ўтлатиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

- **Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш** - Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш, ёғоч тайёрлаш ва ташиб олиб кетиш тартибини, шунингдек ўрмон кесиш чиптаси (ордери)да ёки ўрмон чиптасида белгиланган бошқа талабларни бузишда ифодаланади.

- **Дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш** - Дарахтлар, буталарни, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилишда ифодаланади.

- **Ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш** - Ўрмонларни тиклаш, уларнинг ҳолатини ва тури таркибини яхшилашга, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга, шунингдек етилган ёғоч захираларидан фойдаланишга оид қоидалар ва йўриқномаларни бузишдир.

- **Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш** - Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликларни ёки уларнинг яшаш фаолияти натижасида ҳосил бўлган илдизлари, пиёзбошлари, таналари, поялари, новдалари, пўстлоғи, барглари, ғунчалари, гуллари, уруғлари, мевалари, шарбатини (елимини) ва бошқа маҳсулотларини ўзбошимчалик билан йиғишда ифодаланади.

- **Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш** - Давлат қўриқхонаси режимини бузиш, Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор қўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар шу жумладан сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, давлат биосфера резерватлари ҳамда давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини бузишда ифодаланади.

- **Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш** - Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юборишда ифодаланади.

- **Ўрмонларда ёнгин хавфсизлиги талабларини бузиш** - Ўрмонларда ёнгин хавфсизлиги талабларини бузишда ифодаланади.

- **Ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера**

ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш - Ифлослантирувчи моддаларни ва биологик организмларни йўл қўйиладиган нормативдан ортиқ даражада атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш; атмосфера ҳавосига йўл қўйиладиган энг юқори нормативдан ортиқ даражада зарарли физикавий таъсир кўрсатиш; махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатсиз атмосферага ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлаш; қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатини олиш талаб этиладиган ҳолларда бундай рухсатни олмай туриб атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, худди шунингдек ноқулай метеорологик шароит даврида атмосферанинг ифлосланганлик даражаси ортиб кетишига сабаб бўлувчи ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлашни камайтириш чора-тадбирларини тўлиқ ҳажмда бажармаганлик; бундай моддаларни ёппасига чиқариб ташлашларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширмаслик, Ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун атмосфера ҳавосидан белгиланган нормативлардан ортиқча фойдаланиш, худди шунингдек атмосфера ҳавосидан тасдиқланган нормативларсиз ёки махсус ваколат берилган давлат органларининг рухсатсиз фойдаланишда ифодаланади.

- **Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек ундан фойдаланмаслик** - Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш учун ўрнатилган иншоотлар, ускуналар, аппаратуралардан, шунингдек чиқариб ташланадиган зарарли моддалар миқдори ва тартибини назорат қилувчи воситалардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки улардан фойдаланмасликда ифодаланади.

- **Чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш** - Чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар, шунингдек ишлаб турган вақтда шовқин ва бошқа физик таъсир даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган автомобиллар, самолётлар, кемалар ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш ёхуд ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш чоғида ишлатиб чиқарилган газлардаги ифлослантирувчи моддаларнинг таркиби ҳамда улар физикавий омилларининг зарарли таъсири тегишли нормативларга мувофиқлигини текшириш ва тартибга солиб туришни таъминламаслик, Чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар, шунингдек ишлаб турган вақтида шовқин даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган ҳаракатланувчи қурилмалардан фойдаланишда ифодаланади.

- **Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик** - Қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмаларсиз очиқ аланга олдириб уларни ёқиш, битум эритишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик, Дала ва аҳоли пунктларида анғиз, хазон ва шох-шаббаларни ёки ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юборишда ифодаланади (атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантиришга олиб келса).

- **Ўсимликларни химоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузиш** - Ўсимликларни химоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи воситаларни, минерал ўғитлар ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини тупроқ, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ёки ўсимликлар, ҳайвонот дунёсини йўқ қилиб юборилишига олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузишда ифодаланади.

- **Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш қоидаларини бузиш** - Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни тегишли рухсатномасиз, худди шунингдек рухсатномада кўрсатилган шартларни бузган ҳолда зарарсизлантиришда ифодаланади.

- **Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш** - Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш, Тегишли рухсати бўлмаётган туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки воситалар билан ов қилиш ёки балиқ овлашда ифодаланади.
- **Ов қилиш ва балиқ овлашнинг тақиқланган қуролларини ёки воситаларини тайёрлаш, олиб кириш, сақлаш, ташиш ёки юбориш, олиш ёхуд сотиш** - Ов қилиш ва балиқ овлашнинг тақиқланган қуролларини ёки воситаларини тайёрлаш, олиб кириш, сақлаш, ташиш ёки юбориш, олиш ёхуд сотишда ифодаланади.
- **Саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш** - Саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузишда ифодаланади.
- **Белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш** - Белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суюқ маиший чиқиндиларни тўкишда ифодаланади.
- **Санитар тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талабларни бузиш** - Санитар тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талабларни бузишда ифодаланади.
- **Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат қилиш, шунингдек чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари бўйича кадастр ахборотларини тақдим этиш тартибини бузиш** - Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартибини бузиш, Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари бўйича кадастр ахборотларини тақдим этиш тартибини бузишда ифодаланади.
- **Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш** - Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни ва уларнинг кўчиш йўлларини муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш, тўлдириш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини, зоологик ва ботаник коллекцияларини бошқа жойга жўнатиш ва чет элга олиб кетиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа ерга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштиришда ифодаланади.
- **Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга ҳилоф равишда олиб келиш** - Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга ҳилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб киришда ифодаланади.

5-МАНВЗУ-учун глоссарийлар

- **Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органлари назорати остидаги объектларда саноат хавфсизлиги талабларини бузиш** - Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органлари назорати остидаги объектларда саноат хавфсизлиги талабларини бузишда ифодаланади.
- **Истирохат боғларининг аттракционларидан фойдаланишда қонун ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини бузиш** - Истирохат боғларининг аттракционларидан фойдаланишда қонун ҳужжатлари ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларини бузишда ифодаланади.
- **Портловчи ҳамда радиоактив материалларни (манбаларни) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш** - Саноатда ва Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси органлари назорати остидаги бошқа объектларда портловчи ҳамда радиоактив материалларни (манбаларни) ҳисобга олиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини, нормаларини ҳамда йўриқномаларини бузишда ифодаланади.
- **Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишлари бажарилаётганда талабларни бузиш, шунингдек қурилиш соҳасида назорат қилиш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияларининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик (бундан яқка тартибдаги уй-жой қурилиш объектлари мустасно), Бинокорлик материалларини, конструкцияларини ва буюмларини ишлаб чиқаришда техник регламентлар талабларини бузиш, Қурилиши тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш қоидаларини, аҳоли пунктларининг ва аҳоли пунктлариаро ҳудуднинг бош режаларини, уларни режалаштириш ва қуриш лойиҳаларини, маданий мерос объектлари жойлашган ҳудудларни реконструкция қилиш режаларини бузиш, даҳаларни, мавзеларни ва шаҳарларнинг саноат зоналарини, кишлоқ аҳоли пунктларини қуриш ва ободонлаштириш сифатини, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг архитектура ечимларини бузиш, Объектларни давлат экспертизасининг лойиҳа-смета ҳужжатларига, шу жумладан иш ҳужжатларига доир ижобий ҳулосасисиз, шунингдек қурилиш соҳасида назорат қилиш ва йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияларининг рухсатномасисиз қуриш, Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ биноларни, иншоотларни ёки бошқа объектларни қуришга, реконструкция қилишга ва капитал таъмирлашга тақиқлар (чекловлар) белгиланган зоналарда шундай ишларни амалга ошириш, Фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ўз ҳудудига туташ ва туташ бўлмаган ер майдонларида қурилиш ишларини амалга оширишда ифодаланади.
- **Электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш** - Электр ва иссиқлик энергиясини беҳуда сарфлаш, яъни электр двигателларидан, электр печлари ва бошқа электр ҳамда иссиқлик ускуналарида мунтазам равишда, ишлаб чиқариш зарурати бўлмаган ҳолда тўлиқ фойдаланмаслик ёки уларни бекорга ишлатиб қўйиш, зичланган ҳаво, сув ва иссиқликнинг мунтазам равишда нобуд бўлиши, энергия билан таъминловчи ташкилотларнинг рухсатсиз хизмат бинолари ва бошқа биноларни иситиш учун, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида назарда тутилмаган бошқа мақсадлар учун электр энергиясидан фойдаланиш, ёритиш учун электр энергиясидан хўжасизларча фойдаланишда ифодаланади.
- **Электр тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш** - 1000 вольтгача, 1000 вольтдан ортиқ кучланишли электр тармоқларини (ҳаво, ер ости ва сув ости электр узатиш, киритма ва тақсимлаш қурилмаларини) муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, (башарти бу ҳол истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашда узилишга, электр

тармоқларининг шикастланишига ёки халқ хўжалигига бошқа хил зиён етишига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса)да ифодаланади.

- **Газдан ёқилғи ёки хом ашё сифатида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқбузарликлар** - Газдан фойдаланиш қурилмасига газни рухсатсиз очиб бериш ёки газ истеъмол қилишнинг белгиланган тартибига риоя қилмаслик ёхуд газдан фойдаланиш қурилмаларида газ сарфлашнинг тасдиқланган солиштирма нормаларисиз газ сарфлаш ёки бундай нормалардан ортиқча сарфлаш, Газдан фойдаланиш қурилмаларини газ сарфини ҳисобга олмай туриб ёки газ қўлланиб ҳосил қилинадиган иссиқлик энергияси ва маҳсулотларни ҳисобга олмай туриб ишлатиш ёхуд газдан фойдаланиш қурилмаси лойиҳасида назарда тутилган газ ёниш жараёнини автомат тарзда бошқариб турувчи воситаларнинг, иссиқлик техникаси назорати асбобларининг ёки газдан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминловчи иссиқликдан фойдаланиш ускуналарининг бўлмаслиги (бузуклиги), Газ истеъмол қилувчи корхона, муассаса ва ташкилотлар учун назарда тутилган резерв ёқилғи хўжалигининг ишга тайёр эмаслиги ёки газдан фойдаланиш қурилмаларининг белгиланган резерв ёқилғи турларида ишлашга тайёр эмаслигида ифодаланади.

- **Экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш** - Чорва моллар ёки паррандаларнинг хўжалик экинзорларини пайҳон қилиши, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиши ёки уни йўқ қилиб юбориши, кўчатларга шикаст етказиши, Экинзорларни ёки кўчатзорларни ҳамма турдаги ҳаракатланувчи техника воситаларида босиб ўтишда ифодаланади.

- **Қишлоқ хўжалик экинларининг навини янгилаш ва нав жойлаштириш тартибини бузиш** - Қишлоқ хўжалик экинларининг навини янгилаш ва нав жойлаштириш тартибини бузишда ифодаланади.

- **Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ва уруғликларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш** - Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ва уруғликларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини, шунингдек агросаноат мажмуи соҳасида технологик жараёнлар талабларини бузиш, Қишлоқ хўжалиги ўсимликларига доир ҳужжатларни юритиш қоидаларини бузиш ёхуд ушбу ҳужжатларга уруғликларнинг навлари ва экилиш сифатлари тўғрисидаги нотўғри маълумотларни киритишда ифодаланади.

- **Таркибида гиёванд моддалар бўлган экинларни қўриқлашни таъминлаш чораларини кўрмаганлик** - Таркибида гиёванд моддалар бўлган наша ва мойли кўкнор экинларини, мазкур экинлар ҳосилини сақлаш ва қайта ишлаш жойларини қўриқлаш юзасидан белгиланган тартибни таъминлаш чораларини кўрмаганлик, шунингдек таркибида гиёванд моддалар бўлган шундай экинларнинг **анғизлари** ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини йўқ қилиб ташлаш чораларини кўрмаганликда ифодаланади.

- **Ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик** - Тасарруфида ер майдонлари бўлган шахслар томонидан ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганликда ифодаланади.

- **Карантин эълон қилинган зараркунандаларга, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтларга қарши кураш қоидаларини бузиш** - Карантин эълон қилинган зараркунандаларга, ўсимликлар касалликларига ва бегона ўтларга қарши курашнинг санитария қоидаларини ва бошқа хил қоидаларни бузиш, Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар томонидан заҳарли бегона ўтларга қарши кураш чораларини кўрмаганликда ифодаланади.

6-МАНЗУ-учун глоссарийлар

- **Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш** - Темир йўл изларига поездлар қатновининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ашёларни қўйиш, шунингдек темир йўлни, ихота дарахтларини ва қор тўсиш ғовларини ҳамда бошқа йўл объектларини, сигнал бериш ва алоқа иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, Темир йўлдан от-арава ҳайдаб ўтиш ва чорва молларни ҳайдаб ўтиш, чорва молларни темир йўл яқинида боқиш қоидаларини бузиш, Темир йўл транспортига юк ортиш вақтида белгиланган габаритларга риоя қилмаслик, Темир йўлларни белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиш, Транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан темир йўл изини белгиланмаган жойдан кесиб ўтишда ифодаланади.
- **Метрополитендан фойдаланиш қоидаларини бузиш** - Метрополитендан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузишда ифодаланади.
- **Учиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш** - Аэродром ҳудудида аэродромларни таниб олиш учун қабул қилинган маркировка белгиларига ва қурилмаларга ўхшаш бирор-бир белги ва қурилма ўрнатиш ёки аэродром ҳудудида парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолиятни белгиланган тартибда келишилмаган ҳолда амалга ошириш, Бинолар ва иншоотларда тунги ва кундузги маркировка белгиларини ёки қурилмаларини ўрнатиш қоидаларини бажармаганлик, Аэродром ускуналарини, аэродром белгиларини, ҳаво кемаларини ва уларнинг ускуналарини шикастлантириш, Тегишли рухсати бўлмайд туриб аэропортлар (аэровокзаллардан ташқари), аэродромлар, училарни радио ва ёруғлик билан таъминлаб турувчи объектлар ҳудудида пиёда ёки транспортда юриш, Алкоголли ичимлик, гиёҳвандлик моддаси таъсирида ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахс томонидан ҳаво кемасини бошқариш, худди шунингдек бундай ҳолатда бўлган экипаж аъзоларининг ҳаво кемасини бошқаришига ижозат бериш ёхуд ҳаво кемасини бошқарувчи шахснинг алкоголли ичимлик, гиёҳвандлик моддаси таъсиридаги ёки ўзгача тарздаги мастлик ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибга мувофиқ текширувдан ўтишдан бўйин товлаши, Бахтсиз авиация ҳодисаси деб топилган ҳодисани, у ҳақидаги маълумотларни қасддан яшириш, худди шунингдек ушбу ҳодиса тўғрисидаги ахборотни қасддан бузиб кўрсатиш, бортдаги ва ердаги объектив назорат воситаларининг маълумотларига ҳамда бахтсиз авиация ҳодисаси билан боғлиқ бошқа далилий материалларга қасддан шикаст етказиш ёки уларни қасддан йўқ қилиб юборишда ифодаланади.
- **Ҳаво кемасида юриш-туриш қоидаларини бузиш** - Ҳаво кемасида бўлган шахсларнинг ҳаво кемаси командирининг ёки ҳаво кемаси командири номидан экипаж аъзосининг фармойишларини бажармаслиги, Ҳаво кемаси бортида туриб фотосуратга, кинога, видеога олиш, шунингдек радиоалоқа воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузишда ифодаланади.
- **Транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш** - Локомотивлар, вагонлар, дарё ва ҳаво кемалари, худди шунингдек ҳамма турдаги махсус транспортларнинг ойналари ва ички жиҳозларига шикаст етказиш, Автобусларнинг, таксиларнинг, маршрут таксиларининг, шаҳар электр транспортининг ва метрополитен вагонларининг ойналари ва ички жиҳозларига шикаст етказишда ифодаланади.
- **Тамаки маҳсулотини транспортда белгиланмаган жойларда истеъмол қилиш** - Маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиغان поездларда, дарё кемаларида белгиланмаган жойларда, шаҳар атрофига қатнайдиغان поездларнинг вагонларида (шу жумладан тамбурларида), шаҳар ичида, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда қатнайдиغان автобусларда, шунингдек таксиларда, йўналишли таксиларда ҳамда шаҳар электр транспортида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш, Ҳаво кемаларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилишда ифодаланади.

- **Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш** - Поездларнинг вагонлари, автотранспорт воситалари ва шаҳар йўловчилар транспортдан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юборишда ифодаланади.
- **Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши** - Мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўлларда йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи ёки авария ҳолатини келтириб чиқарувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашишида ифодаланади.
- **Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш** - Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини алкоғолли ичимликдан, гиёванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариши, Алкоғолли ичимликдан, гиёванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст шахсга транспорт воситасини бошқаришни топширишда ифодаланади.
- **Ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши** - Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситалари, йўл ҳаракатини тартибга солувчи воситалар ёки бошқа мол-мулк шикастланишига олиб келишида (лекин анча миқдорда моддий зарар етказмас) ифодаланади.
- **Йўл ҳаракати қоидаларида назарда тутилган ҳужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши** - Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлари, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги, шунингдек транспорт воситасига эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси (МЖТК 135-1-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно), қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса лицензия карточкаси ёки йўл варақаси, юридик шахсларнинг транспорт воситалари ҳайдовчиларининг, шу жумладан йўловчи ёки юк ташиш фаолиятини амалга оширувчи ҳайдовчиларнинг малака оширишдан ўтганлиги тўғрисидаги сертификати (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномани алмаштириш ёки йўқолган гувоҳнома ўрнига бошқасини бериш ҳолларини истисно қилган ҳолда, гувоҳнома олинган пайтдан эътиборан икки йиллик давр бундан мустасно) ёнида бўлмаган ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини бошқариши, худди шунингдек ишончномаларни, транспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш ва ижарага бериш шартномаларини рўйхатдан ўтказмасдан (ҳисобга қўймасдан) транспорт воситаларини бошқариш, Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг шу воситаларни бошқариши, худди шунингдек бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсга транспорт воситаларини бошқаришнинг топширилиши, Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг бундай воситаларни бошқаришида ифодаланади.
- **Пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши** - Пиёдаларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, уларнинг йўлнинг ҳаракат қисмини белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши, пиёдалар йўлнинг қатнов қисмида, шу жумладан пиёдалар ўтиш жойида ҳаракатланаётганда телефондан фойдаланиши, китобларни ёки даврий нашрларни ўқиши, видеоматериалларни томоша қилиши ҳамда аудиоматериалларни эшитиши, шунингдек эътиборни чалғитадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланиши, шунингдек мопед ва велосипед ҳайдовчиларининг, уловли аравани бошқариб борувчи ва йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибга солувчи сигналларга бўйсунмаслиги, устунлик берувчи, тақиқловчи ёки кўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги, Ҳайдовчиларга ҳар хил хизмат кўрсатиш мақсадида йўлнинг қатнов қисмида фуқароларнинг туриши, йўлларга ажратилган минтақа теғрасида мол боқиш, Транспорт воситаси ҳаракатланаётган вақтда йўловчи томонидан тана қисмларини (қўлдан ташқари) салондан чиқариш, Мопед, велосипед ҳайдовчининг, уловли аравани бошқариб борувчи

шахсининг алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст бўлган ҳолда йўл ҳаракати қоидаларини бузишида ифодаланади.

- **Транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш** - Ҳайдовчиларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қаршли транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланишида ифодаланади.
- **Кира ҳақи тўламасдан юк олиб юриш** - Троллейбусда, трамвайда, шаҳар ичида ва шаҳар атрофига қатнайдиған автобусда, маршрут таксисида кира ҳақи тўламасдан юк олиб юришда ифодаланади.
- **Йўловчиларни чиптасиз ташиш** - Ҳаво, темир йўл транспортида йўловчиларни чиптасиз ташиш, Сув, автомобиль транспортида ва шаҳар электр транспортида йўловчиларни чиптасиз ташишда ифодаланади.
- **Ташувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслиги** - Ташувчининг йўловчилар ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказганлик учун қонунда белгиланган ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслигидан иборат.
- **Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш** - Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларда темир йўл органлари ва йўл органлари билан келишмай туриб ерни ҳайдаш, ўт ўриш, дарахт кесиш ва уларга шикаст етказиш, чимларни олиб ташлаш ва тупроқ олиш, канализация, саноат, мелиорация сувларини ва оқова сувларни сув қочириш иншоотларига ва резервларига оқишиш, шунингдек ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёқиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекишда ифодаланади.
- **Ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларнинг автомобиль йўлларини ва йўл иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиши** - Автомобиль йўлларига ажратилган минтақага туташ жойлардаги ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларнинг умум фойдаланишдаги йўллардаги аҳоли пунктлари доирасида, ўзларига бириктириб қўйилган ер майдони чегарасида пиёдалар юрадиган йўлкалар ва улар ўтадиған кўприкчалар қуриш, уларни таъмирлаш ва мунтазам орасталаб туриш мажбуриятларини, шунингдек ўзларига бириктирилган ер майдонидан чиқиш йўлларини ёки умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларига келиб туташадиған йўлларни, шу жумладан кесиб ўтиладиған кўприкларни техник жиҳатдан соз ҳолда ва озода сақлаш мажбуриятларини бажармасликда ифодаланади.
- **Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш тартибини бузиш** - Радиоэлектрон воситалар ёки юқори частотали қурилмаларни лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ва улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини, радиоайирбошлаш ва радиочастоталардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, радионурланишнинг техник регламентлари ёки давлат стандартлари, нормалари ва белгиланган тартибда ўрнатилган параметрларига риоя этмаслик, Радиоэлектрон воситалари ёки юқори частотали қурилмаларни тайёрлаш, олиш, сотиш ёки ўзгага доимий ёхуд вақтинча фойдаланиш учун бериш тартибини бузишда ифодаланади.
- **Алоқа йўллари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш** - Алоқа йўллари ва иншоотларини, шунингдек алоқа йўли ва кабель иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

7-МАВЗУ-учун глоссарийлар

Ҳисобга олиш тартибини ҳамда уйларга ва турар жой биноларига кўчиб кириш муддатларини бузиш - Турар жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва фуқароларга турар жой бериш тартибини бузиш, уйларга ва турар жойларга кўчиб киришнинг белгиланган муддатларига риоя қилмасликда ифодаланади.

Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш қоидаларини бузиш - Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш қоидаларини бузишда иборат.

Турар жойлардан фойдаланиш қоидаларини, уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини бузиш - Турар жойларни сақлаш ва улардан фойдаланиш, умум фойдаланадиган жойларни санитария ҳолатида сақлаш қоидаларини бузиш, уй-жой фондидан техник фойдаланиш қоидалари ва нормаларини бузиш, кўп квартирали уйлардаги турар жойларда чорва молларни, худди шунингдек одамларнинг саломатлигига хавф солувчи ҳайвонларни боқишда ифодаланади.

Фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг, текин фойдаланишга бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд давлат солиқ органларида ижарага бериш шартномасининг мажбурий ҳисобга қўйилишига риоя этмаслик - Фуқаролар ўртасида бинони, иншоотни ёки уларнинг бир қисмини, турар жойни ижарага бериш шартномасининг, текин фойдаланишга бериш шартномасининг мавжуд эмаслиги ёхуд давлат солиқ органларида ижарага бериш шартномасининг мажбурий ҳисобга қўйилишига риоя этмасликда ифодаланади.

Уй-жойларни қуриш қоидаларини бузиш ёки уй-жойларга доир мулк ҳуқуқларини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаслик - Фуқароларнинг уй-жойларни, хўжалик ва рўзғор биноларини қуриш қоидаларини бузиши, Фуқароларнинг уй-жойга доир мулк ҳуқуқини кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органларда ўз вақтида расмийлаштирмаслиги.

Эгасиз турар жойларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартибини бузиш – Фуқаролар томонидан турар жойларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида вақтинча бўш турган жой сифатида ҳисобга қўйиш тартибини бузиш, Эгасиз турар жойларни аниқлаш, ҳисобга олиш ва давлат мулкига ўтказиш тартибини бузишда ифодаланади.

Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш - Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ҳудудларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш, шунингдек тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларига риоя қилмасликда ифодаланади.

Шаҳарлардаги дарахтларни шикастлантириш ёки уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш - Айрим жойларда иморат қураётганда шу ерда ўсиб турган дов-

дарахтларга шикаст етказиш, уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш ёки бошқа жойга кўчириш, шунингдек фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ўз ихтиёрларидаги дов-дарахтларни муҳофаза қилиш чораларини кўрмаслигида ифодаланади.

Водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш - Водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ҳамда водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, ер ишлари ва бошқа ишларни бажараётганда водопровод тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти бу ҳол уларнинг шикастланишига сабаб бўлса ёхуд совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашишда ифодаланади.

Канализация тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш - Уй-жойларни, жамоат, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектларни, шунингдек ер участкаларини канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб олиш, таркибидаги ифлослантирувчи моддалар йўл қўйиладиган даражадан ортиқ бўлган оқова сувларни канализацияга оқизиш ҳамда канализациядан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, ер ишлари ва бошқа ишларни бажараётганда канализация тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузишда ифодаланади (башарти бу ҳол уларнинг шикастланишига сабаб бўлса).

Сув таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш қоидаларини бузиш - Сув таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

8-МАНВЗУ-учун глоссарийлар

• **Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш** - Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш, анча, кўп миқдорда бузиш, Ёнилғи-мойлаш материаллари билан, кўлда савдо қилиш ёхуд шаҳарларда белгиланмаган жойларда кўлда савдо қилиш, Ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш қоидаларини бузиш, Энергетик ичимликларни ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилишда ифодаланади.

• **Фаолият билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш** - Лицензия олиниши ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар олиниши шарт бўлган фаолият билан лицензиясиз ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланишда ифодаланади.

• **Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, шунингдек дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш** - Сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ёхуд тиббий буюмларни ўтказиш мақсадида ишлаб чиқариш, тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш, шунингдек дори воситаларини ёки тиббий буюмларни дорихоналардан ва уларнинг филиалларидан ташқарида реализация қилиш, Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар мавжуд бўлмаган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш, Таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузишда ифодаланади.

• **Молларни уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш** - Хўжалик юритувчи субъектларнинг, озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларини уларнинг сифатини ва ишлаб чиқариш маркасини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиши, худди шунингдек сотиш мақсадида олиши, Ишлаб чиқариш маркасида ёки товар белгисида ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган ери тўғрисида ахборот бўлмаган товарларни реализация қилиш, шунингдек реализация қилиш мақсадида сотиб олишда ифодаланади.

• **Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш** - Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

• **Таркибида кимёвий моддаларнинг қолдиғи йўл қўйиладиган даражадан ортик бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш** - Таркибида одамлар ва ҳайвонлар саломатлиги учун зарарли бўлган пестицидлар, минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий моддаларнинг қолдиқ миқдори йўл қўйилиши мумкин деб белгиланган даражадан ортик эканлигини била туриб қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, худди шунингдек захарли ёввойи ўсимликларни, уларнинг ҳосилини, меваларини, уруғларини, барглари ва илдизларини бозорларда сотишда ифодаланади.

• **Валюта ва экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш тартибини бузиш** - Валюта операцияларини амалга оширувчи корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва банклар ходимларининг чет эл валютасини Ўзбекистон Республикасининг ваколат берилган банклардаги валюта счётига яшириб қолиш мақсадини кўзламай туриб вақтида ёхуд тўлиқ ўтказилмаслик, Валюта тушумининг бир қисмини қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорларда мажбурий сотишдан бўйин товлаш, Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибини бузишда ифодаланади.

• **Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битим тузиш** - Наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси худудига илгари фойдаланилган, жисман ишлатиб бўлинган, маънавий эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускунани ёхуд технологияларни олиб киришга,

шунингдек уларни ўрнатиш ва жорий этишга олиб келган битимни тузиш, республика манфаатларига анча миқдорда зарар етказган бўлса, худди шунингдек бундай битим тузилишига сабаб бўлган эксперт хулосасини ёки бошқа ҳужжатни ваколатли давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахси томонидан беришда ифодаланади.

• **Техник регламентларга жавоб бермайдиган ёнилғи-мойлаш материалларини реализация қилиш** - Техник регламентларга жавоб бермайдиган ва кўплаб захарли моддалар чиқишига олиб келадиган ёнилғи-мойлаш материалларини реализация қилишда ифодаланади.

• **Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш** - Солиқ олинadиган фойдани (даромадни) ёки бошқа объектларни қасддан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан қасддан бўйин товлаш, Даромадлар тўғрисида декларация тақдим этишдан бўйин товлаш, декларацияни ўз вақтида тақдим этмаслик ёки унда атайин нотўғри маълумотларни тақдим этишда ифодаланади.

• **Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Эмитентлар ва қимматли қоғозлар тўғрисидаги ахборотни, ҳисоботларни эълон қилмаслик ёки ўз вақтида эълон қилмаслик, шунингдек давлат назорати органларига ҳисоботлар ёхуд ахборотни топширмаслик ёки ўз вақтида топширмаслик, Эмитентлар томонидан қимматли қоғозлар чиқариш тартибини бузиш инвесторлар манфаатларига зарар етказмаган бўлса, Қимматли қоғозларни чиқаришнинг белгиланган тартибини эмитентлар томонидан бузиш инвесторларга зарар етказилишига олиб келган бўлса, Қимматли қоғозларга доир битимлар тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказишнинг белгиланган тартибини қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари томонидан бузиш, Инвесторлар, қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялар бўйича ҳисоб ва ҳисоботнинг белгиланган тартибини бузиш, Тегишли даромадларни инвесторларга тўламаслик ёки тўлиқ тўламаслик, Ваколатли давлат органининг ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик, Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан инвесторлар ва давлат назорати органларини атайин нотўғри маълумотлар тарқатиш (тақдим этиш) орқали чалғитишда ифодаланади.

• **Солиқ солинадиган объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёки касса операцияларини юритиш тартибини, шунингдек тўлов интизомини бузиш** - Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларнинг ҳисобини олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, башарти бу ҳаракатлар тўланиши лозим бўлган солиқнинг ёки бошқа мажбурий тўловларнинг суммасини камайтиришга олиб келса, шунингдек бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқларни, бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ ҳисоботларини, ҳисоб-китобларини ҳамда бошқа ҳужжатларни, дебиторлар билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг солиштирма далолатномаларини ёхуд тўлов муддати ўтган дебиторлик қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ёзма билдиришни тақдим этмаслик, ўз вақтида тақдим этмаслик ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиш, худди шунингдек камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутларнинг асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаслик, Касса операцияларини юритиш тартиби ва тўлов интизомини бузиш, шу жумладан, қарздор корхоналардан тўловларни ундириш бўйича солиқ органларининг инкасса топшириқларини бажармаслик, шунингдек дебиторлик ва кредиторлик қарзи муддатларини ўтказиб юбориш ҳамда корхоналарнинг ҳисобварақларида тегишли маблағлар бўлган ҳолда тўловларни амалга оширишнинг белгиланган муддатларини бузиш, шунингдек пул маблағларини ҳисобдан чиқариш навбатини бузиш, Солиқ органларида рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи маълумотномасиз корхоналар ва ташкилотларга ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварақларини очиш, Бюджетга тўловлар бўйича қарзи бўлган корхоналарга ўз вақтида инкасса топшириқномасини тақдим

этмаслик, Солиқ тўловчи томонидан бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун тўлов топширикномасини хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмасликда ифодаланади.

• **Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти** - Тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширишда ифодаланади.

• **Шартнома интизомини бузиш** - Шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида хўжалик юритувчи субъектларга мулкый зарар етказишда ифодаланади.

• **Хўжалик юритувчи субъектнинг манзили, банк реквизитлари ўзгарганлиги ёки қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш** - Хўжалик юритувчи субъект томонидан почта манзили (жойлашган ери), банк реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисидаги ёки ўзи қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўн кунлик муддат ичида ваколатли давлат органларига тақдим этмаслик ёхуд ёлғон маълумотларни тақдим этишда ифодаланади.

• **Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш** - Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки адаштириб юбориш даражасида улар билан ўхшаш бўлган белгилардан шу турдаги товарларга (хизматларга) нисбатан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ёхуд ўзганинг фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланишда ифодаланади.

• **Муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш** - Асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш, худди шунингдек асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг контрафакт нусхаларини такрорлаш, тарқатиш, барчанинг эътиборига етказиш ёхуд асарларнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектларининг нусхаларида уларнинг тайёрловчилари ҳақида, уларни ишлаб чиқариш жойлари тўғрисида, шунингдек муаллифлик ҳуқуқининг ва турдош ҳуқуқларнинг эгалари ҳақида ёлғон ахборотни кўрсатишда ифодаланади.

• **Ихтирога, фойдали моделга ва саноат намунасига бўлган ҳуқуқларни бузиш** - Тегишли патентланган ихтирони, фойдали моделни, саноат намунасини ўз ичига олган маҳсулот ёки буюмни рухсатсиз тайёрлаш, қўллаш, импорт қилиш, сотишга таклиф этиш, сотиш, фуқаролик муомаласига бошқа йўсинда киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туриш, шунингдек ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усулни қўллаш ёхуд бевосита ихтиро патенти билан муҳофаза қилинаётган усул билан тайёрланган маҳсулотни фуқаролик муомаласига киритиш ёки шу мақсадда сақлаб туришда ифодаланади.

• **Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Монополияга қарши органга ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органларга ахборот тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик ёхуд уларга била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этиш, Монополияга қарши органнинг қоидабузарликларни тугатиш тўғрисидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш ҳақидаги, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш, ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаслик, Тайёрловчининг товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва сифати устидан назоратни амалга оширувчи давлат бошқаруви органларининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаши, уларни ўз вақтида ёки лозим даражада бажармаслиги, Хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишда, қўшиб олишда ҳамда акцияларни (улушларни) ва бошқа мулкый ҳуқуқларни олиш бўйича битимлар тузишда монополияга қарши талабларни бузиш, Рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни келишиб олинган ҳолда содир этиш ва битимларни тузиш, шунингдек товар ёки молия бозорида устун мавқени

суистеъмол қилиш, худди шунингдек танлов (тендер) ёки биржа савдоларига доир монополияга қарши талабларни бузиш, Норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчиларга зарар етказиш, шунингдек истеъмолчиларга товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисида ахборот тақдим этмаганлик ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этганлик, шу жумладан истеъмолчиларни товарнинг истеъмолга оид хусусиятлари ёки сифати хусусида чалғитиш, товарни унга ўхшаш маҳсулотлар билан алмаштириб қўйиш, маҳсулотнинг хусусиятлари ва сифатини қасддан ўзгартириш, худди шунингдек қалбакилаштирилган озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, олиб кириш ва реализация қилиш, Яроқлилик муддати ўтган товарларни, шунингдек ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилиши шартлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган товарларни ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган ҳолда реализация қилиш ҳамда сотиш учун қабул қилганликда ифодаланади.

• **Реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан реклама ахборотиغا тааллуқли ҳужжатлар ва материалларни ваколатли давлат органига белгиланган муддатда тақдим этмаганлик ёки атайин нотўғри маълумотлар тақдим этганлик, шунингдек ваколатли давлат органининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини тугатиш ҳақидаги кўрсатмасини ўз муддатида бажармаганлик, Фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан нотўғри реклама берганлик, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя қилмаганлик ёки аксилреклама беришдан бош тортганлик, худди шунингдек реклама қилиниши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган маҳсулотни реклама қилганликда ифодаланади.

• **Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш** - Иш берувчи юридик шахсларнинг мансабдор шахслари томонидан Халқ банки филиалига фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни, Фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни қасддан тақдим этмаслик ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганлик, худди шунингдек ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни ходимларга тақдим этмаслик, Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини киритишдан бош тортиш, Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ушбу ҳисобварақларнинг ҳолати тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тайинлаш ва бериш тартибини бузиш, Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланишда ифодаланади.

9-МАНЗУ-учун глоссарийлар

Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг “Жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик” боби 183-192-моддаларида майда безорилик; жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш мақсадида сақлаш; фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши; диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш; миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш; ўқотар қуроллардан белгиланган тартибни бузган ҳолда олиш; пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи; фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаш ёки сотиши; этил спирти, алкоғолли маҳсулот ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш; жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш; вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш; вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш; вояга етмаган шахсининг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш; порнографик мазмундаги материалларни тарқатиш; фоҳишалик билан шуғулланиш; қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар; маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Майда безорилик. Жамиятда юзага келадиган турли-туман муносабатлар ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган бўлиб, уларга амал қилиш ҳар бир фуқаронинг мажбурияти ҳисобланади. Жамоат жойларида бўлувчи ҳар бир шахс унда ўрнатилган қоидаларга амал қилиши, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат билан қарши, уларнинг ҳамда давлат ва жамиятнинг манфаатларига путур етказмаслиги шарт.

Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш ҳамда миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунига биноан виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат қафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод етмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

10-МАВЗУ-учун глоссарийлар

Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш - назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузиш йўли билан уларга зарар етказиш, яъни мулк ҳуқуқини қонунга хилоф равишда чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум қилиш, хусусий мулкка тажовуз қилиш, номақбуллиги олдиндан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш, шу жумладан мол-мулкни ёки мулккий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш, шунингдек мулкдорнинг мулкни олиб қўйиш ёхуд уни ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлашда ифодаланади. (оз миқдордаги талон-торож аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда)

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш -тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишнинг ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, худди шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунга хилоф равишда текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) ўтказишда ифодаланади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш - тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ва (ёки) уларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туришда ифодаланади.

Тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш - назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан тадбиркорлик субъектларини пул маблағлари ҳамда бошқа моддий қимматликларни ажратиш билан боғлиқ ҳомийликка ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этишда ифодаланади.

Лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш - лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни беришнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларини бузиш, шу жумладан лицензияларнинг ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг янги турларини қонунга хилоф равишда жорий этишда ифодаланади.

Имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилиш - тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ва преференцияларни қўллашни ғайриқонуний равишда рад этиш, қўлламаслик ёки қўллашга тўсқинлик қилишда ифодаланади.

Хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга пул маблағлари беришни асоссиз равишда кечиктириш - хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа ташкилотларга иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган ўзга тўловларни тўлаш учун пул маблағлари беришни банкнинг мансабдор шахси ёки

хизматчиси томонидан асоссиз равишда кечиктиришда ифодаланади.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни қонунга хилоф равишда талаб қилиб олиш - қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда тадбиркорлик субъектларининг ҳисобварақларида пул маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги ахборотни талаб қилиб олишда ифодаланади.

Тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларини бузган ҳолда ҳужжатлар талаб қилиб олиш - тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган статистика, молия, солиқ ҳисоботини ва бошқа ҳисоботни, шунингдек ўзга ҳужжатларни, шу жумладан банк ҳисобварағини очишда ортиқча ҳужжатларни талаб қилиб олиш, худди шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддатлари ва тартибига зид равишда талаб қилиб олишда ифодаланади.

Кўчмас мулкни бузиб ташлаш тартибини бузиш - олиб қўйилаётган ер участкасидаги тадбиркорлик субъектларига тегишли биноларни, бошқа иморатларни, иншоотларни ёки дов-дарахтларни зарарнинг ўрнини мазкур мол-мулкнинг бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўлиқ қопламаган ҳолда бузиб ташлашда ифодаланади.